

Виктор СУМИН

СУМИН
САБЫРЫНЫЧ

СУБХИДАМ






Республика Маънавият ва
маърифат маркази

Виктор СУМИН

СҮНГГИ ВА БИРИНЧИ СУБҲИДАМ

(Афсонавий разведкачи
Баҳром Иброҳимов ҳақида роман)



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УДК 821.512.133

КБК 84 (5 Ў) 6

Рус тилидан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ таржимаси

Сумин, В.

Сўнгги ва биринчи субҳидам. Роман. – Тошкент: Гафур
Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 200 б

Ушбу романга афсонавий ўзбек разведкачиси Баҳром Иброҳимовнинг таржимаи ҳоли асос қилиб олинган ва муаллиф асарни ёзиш жараёнида Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизмати архиви ва мамлакатимизнинг бошка ташкилотларидан олинган маълумотлар ҳамда республика давлат хавфсизлик хизмати фахрийларининг хотираларига таяниб, воқеаларни ҳаёт ҳақиқатига вобаста тарзда юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаган.

Китоб биринчи навбатда ёшларга ва кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган.

УДК 821.512.133

КБК 84 (5 Ў) 6

ISBN 978-9943-5217-5-9

© Виктор Сумин,
© Гафур Фулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚИСҚАЧА ШАРХ

Бахром Иброҳимов 1908 йилнинг 5 майида Сармарқанд (ҳозирги Жиззах) вилоятининг Бахмал туманида туғилди. Ота-онасидан эрта айрилгани туфайли болалар уйида тарбияланган. Умумтаълим мактабини намунали битиргач, Боку шаҳрига юборилиб, олий таълимни ўша ерда олди.

Асаримиз қаҳрамони 1932 йилдан 1955 йилгача хавфсизлик муассасалари томонидан хорижда амалга оширилган муҳим разведка ишларида бекиёс хизмат кўрсатди.

1932 йилнинг декабрида Бахром Иброҳимов қўшни давлатлардан биридаги миллатчи мухожирлар ташкилотига ва хорижий разведка хизматлари муассасаларига кириб олди. Айнан унинг кўмагида япон милитаристларининг Мўғалистон ва Шинжон (ХХР) орқали Шўролар иттифоқига тажовуз қилиш борасидаги режа ва ниятлари аниқланди, бир қатор япон ва инглиз айғочилари тутилиб, хибсга олинди.

У Туркия разведкасининг Иттифоқ худудига хуфя айғочиларни ташлаш борасидаги жорий топширикларини бажаар экан, ўз вактида бу хақда Шўролар иттифоқи давлат хавфсизлиги муассасаларини хабардор қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Б.Иброҳимов Афғонистонда фаолият кўрсатиб, немис разведкаси

сафига кириб олди ҳамда фашистлар Германиясининг бевосита Ўзбекистон чегарасига яқин бўлган Эрон ва Афғонистонда қўзғолончилик ҳаракатини ташкил этиш борасидаги шум ниятларини аниқлади. Натижада, бу хатарли ҳаракатлар бартараф этилишга эришилди.

1942 йили Б.Иброҳимов афғон маъмурлари томонидан қамоққа олиниб, 1948 йилгача Кобул шахри турмасида, шундан икки ярим йили якка авахтада кишанланган ҳолда сақланиб, узлуксиз қийноқларга солинди. Аммо у ўзининг шўро разведкасига мансуб эканлиги хусусида бирор кўрсатма бермади. Устига-устак, маҳбуслик чоғида ҳам ўз касб-корини давом эттириди, турмада сақланаётган ва ўзи мансуб давлат ҳавфсизлиги муассасалари қизиқкан шахслар тўғрисида муҳим маълумотлар йиғди. Ўтказилган маҳсус операция пайтида у ҳибсдан озод қилинди.

1949 йили айнан ўзбек разведкачисининг ёрдамида Америка разведкасининг Покистон худудидан туриб Иттифоққа қарши уюштирилган қўпорувчилик ҳаракатининг олди олинди.

Ўз Ватанига қайтганидан кейин Б.Иброҳимов оммавий ахборот воситалари тизимида ишлади, 1963 йилдан умрининг охири, яъни 1979 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими вазифасида фаолият кўрсатди. Шунинг билан бир қаторда разведка соҳасидаги тадбирларда яқиндан иштирок этди, ўзбек разведкачиларининг янги авлодини тарбиялашга ўзининг муносиб улушини қўшди.

Хорижий давлатлар разведкаларининг Иттифоққа қарши уюштирган қўпорувчилик ҳаракатларини аниқлаш ҳамда олдини олишда кўрсатган катта хизматлари ва жасурлиги учун Б. Иброҳимов “Жанговар Қизил байроқ” ордени ва бошқа ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги обод ҳамда файзли кўчалардан бири, Жizzах вилоятининг Бахмал туманидаги умутаълим ўрта мактаби Б.Иброҳимовнинг шарафли номи билан юритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган матонати ва жасурлиги учун унинг рафиқаси Холида Иброҳимовага амалда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига тенглаштирилган имтиёзлар белгилаб берилган.

Тақдим этган материаллари учун Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизматига, шунингдек, ушбу китобни нашр этишда қўллаб-қувватлагани ва берган холис ёрдами учун Республика Маънавият ва маърифат марказига самимий миннатдорчилигими ни изҳор қиласман.

Муалиф

МУАЛЛИФДАН

Мен бу асарни ёзиш ниятида қўлимга дабдурустдан қалам олганим йўқ. Бунинг учун муайян тайёргарлик кўришга, теран мушоҳадаларга, хатто, касб-коримга тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган айрим шубҳа-гумонларга боришга тўғри келди. Ўз елкамга олишим керак бўлган масъулиятнинг юки одатдагидан залварлирок эканлигини ҳис этардим.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ва қисмати ушбу роман мағзига сингдирилган инсон шахсиятининг рангин жозибаларини ҳисобга олишдан ташкари, олдда турган яна бир мухим вазифани бажаришим жоиз эди. Бу вазифа қаҳрамонимизнинг ҳаёт манзаралари орқали бир пайтлар Шўролар Иттифоки деб номланган улкан мамлакатнинг бир бўлаги бўлган Республикализнинг етмиш йиллик тарихини холис кўрсатиб беришдан, бошқачасига айтганда, Ўзбекистон шўро социалистик республикасининг ташкил топганидан бошлаб, унинг мустақилликка эришган пайтигача бўлган улкан даврини қамраб олишга харакат килишим зарур эди.

Ушбу турли-туман тақдирлар орқали ўн еттинчи йил инқилоби, фуқаролар уруши, очарчилик ва қаҳатчилик, қулоқлаштириш ҳамда мухожирлик тўлкини, ўттиз еттинчи йил, вайронкор уруш, урушдан кейинги мashaққатли давр, олтмиш олтинчи йилнинг кучли зилзиласи, Афғонистондаги бемаъни уруш, саксонинчи йиллар охиридаги кети узилмас навбатга туришлар ва

Сўнгги ва биринчи субҳидам
дўконларнинг бўм-бўш пештахталари, халқ оммаси-
нинг норозилик ғалаёнлари каби изтиробли онларни
тасвирлаб беришга уриндим.

Таассуфлар бўлсинким, ўттиз еттинчи йилдаги кўп
сонли чакувлар, аксарият холларда кимларнингдир
манسابараастлиги ва манфаатараастлигига бўйсунди-
рилган қип-қизил бўхтонлар боис наинки ўзбек, балки
бошқа миллатларнинг бегуноҳ вакиллари ҳам кўкраги-
ни мудхиш қатағоннинг қабиҳ ўқига тутиб бердилар.

Иккинчи жаҳон урушининг қонли қиличи миллати
ё ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барчанинг
бошида ўйнаб турган кезлар манфур фашизмга қарши
кураш ғояси хамма халкларни жисплаштириди. Жумла-
дан, темирчи Шоахмад Шомаҳмудов ўзбек халқига хос
мехр-оқибат ва инсонпарварликнинг ёрқин тимсолига
айланди...

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан дей-
дилар. Уруш ўз мусибат ва машақкатлари билан бир-
га мамлакат иқтисодиётини чинакамига кўтариш, иш-
чилар синфини шакллантириш, немис фашистлари
томонидан босиб олинган ҳудудлардан Ўзбекистонга
минглаб эшелонларда келтирилган заводларнинг ноёб
ускуналари, минглаб малакали ишчи-хизматчилардан
самарали йўсинда фойдаланиш имконини берди. Ва ҳар
ким бу ерда бир бурда нону бошпана эгасига айланди.

Шунингдек, бу ерга турли миллатларга мансуб кўп
сонли биродарларимиз келиб, нафақат бошпанага, бал-
ки иккинчи ватанга ҳам эга бўлдилар, қуёшли Ўзбекис-
тон пойтахти “Тошкент – нон шахри” деган янги ном
остида шухрат қозонди.

Бунга кўшимча килиб Тошкентда уруш йилларида
ва урушдан кейинги даврда атоқли бастакорлар, адил-
лар, адабиётшунослар, таржимонлар, рассомлар яшаб,

ишлаб Ўзбекистоннинг янада равнақ топишига, Тошкентнинг меъморий қиёфаси тубдан яхшиланишига муносиб улуш қўшганини ҳам таъкидлаш лозим.

Дарвоқе, Ўзбекистоннинг ўзи ҳам қиска муддат ичидаги фан тараққиёти ва юксак технологияли ишлаб чиқариш туфайли аграр ўлқадан индустрисал давлатга айланди. Ушбу айтилганларнинг тасдиғи сифатида шуни қўшимча қилишимиз керакки, Ўзбекистон собиқ иттифоқка кирган бармоқ билан санарлик худудлар қаторида космик фазони ўзлаштиришда яқиндан иштирок этди.

Минг тўқиз юз олтмиш олтинчи йилда Тошкентда даҳшатли зилзила юз берди. Ўшандаги пойтахтимизни барча иттифоқдош республикалардан келган хайрихон вакиллар кайта тикладилар, Тошкент ҳақли равишида “дўстлик шахри” деб атала бошланди.

Афғонистон билан бошланган қалтис “ўйин”, яъни шўро қўшинларининг чекланган қисмларини бу мамлакатга олиб кирилишининг бош сабаби коммунистик тажовуз ёинки жаҳон пролетарларини бирлаштириш орзузи эмаслигини жуда кам сонли кишилар билишади.

Бунинг сабаби ўта эриш туюладиган даражада оддийдир. Бу – сув масаласи, Амударёнинг ўшандаги Ўрта Осиё республикалари, айниқса, Ўзбекистон учун ўта такчил бўлган оби-хаёт муаммоси эди. Ҳозирги кунда бу масала янада кескин аҳамият касб этиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Колаверса, ўша йиллари кўп миллатли юксак маданиятимиз ҳам шаклланди. Мамлакатимиз худудида жуда кўплаб маданий тадбирлар – фестиваллар, кўргазмалар, концертлар ўтди, уларнинг аксарияти халқаро миқёсга эга бўлди.

Подшо Россияси, собиқ Иттифоқнинг Ўрта Осиёга нисбатан кутилмаган жўғросиёсий ниятлари таҳлилига

чукур киришиб ва ҳозирги куннинг айрим муаллифларга ўхшаб бир ёқламаликка берилиб кетмаган ҳолда таъкидлашни истардимки, кўп ҳолларда йўл қўйилаётгани каби тарих тафсилотларига факатгина шу кун нуқтаи назаридан баҳо бермаслик лозим. Юз бераётган воқеаларнинг туб моҳиятини англаш, бунинг учун ўша давр, ўша ҳолатларни ҳисобга олмоқ керак. Ваҳоланки, бизларнинг ҳаммамиз ўз давримизнинг маҳсулимиз. Барча нарсанинг ўз ўтмиши бор. Одамларнинг ҳам, шаҳарларнинг ҳам, мамлакатларнинг ҳам. Улар турли-туман бўладилар. Улар билан ифтихор қиласидилар, улар юракда оғрик пайдо қиласиди, улардан нафратланадилар. Аммо ўтмишни, қандай бўлишидан катъи назар, ҳеч ким ўзгартира олмайди.

Устига-устак, менга колса, оний натижалар етагида колган ёхуд бирор шахс инжиқлигига бўйсунган ҳолда тарихимизнинг бирор лаҳзасини сийқалаштириш, бирор жиҳатига бўёқлар бериш, бирор жиҳатини қоралаш, бўрттириш асло мумкин эмас. Зеро, Вакт деб номланган дарё оқими барча бўтанани ювиб юборганидан кейин Ҳақикат ўзининг бутун шаффоф вужудидаги мавжуд қадр-қиммати, нуқсонлари билан кўзга ташланади, оқ оқка, кора корага дўнади. Чин Ҳақикат наинки Тарих, балки ҳар биримизнинг наздимизда тантана қиласиди. Уни тан олиш, шуурга сингдириш эса нафақат кўнгил ишигина бўлиб қолмасдан инсоннинг умумий маданияти ва идрок қилиш ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Буюк Амир Темур наинки кўп сонли зафарли юришлари ва ғолибона жанглари, ҳар бир инсоннинг давлат тизимидағи ўрни ва аҳамияти, ҳокимият муассасалари билан муносабати яқкол акс эттирилган “Тузуклари”, балки ўз ватанпарварлиги ва ўз Ватанига, ўз халқига бўлган улкан муҳаббати боис ҳам тарихда кўп асрларга татигулик из қолдирди.

Асарнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида икки оғиз сўз. Махсус хизматлар барча замонларда ўз вазифасини бажариб келган ва токи Давлат мавжуд экан, шундай бўлиб қолаверади, шу боис Чарм чакмон ва Ханжар сохибларининг фаолияти доимо одамларнинг эътиборида бўлади. Агар асар қаҳрамони бадиий тўқима эмас, аниқ шахс бўлса – бу қизиқиш икки бараварга ошади. Сабаби – бу одамларни мамлакат билади-ю, исми-шарифларини тилга олмайди, яъни кўринмас жабҳанинг жангчиси, демак, чинакам қаҳрамонга айланади.

Аммо бу ҳодисада танганинг орка томони ҳам бор. Бошқачасига айтганда бундай одамнинг шахсиятини коралашга, ишини йўкка чиқаришга ҳаракат киласидиган кимсалар ҳамиша топилади. Бу одам қанчалар машхур бўлса, бир бочка асалга бир кошиқ катрон қўшишга шайлар сони кўпаяверади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати музейида Баҳром Иброҳимовнинг хаёти-фаолиятига бағишлиланган каттакон махсус кўргазмалар тахтаси мавжуд. У ерда бир канча китоблар, шу жумладан, хорижлик муаллифларнинг асарлари ҳам бор. Улардан бирида шубҳали манбаларга таянган ҳолда разведкачи таржимаи ҳолига оид нохолис тафсилотлар хикоя килинади. Хавфсизлик хизмати тили билан айтганда, уни сирни очиш, ҳатто икки томонга хизмат қилиш, яъни хар қандай давлат разведкачисининг энг даҳшатли гуноҳида айблайдилар.

Қатъий ишонч билан кайд қилишимиз мумкинки, Давлат Хавфсизлик Кўмитасининг Республика Миллий Хавфсизлик хизмати фондида сакланаётган кўп сонли архив материалларида бундай фактга яқин бирор ишора ёинки нозик шама ҳам йўқ.

Минг афсуским, менга Бахром Иброҳимовни ўз кўзим билан кўриш насиб этмади. Бирок унинг ёши анча жойга бориб қолса ҳам, аёллик латофатини йўқотмаган рафиқаси, пиру бадавлат оиланинг вакиласи билан истиклолнинг ажойиб кунларида бир неча марта учрашиш баҳтига мушаррафа бўлдим.

Коидага кўра, бу мулоқотлар Тошкентнинг тинч, овлок кўчаларидан биридаги Иброҳимовларга тегишли кичкинагина уйда кечар, хонадон бекаси мени у ерга катта мамнуният ҳамда яшириб бўлмайдиган қувонч билан таклиф этар эди. Мен унинг гоҳ ўзбек, гоҳ рус тилидаги мафтункор нутқини тинглар эканман, имкон қадар ҳикояларидан кўпроқ асл тафсилотларни укиб олишга ҳаракат килар, эски суратларни кўрар, дастурхонидаги мазали таомлардан тотиб, бу ажойиб эр-хотиннинг бошидан кечган воқеалар тўғрисида ўй сурардим.

Сиз китобда давлат ёинки ҳарбий сирни, хавфсизлик хизмати фаолиятининг услубларини, у ёки бу ходимнинг исми-шарифини ошкор этган бирор сахифа топа олмайсиз.

Онгли ҳолда тасвиirlанган даврнинг тарихий воқеаларага, атоқли арбобларнинг шахсий сифатларига алоҳида ургу беришдан холи колинди. Ўша йилларнинг айrim зарур тафсилотлари, ҳаётий ҳодисаларигина тилга олинди.

Факат алоҳида шахснинг ўз Ватанига бўлган катта мухаббати, унинг тақдирига нисбатан куйинчаклиги, фидоийлиги ва теран жонкуярлиги, ғоялар учун ўзини курбон килишга шайлик туйғуси ҳамда Эркак ва Аёл орасидаги ибрат олса арзийдиган тиник ҳамда ёруғ муносабатлар ҳакида ҳикоя қилинди.

Виктор Сумин

СИРЛИ КАРВОН

Бир неча ўн бош юк ортилган отлар ва ўн нафарга яқин суворийлардан иборат карвон торгина тош дарани четлаб ўтиб, йилнинг бу фаслида саёзрок бўладиган дарё ирмоғи жилдираб оқиб ётган адирли водийнинг кенгликлариға чиқди.

Водийнинг иккинчи четига, адир тепасидаги калин буталар орасига беркинган уч нафар суворий эса бу карвоннинг ҳаракатини зимдан кузатиб туришарди.

— Ўшалар, — деди Бахтиёр гўё якка ўзи учун сўз котгандек дурбин оркали ўша ёққа диққат билан тикилар экан. — Бу айнан биз кутган карвон. Аммо азаматлар ўта айёрлик билан иш тутишибди-да. Биз юборган одамлар не сабабдан уларнинг кетидан етолмай қолганини энди тушунса бўлади!

Карвонга қўриқчилик қилиб келаётган отлиқлар қизил аскарлар либосида эди. Ҳаммадан олдда башанг кийинган олифтанамо зобит тўрик отини гижинглатиб келарди. У биринчи бўлиб дарё кечувига етиб келгач, отини тўхтатди-да, дурбинини кўзларига тутди.

— Мана, бошлиқ, — деди отини ярим қадам ортда тўхтатган йўл бошловчи. — Етиб келдик. У томони — Афғонистон.

Зобит дурбиндан кўз узмасдан бир даста пул олиб йўл бошловчига узатди.

Бахтиёр дурбин оркали йўл бошловчининг пулни кўйнига яширганини, отининг сувликларини тортиб,

икки оёғида тикка турғазганини, шу жойнинг ўзида орқага буриб, келган йўлига жадал равона бўлганини яққол кўрди.

– Тезда хуфя хабар гулханларини ёқинглар! – топшириқ берди Бахтиёр.

Зобит эса шошилмасдан карвонга қайтиб келди-да, отини чоптириб кетаётган йўл бошловчининг ортидан караган холда қўлини ҳамроҳига буйруқ ишораси билан узатди. Старшина эса эпчиллик билан ўз карабинини зобитга ирғитди. Зобит зимдан нишонга олиб, ўқ узди. Суворий от устида бир сапчиди-да, эгардан учиб, оёғи отнинг узангисида қолиб кетди. От мурдани тош йўлдан анча жойгача судраб боргач, тўхтади, гангиган кўйи кишнаб юборди ва боши билан бежон хўжайини томонга интилди.

– Эҳ-ҳа! – чукур нафас олди Мухиддин кўрбоши, қовоқлари уюлиб, Бахтиёрдан дурбин сўради ва бир лаҳзадан кейин унинг йирткич юзига кон тепди. – Большовойларми? Нега?

Бахтиёрнинг юзида пайдо бўлган жиддий ифода унинг ички оламида қандайдир кураш кечеётганидан, яъни муҳим бир карорга келаётганидан дарак берарди.

– Мана, фармон. – Бахтиёр қўрбошига кувурчасимон ўралган бир варак қоғозни узатди. – Мазмунидан бехабарман. Толиб эшон шахсан ўзингизга беришни буюрган.

Қўрбоши ўроғлик қоғозни тез олиб, муҳрини бузди, ўқигач хириллаб қаҳқаҳа урди:

– Албатта, албатта! Бу айнан аканг қарағай қойиллатадиган иш!

Отига қамчи уриб, ўзини дарахтзор ичига урди ва тиккасига буталарни шатирлатиб чоптириб кетди.

Якин жойларда ёқилган уч гулханинг қалин тутунла-ри осмонга ўрлади. Уларни ёқкан учинчи суворий, полвон-сифат жуссали барзанги, серсоқол афғон отини терга бо-тирганича кайтиб келди. Бахтиёр яна дурбинга кўз тикид.

Зобит отини сувга бурди. Изидан карвон қўзғолди. Дарёнинг ўртасига борганларида сув отнинг корнигача келди.

Бахтиёр зобитга диккат билан разм солар экан, бирдан ўзини олдинга ташлаб юборди. Дурбинни тушириб, рўёга дуч келиб, уни кувгандай бошини сарак-сарак килди.

– Бўлиши мумкин эмас!

У зобит либосидаги бу одамни аниқ-тиниқ таниган эди...

Охирги от дарёнинг афғон тарафдаги шағалли сохи-лига чиқиши билан кўрбошининг отликлари адирдан кийкириб чиқдилар-да, ўзларини йўқотиб кўйган кар-вон аҳлини бир лаҳзада ўраб олишди. Қизил аскарлар қуролларига кўл узатганларида зобит ўз отини орка оёқларида тикка турғазганча ҳайқирди:

– Ўқ узилмасин. Тек турилсин! Ўзимизнилар бу!

Кўрбоши одамлари карвон атрофида от ўйинидек айланар экан, кўрбошининг ўзи қамчиси билан зобитга олисларга ястанган адирга қараб юришни ишора килди...

Дарё қирғозида, ёнгокзор соясида дала чодири ти-килган, сал нарида эса дарахтлар орасига тортилган улкан пашшахона хилпиради. Каттакон гулханинг чўғларида сўйилган бутун бошли олқор гўшти жизил-ларди. Бахтиёр чодир ёнида отдан тушди, шовқин со-либ яқинлашаётган отликлар тўдасига кўз ташлади-да, от жиловини афғонга берди.

– Хайрулла, – деди у полвонсифат ҳамроҳига. – Офицерни чодирга, менинг қошимга олиб боринг...

Чодир ярим қоронғу бўлгани учун ёруғликдан кирган зобит тўрда турган хўжайиннинг афтини кўра олмас эди.

– Ассалому алайкум.

– Валайкум ассалом. “Сизни карвон йўлидан бурилиб, бу кимсасиз тоғларга йўл олишга нима мажбур этди?”

Зобит енгил нафас олди – хуфя иборанинг сўзлари тўппа-тўғри айтилган эди.

– “Баъзан узун йўл ҳам энг қисқаси бўлиб чиқиши мумкин”. Нега бу қадар қўпол кутиб олдинглар, биродар?! Менинг одамларим ўзларини ўқ узишдан аранг тутиб туришди!

– Биз берилган буйрукни бажаряпмиз, холос. Жаноб бошликларимизнинг миясида нелар борлигидан бехабармиз. Бу ерда сизлар учун қулайроқ бўлган кийим-кечак тайёрлаб қўйилган. Махаллий кийимлар. Марҳамат килиб, кийининглар...

Отларидан тушган қизил аскарлар бир ерга ғуж бўлиб, қўрбоши одамларининг хатти-харакатларини хавотир билан қузатиб туришарди. Уларнинг бир қисми ҳам отларидан тушган, бир қанчаси эгарнинг устида эди. Қўрбоши тулпорини юқ ортилган отлардан бирининг ёнига ҳайдаб, киличини қинидан суғурди-да, аник зарба билан хуржунни тилиб юборди. Дағал матога ўралган оғир бўғчалар ерга сочила бошлади. Қўрбоши улардан бирини ерга тушмасидан аввал илиб олди.

– Оркага! – дея старшина каабинининг затворини тортди. – Карвондан кўлингни торт!

Қўрбошининг бир туки ҳам титрамасдан бўғчани улоқтирди ва кўлида олийнав пўлатдан ясалган яп-янги “шмайссер”, яъни олмонлар автомати ялтиради.

– Йўкол! – деб бақирганича старшина каабинини ўқталиб, қўрбошининг ёнига югорди.

Қўрбоши отини орқага бураётгандек бўлди-да, тўсатдан эгилиб, елкаси билан отнинг сағрисига таянди, бояқишига яшин тезлигига ўқ ёмғирини йўллади. Старшинанинг боши лошидан айрилиб тушди. Бир сония қўрбоши одамлари ҳам, қизил аскарлар ҳам тошдек қотиб қолишиди. Қўрбоши эса киличи билан яна бир шаҳиднинг калласини танасидан жудо қилди. Бетартиб отишма бошланди...

– Нима гап? – қичкирди зобит ярим ечилган гимнастер-касини бошидан чиқаришга уринар экан. Охири гимнастер-касини чопиб бораётиб ечгач, чодирдан отилиб чиқди.

– Тўхтанглар! Ўқ узишни бас қилинглар! – зобит тўппончасидан икки марта осмонга караб ўқ отди.

– Ҳап саними, қизил маҳлук! – дея қўрбоши қонга беланган қиличини унинг боши устида серпади.

Аммо шу чоғ Бахтиёр зобитга орка томондан ёпишиб, уни ерга йикитди-да, гавдаси билан тўсди. Шу оннинг ўзида Хайрулла қўрбошига ёпишиб, эгардан ерга туширди. Қўрбошининг одамлари уларни ўраб олиб, нима килишларини билмай туришарди.

– Мухиддин! – деб бакирди Бахтиёр. – Одамларингизни четга олинг!

Хайрулла темирдан қаттикроқ чангалини бўшатгач, қўрбоши ўрнидан турди. Ўз одамларига ишора қилгач, улар хиёл четга чиқишиди.

Зобит кўкат устида ўтирас экан, Бахтиёрга чукур изтироб билан тикилди.

– Бахтиёр?! Бу сенмисан?!

– Ҳа, Мэлс. Бу менман!

– Қандай килиб? Бу ерда нима бўляпти ўзи?

– Мэлс, булар Толиб эшоннинг одамлари. Улар эшон қандай буйруқ берган бўлса шуни адо этишяпти.

Мэлс ўрнидан турди ва гандираклаб юриб, отиб ташланган кизил аскарлар томон юрди. У йиғлашни билмагани учунгина кўз ёшларини тийиб турарди.

— Яратган эгам, — деди Мэлс маҳв этилган ҳамроҳларига титраб-қақшаб кўз тикар экан. — Зокир... Карим... Тешабой... Рустам... Нималар килиб кўйдинглар, тўнғизлар. Қасам ичиб айтаманки, ҳали бу учун бошларингиз билан жавоб берасизлар.

— Ҳаммасини асфаласофилинга жўнатдик, кариндош. — Қўрбоши Бахтиёрнинг ёнига келди ва Мэлс томонга ишора қилди. — Буни нима қилайлик?

— Толиб эшоннинг хатида қандай буйруқ битилган эди?

— Қўриқчиларни зиёnsиз ҳолга келтириб, карвонни Чилдухтаронга олиб кетиш.

— “Зиёnsиз ҳолга келтириб” — ҳижжалаб айтди Бахтиёр. — Бу — қуролсизлантириб дегани эди.

— “Зиёnsиз ҳолга келтиришми”, кариндош! Ҳали ҳеч ким меникидан афзалрок усулни ўйлаб топган эмас.

— Фармонни кайтаринг! — қўлини узатди Бахтиёр.

— Мен уни ёкиб ташладим. Унда айнан шундай ёзилган.

— Телбалар. Ваҳший ёввойилар! — пичирлади шуури хувиллаб колган Мэлс. — Туркистон лашкарининг энг аъло жангчилари! Қандай азаматлар эди-я! Йўриқчилар. Радистлар. Портлатувчилар. Разведка мактабининг аълочилари.

— Хўш, буни нима қиласиз, ўғлим? — яна тишларини ғижирлатди қўрбоши Мэлсга конга ташналик нигохи билан тикилар экан.

— У мен билан кетади. Ўлдирилганларни дафн этинглар. Бирор из колмасин. Ва дарҳол карвонни олиб кетинг. Мана, йўл варақаси. Афғонистон Ташки ишлар

вазирлиги департаменти томонидан берилган. Ҳеч ким текширмайди.

– Бахтиёр, – ранглари оқарыб кетган, бирдан күзлари киртайиб қолган Мэлс унинг қошига келди. – Тушунтиргин, қандай қилиб бу хунрезлик юз берди?..

“ЭНДИ СЕН КИМ БҮЛДИНГ, БАХТИЁР?”

Йўл имкон берган жойларда Бахтиёр ва Мэлс отларини ёнма-ён юргиздилар. Хайрулла уларга оркароқдан эргашиб, узлуксиз равишда масофа саклаб келди. Пастда, тик жарлиқдан дарё шовқин солиб оқар, нариги кирғоқдаги қадим қоялар маҳзун энкайган эдилар.

– Ҳаққатан ҳам сен уларни бундай разилликка боришимайди, деб ўйлаганмидинг? – орадаги сукунатни бузди Мэлс.

– Ёввойи одамлар. Ёппасига саводсизлар. Ва қаҳруғазаб отига минган кимсалар. Ўн-ўн беш йилдан буён кувғинда яшашяпти. Шоҳ уларга фуқаролик макоминираво кўрмади. Тириклиликка умуман ярамайдиган ерларни ажратиб берган. Озгина қисми дәжкончилик билан шуғулланади, бир қанчаси кўй боқиши билан кун кўради. Кўпчилиги қароқчилик билан корин тўйдирали. Шўро тарафга талончилик ниятида ўтганларнинг кўпчилиги ўлиб кетади. Бу гал қизил аскар кийимини кўришгач...

– Ҳа, – ўйга толди Мэлс. Хуржунидан кичик сувдонни олиб, копқоғини очди. – Ичасанми? Конъяк. Очиги унчалик ўткиридан эмас. Туркларники.

– Раҳмат. Умуман ичмайман.

– Мен эса ўрганиб қолдим. Таскин беради, миягадам бергандек бўлади. – У ичкиликтан бир неча бор

Сүнгги ва биринчи субҳидам
хўплади. – Хўш, қанча вактдан буён кўришмаган эдик,
Бахтиёр?

– Салкам саккиз йил.

– Мухожирликда кандай ҳаёт кечирдинг? Нималарга эришдинг? Бизнинг журналимиизда бир-икки мақолангни ўқидим. Дадил, акл билан ёзилган. Шеърлар ёзяпсанми?

– Йўқ. Энди шеър хақида ўйлашга ҳам вакт йўқ.

– Ташламаслик керак эди. Ахир, энг умидли шоирлардан эдинг! Дарвоке, менинг ўзим ҳам ўшал эрмакни ташлаб юборганман. Минг афсус. Мен ҳам тузуккина шеърлар ёзар эдим-а.

Мэлс олис чўқкиларга орзули нигоҳ билан термилди:

Мен – Альфаман, Омегаман,
Интихолар интиҳоси – мен,
Ибтидолар ибтидоси – мен...

ПАРАНЖИДАН ЙИРОҚЛАБ

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Тонгги қуёшнинг ҳаётбахш нурлари гўё Самарқанд осмонида сузаётгандек маҳобатли мовий гумбазларни эркалайди. Улар кенг майдондан шаҳдам одим ташлаб борар эканлар, Мэлс қўлларини керган ҳолда Бахтиёрга ўз шеърларидан ўкиб беряпти:

Мен – Альфаман, Омегаман,
Интихолар интиҳоси – мен,
Ибтидолар ибтидоси – мен...
Фано бордир, бако йўқ.
Бўлгач қиёмат қойим,

Барҳам топса барча мавжудот,
Хоклар тилга кирап даҳмаларидан
Исён қилас буюк боболар рухи...

Мэлс тұхтаб бир тин олади-да, Бахтиёрға савол нигохи билан бокади:

– Қалай? Нима дейсан?

– Илхом билан ёзибсан, Мэлс.

– Фитрат домлага күрсатсам бұлармикин, нима деб үйлайсан?

– Күрсатавер.

– Йүғ-е, қандок бұлар экан. Комсомол аъзоси бүлиб... Шундай шеърлар ёzsам!

– Ёрдам беринглар! – Ногох майдон узра бир ожиза аёлнинг фарёди эшигилади. – Одамлар! Ёрдам беринглар!

Майдоннинг олис бурчагида бир тұп навқирон йигитлар гурухи икки аёлни үраб олиб, жон-жаҳдлари билан ёши каттасининг бошидаги паранжини юлиб олаётган әдилар. Бахтиёр билан Мэлс уларнинг ёнига боргунга кадар боякиш аёл паранжисиз, мурғак киз эса дуррачасиз қолган зди. “Йүқолсин паранжи! Паранжига қирон келсин! Аёллар, сизлар гүзалсиз. Гулдай чехраларингизни очинглар! Янги асрнинг янги одамлари бўлинг!” деб ҳайқиришарди қонлари жунбишга келган йигитлар.

– Онажоним, онажоним. Бас қилинглар! Онажонимга тегманглар! – деб зор-зор күз ёш тұқади норасида кизалоқ. – Бизларни қўйиб юборинглар!

– Қўйинглар! Тарқалинглар! – оломоннинг ўртасига кириб уларни ўнгга ва чапга сура бошлади Бахтиёр билан Мэлс.

– Сизлар кимсизлар? – бакиради Мэлс. – Қўлларингизга эрк беришга ким изн берди?

— Бу Мэлс, — дейди улардан бири. — Иккинчиси эса Бахтиёр.

— Нима киляпсизлар?! Факатгина дил амри, сўз кучи билан мақсадга эришиш мумкин! Эслайсизми, Бухорода аёлларнинг ўзи паранжиларини ўтга улоктириди! Ҳамманинг олдида ёкиб юборишид! Сизлар-чи? Уят эмасми?

— Кимсизлар ўзи? Комсомолларми ёки қарокчилар?

Хижолат бўлган жанжалкашлар аста-секин орқага чекина бошладилар.

— Кечирасизлар. Қўрқманглар, — аёлларга бурилди Мэлс. — Замон шунака. Сафларимиздаги ҳамма ҳам ғоявий жиҳатдан етарли даражада тобланган эмас...

Йигит она билан қизининг сулувлигига маҳлиё бўлиб, миқ этолмай қолди. Бахтиёр ҳам сеҳрланган кўйи хижолатомуз эгилиб, тупроқка топталган паранжини кўтарди. У жулдур бўлиб қолган эди. Аммо аёл барibir паранжи қолдиғини миннатдорчилик билан қабул килиб олди.

— Қаерда яшайсизлар? — деб сўради Бахтиёр. — Биз сизларни кузатиб кўямиз!

— Хув, анови ерда, — ишора килди қизалоқ. — Майдоннинг ортида.

— Хотиржам бўлаверинг, — деди Бахтиёр ҳали ҳам дир-дир титраётган аёлга. — Менинг исмим Бахтиёр, дўстимнинг оти Мэлс.

— Мен — Хотираман, — дейди онасининг ўрнига қизалоқ. — Онамнинг исми Замирахон...

Бадавлат хонадоннинг кенггина ҳовлиси. Эшикнинг олдида қўлларини қўкраги устига кўйиб олган корамтири юзли кампир турибди. Бир чеккада ҳамон ўзини йиғидан тўхтата олмаётган Замирахон ва унинг орқасидан яширинча нигоҳ ташлаб турган Хотира.

— Мен сизларга қай йўсинда ташаккур билдиришни билолмаяпман, азизларим, — дейди икки ўртокка хона-дон сохиби Нуриддин амаки. — Эсларингизда турсин, менинг уйимнинг эшиклари сизлар учун доимо очик бўлади. Ҳаялламай келиб туринглар. Чин кўнгилдан хурсанд бўламан. Кутаман...

“ЭНДИ СЕН КИМ БЎЛДИНГ, БАХТИЁР?”

(давоми)

Йўл борган сари юқорига ўрларди. Навбатдаги илон изидек айланма жойда Бахтиёр тўхтаб, қарама-карши томондаги тоғ дарасига ишора қилди:

— Қарагин!

У ёқда, бир погона баланддаги йўлда кўп сонли отликлар тўпланган эди.

— Тез орада уларга рўбарў бўламиз. Бу афғон миришаблари. Толиб эшон сенинг карвонинг юриши мумкин бўлган барча йўлларни полиция кўз остига олганидан хабар топган экан.

— Эҳ-ҳе, шунақамиди, хали! Аммо сен ўша қотилларнинг карвонни зарур манзилга олиб боришига ишонасанми?

— Шунга умид қиласиз.

Иккови бир пайтда отларини кўзғадилар. Хиёл кутиб турган Хайрулла ўртадаги масофани саклаган ҳолда изларидан йўлга тушди.

— Сен не учун карвонда қанча қурол ва пул борлигини сўрамаяпсан? Қандай килиб мен бу ерга келиб қолганимни? Қандай мақсад билан келганимни?

— Мэлс, мен ўзимни одамларга камроқ савол беришга ўргатганман.

— Дарвоке, бундан буён мени Мэлс деб атама. Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин – хаммаси у томонда колди, умрбод орқага улоқтирилди. Мен энди Маъруфман. Маъруф Маъруфий.

— Мен иссимимни хам, фамилиямни хам ўзгартирмадим.

— Бахтиёр, эшит, – энтиккан холда у томонга бурилди Мэлс. – Ўтган ўтди, кетди. Иккимиз хам ёш, навниҳол эдик. Бир-биirimизга кек сакламайлик. Хаммасини унутайлик!

— Сен нималарни назарда тутмоқдасан?

— Ўтмишни. Ишон, агар хаммаси хамирдан кил суғургандек силлиқ кечиб, сен қочмаганингда хам 37- ёинки 38-йили нақ пешанангдан дарча очган бўлардилар. Сувсаб сув сўрасанг, ичиб бўлмасингданок итдек отиб ташлашарди. Хайрият, бариси яхшилик билан тугади...

ДАСТИ УЗУНЛАРГА ОШНА БЎЛИШНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Бахтиёр ва Мэлс Нуриддин амакининг уйида меҳмондалар. Шу ерда Дасти Узун деб ном олган Болтабой ҳам ҳозир нозир. Чой ичишяпти. Меҳмонларга кув кулгу билан назар ташлаган уй эгаси ўз фикрлари билан ўртоқлашмоқда:

— Ҳокимият, хар кандай ҳокимият билан, айниқса, аввал ҳеч ким бўлмагану энди барчасини қўлга олмоққа шаҳд қилган дасти узунлар билан курашишдан фойда йўқ. Диктатура чоғида эсон-омон қолишнинг ягона йўли барча жабҳада уларга кулоқ солиш, ҳеч нарсада эътиroz билдири маслиқдан иборат. Ва, албатта, ақл билан иш юритиш. Мабодо ўша ақл бор бўлса...

Хотира киради. Очик юзи ойдек. Чиройи кўзни қамаштиради. Нуриддин уч кўнок ҳам кизининг малоҳатига маҳлиё бўлиб, ундан кўзларини узолмаётганини пайқади. Киз чойнак ва шириналиклар териилган патнисни столга охиста кўяди. Одоб ва хиром билан чиқиб кетади.

— Мен аёлларимизнинг паранжидан воз кечишига асло карши эмасман, — айёрлик билан мийифида кулди Нуриддин. — Қолаверса, кўп киррага эга мусулмон дунёсида паранжининг ҳамма жойда ҳам кераги йўқ. Бизда, яъни янги тартиблар ўрнатилган юртда эса умуман шарт эмас. Ўйлашимча, тўйгача келиннинг юзини кўрмасдан уйланишга рози бўладиганларнинг сони жуда камайиб кетади.

Ва яна Хотира кириб келади. Бу гал мева келтиради. У охуникideк гўзал кўзларининг қирини Мэлс ва Бахтиёр томонга ташлагани Дасти Узуннинг яшириб бўлмайдиган даражада рашкини кўзғайди.

— Бинобарин, балки сизлар билмассизлар, аммо шундай бир қонун бор. Муштумзўрни сургунга жўнатишганида хўжайн билан бирга оиласини ҳам бирга юборишарди. Бироқ қулоқ қилинган қизига комсомол аъзоси ё большовой уйланса, оиласига тегишимайди, колдиришади. Бундай ҳодисалар бўлган. Шунчаки айтдим-кўйдим-да. Бизнинг хавотирли замонда ҳамма нарсани олдиндан кўра билишга ҳаракат қилган маъқул. Масалан, менинг пахта заводим бор эди. Бинойидек пахта заводи. Шўро хукумати келгач, дасти узунларга бердим. Ўз хохишим билан хадя килдим. Ўзимнинг одамимни директор килиб сайлатдим. — Дасти Узунга ишора килади. — Ўзим ҳам завод ҳузурида колдим. Кейин НЭП замони бошланди. Ўз дўконимни очдим. Ишлар силлик кетди. Анчагина даромад ҳам топдим. Лекин... НЭП туғатилди. Мол-мулк эгаларининг бор-будини мусодара

килиб, ўзларини қамашди, сургунга юборишди. Мен эса яна ўз қўлим билан дўконимни топширдим. Мавжуд моли, маблағи, олтини билан бирга бердим. Ва яна заводга, Дасти Узунга бордим. Маслаҳатлар беряпман, билганимни айтяпман. Мана, навбатдаги маслаҳатимни айтгим келяпти...

Аммо яна бир бора Хотира кириб келди. Чойнакларни алмаштириди, у-буларни йиғишириб олди. Нозик табассуми, карашмаси билан ёшларнинг жигига тегди. Мэлс қўзларини узмасдан паризодга тикилар экан, ҳаяжонини томоғи бўйлаб у ёкка-бу ёкка бориб келаётган ҳалкуми ошкор килиб қўйди. Дасти Узун ҳам ҳаяжондан чойни пиёланинг ташқарисига қуяётганини сезмади.

– Ҳа, Болтабойжон, – унинг жигига тегади уй соҳиби. – Сен қатағон килинган одамнинг кизига уйланган бўлармидинг?

– Ҳа, қандай бўларкин бу... – ниҳоят уятдан кизарди Дасти Узун. – Албатта, шароитга караб иш тутиш керак. Нималигига ҳам боғлиқ-да. Масалан, дейлик, душман...

– Ана, ана! – маза қилиб кулди уй эгаси. – Сиз ёшларчи, қандай ўйлайсизлар?

– Севги учун чегара йўқ, – жавоб берди Мэлс ва стол остидан Бахтиёрнинг тиззасини туртди.

– Шарқ мумтоз адабиётининг барча йирик вакиллари шуни таъкидлайдиларки... – сухбатни қўллаб-куватлади Бахтиёр.

– Юсуф ва Зулайҳо, – гапни илиб кетди Мэлс. – Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зухра...

– Мана, шунака, Дасти Узун, – Болтабойга таънали нигоҳ ташлади Нуриддин. – Таълим олсанг тузук бўларди. Дарвоке, завод мўмай даромадга эгами?

– Қанака даромад? Режани бажарсак, бас, дўппини осмонга отяпмиз!

– Мана, кўрдингми? Негалигини биласанми? Сабаби сен директор бўлганинг билан тижорат борасида ҳам, иктисад бўйича ҳам алифни калтак дея олмайсан. Ҳаммага ўхшаб. Бутун пахтани сўнгги чигитигача шуро ҳукуматига топширасанлар. Аслида нима қилиш керак? Ярмини – шўроларга, иккинчи ярмини хорижликларга сотсанг, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой бўлади!

– Кечиринг, хўжайин! – ўрнидан сапчиб турди Болтабой.

– Мен аллақачон хўжайнликдан тушганман. Сен энди ҳам директорсан, ҳам Дасти Узунсан.

– Кечирасиз, домла, сизнинг сўзларингиздан аксилинқилобчиларнинг хиди келиб турибди. Пахта – ўзбекларнинг байналмилал бурчи. У Иваново ва Трехгорка тўқимачилариға керак. Сиз эса хорижликларга, империализм наҳангларига сот деяпсиз. Бирор эшитса борми?

– Сен айтмасанг ким ҳам эшитарди?

– Айтишим керак эди-ю, тилимни танглайимга ютаман! – Болтабой Мэлс ва Бахтиёрга шубҳа билан караб кўйди. – Шунча йил нон-тузингизни едим.

– Эсингда тут, Болтабой. Сизлар ҳам эсингизда тукинг, навқирон йигитлар. Хориж билан оқилона савдо алокаларини ўрнатмас экан, Ўзбекистон касодга учрайди. Ва сизлар халкимизни қашшоклик ботқоғига боти-расизлар!

Дасти Узун ўрнидан сапчиб турди:

– Сиз ҳам эсингизда тукинг, домла: Россия дунё пролетариатининг доҳийси, пролетариатнинг кучи эса унинг бирлигидадир. Шундай экан, биз ўзбеклар у билан қадамба-қадам, елкама-елка юришимиз шарт!

– Яхшиямки, ёнингда тўппончанг йўқ, – қулимсиради Нуриддин. – Бор бўлса мени шартта отиб ташлардинг-а?

— Кечириңг-у, ҳақиқатан ҳам отиб ташлардим.

— Барибир ҳали Нуриддинни неча бора әслашла-
рингизга түгри келади. Пахтани ким күпроқ пул берса,
үшаларга сотасизлар. Россия ва бошқа давлатлардан
зарур техника ва асбоб-ускуналарни харид қиласизлар.
Акс ҳолда, сизларнинг бутун дунё инқилобингиз бўги-
либ қолади...

Кўчага чикишгач, Мэлс Нуриддиннинг ортда қолган
уйига яна бир нигоҳ ташлади ва кутилмагандан шундай
деди:

— Тан олгинки, жуда қизиқ одам-а!

— Аммо у душман-ку, — дўстининг жигига тегди Бах-
тиёр. — Шўро хокимиятининг ашаддий душмани.

— Душманликка душман-у, — бош ирғади Мэлс. —
Балки шундай душманлардан анча нарса ўрганиш ке-
ракдир. Ёинки уларни ўз тарафимизга оғдиришимиз
керакдир?

— Эътиқоднинг кучи биланми?

— Мен ҳазиллашаётганим йўк. Ҳақиқатан ҳам мен
унинг қизига совчи юборсам-чи? Хотира қанчалар су-
лув-а! Чамаси мен севиб қолдим-ов!..

“ЭНДИ СЕН КИМ БЎЛДИНГ, БАХТИЁР?”

(давоми)

Уч суворий тофнинг айланма йўли бўйлаб ўз ҳарака-
тини давом эттиришмоқда эди.

— Сенинг афғон дўстинг ғалати одам-а, — деди Мэлс
орқасига ўгирилиб Хайруллага тикилар экан. — Бутун
йўл давомида бир оғиз сўз ҳам айтгани йўк.

— Хайрулла — хурматга лойик одам, — бироз жим кол-
ганидан кейин деди Бахтиёр.

— Сенга содикми?

Бахтиёр яна бироз сукут саклагач, жавоб берди:

— Ҳа. Шундай деб ўйлайман.

— Унинг ёнида ҳамма нарсани айтса бўладими? — Мэлс Бахтиёрга зимдан тикилди, у бош силкиди. — Гап шундаки, карвонда кўп пул бор. Жуда кўп. Долларлар. Олтин. Фақат ислом жангчилари учунгина эмас. Бошка мақсадлар учун ҳам маблағ бор. Ўйлайманки, тушунасан. Мен сенинг қарокчиларинг уларни ўмариб кетишидан хавфсираяпман.

— Булар менинг одамларим эмас.

— Бахтиёр, эшит, — ғазабини зўрға босиб турарди Мэлс. — Шундай таассурот туғиляптики, сен менга ишонмаяпсан. Кобулгача сабр кил. У ерда мен кимдан ва қандай ваколатлар билан келаётганимни тушуниб оласан. Ишон, мен сенга айта олмайман...

Мэлс сўзларини охиригача айта олмади. Йўлнинг муюлишидан уларнинг рўпарасидан афғон полициясининг отлик отряди чиқиб келди. Кичик ялангликдан фойдаланиб, улар четга чиқиб, миршабларга йўлни бўшатдилар. Отряд командири уларга ҳарбийчасига салом берди ва ёнбошларига келиб отини тўхтатди.

— Маъзур туtingлар, жаноблар, аммо мен хужжатларингиз билан танишишим лозим.

Хайрулланинг нигохи Бахтиёрга тушар экан, енгилгина кўз кисиб қўйди. Зобит паспортларни диккат билан текширгач, уларни қайтариб берар экан, қизиқди:

— Бу сўкмокдан каттакон карвон ҳаракат қилиши лозим эди. Тасодифан сизлар уни кувиб ўтмадингизми?

— Йўқ, жаноб офицер, — Мэлсдан олдин жавоб берди Бахтиёр. — Мен турк мухандисиман. Фирмамизнинг Афғонистон ва Эрон ҳукуматлари билан тузган битимига кўра бу ер рельефининг “Техрон-Кобул” автомо-

биль магистралы қурилишига лойиклигини текширяпман. Булар менга ҳамроҳлик қилишяпти.

— Яна бир бора маъзур тутинг, жаноблар. Бизларнинг овлок жойларимизда жаноб турк фукароларини учратиб турганимиздан хурсандмиз. Афғонистон ва Туркияning дўстлиги халкларимизга ўзаро фойда келтиришига ишончим комил!

Ўз отрядининг отлиқларига етиб олган зобит кулиб деди:

— Аллоҳ ҳакки қасам ичаманки, мен қандай қилиб хитойлик бўлсам, улар ҳам шундай турклардир!

Бахтиёр Мэлсга дикқат билан тикилди:

— Мэлс, сенинг ваколатларинг билан менинг ишим йўқ. Кечирасан, Маъруф. Менга сенинг нима билан келганинг ва ҳозир ким эканлигингни аниқлашни буюришган эдилар.

— Сен-чи? Энди сен ким бўлдинг, Бахтиёр?

— Сен “Менга ишонасанми” деб сўрадинг, — саволни бежавоб қолдирди Бахтиёр. — Сенинг қанчалик ва қандай ўзгарганингни билмайман-у, аммо сенинг хатти-ҳаракатларинг бизнинг ёшлиқ ҷоғларимиздан бошлаб мени тезтез ташвишга солиб турганини тан олишим керак...

“МЭЛС, МЕНИНГ ОИЛАМНИ ҚУТҶАРИБ ҚОЛ!”

(Ўтмиидан бир саҳифа)

Эрта тонг. Бахтиёр ва Мэлс Нуриддиннинг уйига яқинлашдилар. Дарвоза олдида қора рангдаги ёпик автомобиль. Чарм куртка ва фуражка кийган ҳайдовчи ясама хавотирга берилганча машина атрофини айланаб, этигининг учи билан шиналарни навбатма-навбат тепиб кўрмоқда.

Дўстлар тўхтаб, бир-бирига қарадилар, тахминларга берилганча қотиб колдилар.

Дарвоза очилди. Ярим ҳарбий кийимдаги эркак чиқиб, очиқласига чор атрофга шубҳа билан қаради. Дарвозадан яна бири бош чиқариб:

– Ўрток Ильенко! Хотин-халажни нима киламиз? – деб сўради.

– Биринчи марта чиқишингми? Уларга эътибор бериб ўтирма!

– Хўп. Тушундим.

У кириб кетди. Бироздан кейин у ҳамрохи билан ховлидан ўзини йўқотиб қўйган, бошини куйи эгтан Нуриддинни олиб чиқдилар. Ва дархол унинг кетидан аёлларнинг йиғиси ва дод-войи эшитилди. Нуриддинни машинага томон итардилар. Шу чоғ дарвозадан соchlари ёйилиб кетган, юzlари очиқ Замирахон отилиб чикиб, кузатиб боришга келган сокчилардан бирини юлкиб ташлаб, Нуриддиннинг бўйнига осилди. Онасининг орқасидан Хотира ҳам югуриб чикиб, ўзини отасининг оғушига ташлади. Уларнинг фарёди бутун кўчани коматга келтирди. Кўшни уйлардан одамлар чиқиши-ю, яқинлашишга ботина олмадилар. Узокдан Дасти Узун шарпаси пайдо бўлди, аммо у ҳам кўринмас панжарага дуч келгандек қадамини секинлатди. Фақат корамтири чехрали кампиргина дарвоза олдида тиришиб қолган кўлларини кўкрагига қўйганча ё воқеага бефаркми, ё мусибатга сабр косаси тўлганми, жим туриб колди.

– Дасти Узунми?

– Нима Дасти Узун? – англамади Бахтиёр.

– Нуриддинни тутиб берган!

– У деб ўйламаган бўлардим.

– Бизлардан кўрккан, бизлар ундан олдин хабар қиласиз, деган ўйга борган ёинки кўркувдан сотган бўлса-чи?

– Биз нима, чақимчиларга ўхшаймизми?

– Нима деганда ҳам комсомоллармиз-ку, – елкасини кисди Мэлс. – Нима десанг ҳам, – Дасти Узунга тикилади, – кулдан ҳеч қачон одам чикмайди!

Сокчилар зор-зор йиғлаб ёпишаётган хотини ва қизидан Нуридинни ажратиб ололмаётирлар.

– Уни машинага ортинглар, хе, онангни... – бақирали Ильенко.

Нуридин гангиган ҳолда чор атрофга тикилди. Үнсиз фарёд учун оғзини очди-ю, одамларни ёрдамга чакирмокчи бўлди. Аёлларнинг оху фарёди бу кучли одамни матонатдан айирди. Кўни-кўшнилар ўзларини четга олиб, уятдан ерга карадилар.

Унинг хиравлашган нигохи Дасти Узунда тўхтади ва Дасти Узун бошини қуйига эгди. Кейин нигохи Бахтиёрдан яrim қадам олдинда турган Мэлсга қадалди. “Мэлс!” Нуридин кутилмаганда шуурида бўй тиклаган фикрдан қотиб қолди. Сокчилар аёлларни ундан ажратиш билан банд эканидан фойдаланган Нуридин Ильенкони итариб юбориб, жон-жаҳди билан икки ўртоқнинг олдига югурди.

– Мэлс! – деган хитоб Нуридиннинг томоғидан хириллаб отилди. – Мэлс! Менинг қизимни кутқариб қол!

Ўзига келган сокчилар унинг кетидан кувдилар. Уларнинг ёнига уч одим колганда Нуридин қоқилди, зич тупроқка йикилиб, жонхолатда қўлларини қўрқувдан ортга чекинаётган Мэлсга чўзди. Ташқаридан караганда бойвачча унинг оёкларидан кучмокқа ё пойафзалини ўпмоққа чоғлангандек туюлди.

– Мэлс, ўғлим! Хабарим бор, сен менинг қизимни ёқтирасан! Уни хотинликка ол! Менинг оиласми кутқариб қол!

Мэлс донг қотиб, тилдан қолди, қочай деса оёклари ерга михланди.

Бахтиёр Нуридинни тупроқдан күтариб олишга харакат килди. Аммо ботирлиги тутиб кетган Ильенко билан сокчилар етиб келишди. Улар чапдастлик билан Нуридиннинг кўлтиғидан ушлаб, бир силтаб кўтардилар-да, кўлларини кифтига қайирдилар.

– Мэлс! Шундай конун бор-ку! Мен айтдим! – сокчилар томонидан судраб олиб кетилаётган Нуридин хириллади. – Менинг қизимга уйлан, Мэлс! Менинг оиласми куткариб кол!

Уни машина олдига олиб келиб, ичига тиқмоқчи бўлишди, аммо у энг сўнгги кучлари билан оёқларини керип қаршилик кўрсатди:

– Мэлс! – энг сўнгги бора қичқирди Нуридин. – Ялинаман, ёлвораман! Хотирани ол! Уйлан! Сизларга оқ фотиҳамни бердим!

Зўравонлар куч билан машина эшигини бекитдилар. Машина зич, қалин, секин ёйиладиган чанг қатламини кўтарганча ўридан кўзғалди.

Чанг булути ерга қайта ўтира бошлаганида Бахтиёр дарвоза ёнида ҳамон қилт этмасдан турган кампирга кўзи тушди. Сал берида йиғлай-йиғлай ҳоли қолмаган Замирахон ва Хотира. Учаласи ҳам унга, Бахтиёрга кўз тикдилар. У Мэлс томонга қаради-ю, уни ўз ёнидан топа олмади.

Мэлс учеб қолган соқийдек секин гандираклаб бу ердан жуфтакни ростлаган эди...

КАРВОНСАРОЙ

Тун. Музофот шаҳарчасидаги карвонсарай. Карвонсарай ховлисидаги отхонада Хайрулла ўзларига қарашли уч тулпорни кўздан ўтказди, навбат билан сағриларини силади, меҳр билан пешаналаридан эркалади, дон солинган тўрваларини тўғрилади. Эркалагани учун отлар секингина, эшитилар-эшитилмас кишнаб қўйдилар.

Астагина хуштак чалинди. Хайрулла қулок тутди. Чакирик учун белгиланган хуштак овози яна такрорланди. Хайрулла секингина, худди мушуклар мисол майин қадамлар билан карвонсаройни ўраб олган девор томонга йўл олди.

Кетидан сездирмайгина Мэлс пойлаб борди.

Девор устида белигача кўриниб бир одам турибди. Тагидаги от икки оёғида тикка туришга чогланди. Хайрулла нотаниш одамнинг ёнига бориб, шивирлаб бир-икки ибора айтди. Нима ҳақда гаплашишганини якин бора олмагани ва ўзини фош қилиб қўйиш хавфи борлиги учун Мэлс эшита олмади. Хайрулла ўша нотаниш одамга унчалик катта бўлмаган бўғча берди.

Кейин Хайрулла отларнинг ёнига қайтди, узоклашаётган от туёкларининг дупурига қулок тутди-да, ўзи учун намат ёйди, хуржунини бошига қўйди. Белидаги белбоғни ечди. Бошидан чап томонга пичоқ, ўнг тарафга наганини қўйди. Ва куш уйку оғушига чўмди.

Ўша карвонсаройнинг бир хужрасида керосин лампа хира ёғду сочяпти. Бахтиёр кўлларини боши остига қўйиб, шифтга қараб ётибди. Кўзлари очик. Хаёллари эса уни олис-олисларга элтмоқда...

ФИТРАТНИНГ КАЛОМИ

(Ўтмишдан бир сахифа)

Асосан ёшлар билан тўлган кенггина хона бўйлаб одимлаётган Фитрат домла у қадар баланд бўлмаган, аммо шираги, жарангдор овоз билан дейди:

— Бедил ким бўлишидан қатъи назар энг аввало у кишилик жамиятининг ҳозирги тузумига қарши исён қўтарган файласуф бўлиб, жуда кўпчилик одамларнинг

“Фарогатнома”дан қанчалар йирок эканлигидан қайғу-
га тушган эди...

Үтирган толиблар орасига секингина кириб келган
Мэлс Мураббийни сехрланган кўйи тинглаётган Бах-
тиёрнинг ёнига суқилди. У ўртоғининг қулоғига нима-
дир демоқчи бўлди-ю, бутун вужуди қулоққа айлангани
учун Мэлсга жим ўтиришега ишорани қилди.

– Бедил тақлидга, яъни қайси жабҳада бўлмасин, ўзи-
дан юқори турғанларга кўр-кўронга эргашганларга қарши
бўлган. У бунга қарши курашиб истаги билан ёнган...

Мэлс яна Бахтиёрнинг қулоғига ниманидир шивирла-
мокчи бўлганида дўсти унга шу қадар қаттиқ тикилдики,
у беихтиёр ундан нарирокқа ўтиришга мажбур бўлди.

Фитрат домла маъruzасини давом эттириди:

– Факат ўз рухиятингга мурожаат қил, дея даъват
қиласи Бедил. Бошқа бирор нарсани қабул қилма. Ин-
сон бўлишга халакит қиласиган барча нарсалардан воз
кеч. Сен учун бу ҳам хикматdir, ҳам диёнатdir. Доимо
одамларга эргашаман, деб сен ҳакиқатдан узокла-
шиб кетдинг. Бундан буён бошқаларга эргашибни бас
қил, шунда сен ўзлигингни англай оласан. Сенинг ҳар
бир фикринг Муқаддас масканга кўйилган бир қадам,
юракнинг ҳар бир эзгу амри эса Аллоҳи Таолога якин-
лашиб демакдир...

ШУБҲАГА КЎРА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Хотиралар занжири Мэлснинг ҳужрага эҳтиёткор-
лик билан кириб келгани боис узилиб қолди. Бахтиёр
кўзларини юмиб олди.

– Бахтиёр, – секин чорлади Мэлс. – Ухламаяпсанми?

Жавоб ололмаганидан кейин деворнинг бошка то-
монидаги кўрпачага чўзилди.

Сукунат. Қайдадир ит ҳурди. От уйқусираб кишнади. Ва музофот шаҳарчаси ўз сукунатига чўмди.

– Бахтиёр, гаплашиб олишимиз керак. Ҳозирок.

Жавоб – жимжитлик.

– Бахтиёр. Билиб турибман, сен ухламаяпсан. Мени эшиятисанми? Менга сенинг афғон дўстинг ёкмаяпти.

Яна жимжитлик. Ва шундан сўнг:

Қайгули оқшомнинг қайгули они,
Бир чеккада ёнар икки хос унсур,
Бири – шамдир, бири менинг Рухимдир.
Бошқа бари ухлар тинч ва хотиржам.
Ҳеч ким югурмайди, кўзғалмайди ҳам,
Одимлару сарсон-саргардонлик йўқ.
Йўқдир ёлғон билан сохта табассум,
Душманнинг сиймоси кўзимдан йироқ,
Дўстлар-чи, ундан ҳам олисга кетган...
Мен учун масъумдир бу эрка оқшом!

– Бу Фитрат домлага ҳамоҳанг-ку. У сенинг қалбининг-га маҳкам муҳрланибди...

– Бахтиёр, сенинг афғон дўстинг кимга тобе?

– Менга!

– Ҳозиргина у нотаниш отлиқ билан гаплашди, ўз қўли билан унга бир нарса бериб юборди.

– Ҳамма жойда бизларнинг ўз одамларимиз бор. Сенга Хайрулланинг қадамларини ўлчашни маслаҳат бермаган бўлардим. Бу хавфсиз эмас!

– Мен бу гапларнинг тагида нималар борлигини билишим керак-ку?

– Билишинг шарт бўлса билиб ҳам қоларсан! Балки мен ҳам сен нима учун, ким учун келганингни билишим керакдир. Албатта Толиб эшон учун ҳам, мен учун ҳам келган эмассан.

– Сени ишонтириб айтаманки, менинг ваколатларим сен ўйлаб кўрганингдан анча кенгрок мақомга эга.

– Табриклайман. Каминаи камтарин эса Қодир Аллоҳдан кейин факат муфти ҳазрати олийлари Толиб эшонга буйсунурман, холос. Яна Фитрат домла бор эдилар. Айт, сен унинг охирги кунлари ҳақида нималарни биласан?

– 38-йили... Ҳа, 38-йилда Юнусободдаги адирдан унинг жасадини топишган. Отиб ташлашибди.

– Қанакасига? Ким?

– Бу менинг билғанларимнинг ҳаммаси.

– Ёлғон.

– Сен менга бу гал ҳам ишонмаяпсанми?

Бахтиёр бу таънали саволни бежавоб қолдирди, чунки хонага мушукдек юмшоқ қадамлар билан Хайрулла кириб, унинг қулогига нималарнидир шивирлади, астагина айтилган буйруқни тинглагач, жимгина чиқиб кетди.

– Афғон полицияси келди, – деди Бахтиёр савол наزارи билан қараган Мэлсга. – Ўзингни вазмин тут.

Шу заҳоти хонага икки зобит кириб келди ва бири йўлда уларни текширган чегарачилар отрядининг бошлиғи эди.

– Ҳавфсизлик хизмати. Кечаси безовта килганимиз учун маъзур тутинг, – деди кириб келганларнинг ваколат жиҳатидан ҳам, ёш жиҳатидан ҳам, унвони жиҳатидан ҳам каттаси. – Давлат аҳамиятига эга иш билан юрибмиз. Марҳамат қилиб, паспортларингизни кўрсатинг.

Аввал паспортга кўз киринигина ташлаган зобит лампанинг ёнига бориб, унинг пилигини кўтариб, ёруғликни кўпайтиргач, чўнтағидан яна бир ҳужжатни олди. У икки ҳужжатни бир-бирига узоқ солиштиргач, қоникиш билан “ҳм” дея Мэлсга бурилди.

– Эрон билан чегарамиз худудида ўн бир нафар қизил армия аскарларининг яқиндагина дафн этилган

қабрлари топилди. Ўша қабрлардан бирида Кизил армия капитанининг гимнастёркаси ва мана бу хужжатни толиб олдик. Сиз ўзингизнинг турк паспортингиз ва мана бу шўро зобитининг хужжатидаги суратларда бир одам акс эттирилганини инкор этмассиз!..

Афғон комендантуралари, яъни авахтахоналарида кўлга олинганларни унчалик сийлаб ўтирумайдилар. Уларни қамоқ ҳужрасига шу қадар қўпол равишда улоктиришдики, Мэлс юзи билан шилимшиқ тош деворга каттик урилди. Бахтиёр кўйлагини йиртиб, ўтогининг юзидағи қонларни артди, кўлидан келганча тиббий ёрдам берди.

– Ярамаслар! Аблахлар! Қарокчилар! – сўкинди Мэлс ва бу унга оғриқни енгишда ёрдам берарди. – Мен буни шундай колдирмайман. Улар жавоб берадилар!

– Ўзингни босиб ол, Мэлс, – насиҳат берди Бахтиёр. – Мен сендан уларга бақирмасликни, сўкинмасликни, улар билан тортишмасликни ўtingан эдим-ку.

– Иблис олсин уларни! Кўрсавод эшаклар! Улар керга бурун сукканларини билишмаяпти!

– Улар умуман бурун суқаётгандарни йўқ, Мэлс. Сабаби ўзлари ҳеч қандай карорга кела олмайдилар. Кобулга хабар беришади – аллақачон чопар юборгандарига имоним комил – у ёқда бизларни нима килиш кераклиги хақида ўйлаб кўришади.

– Ва улар бизнинг тақдиримизни қай йўсинда ҳал килишлари мумкин?

– Вариантлар бор. Ишни ошкор қилсалар жанжал чиқади. Халқаро миқёсда. Бундан афғонларга зигирча наф йўқ. Иш сирлигича қолсин десалар бизларни судсиз, терговсиз Демазанг турмасига тикишади. Абадулабад. Шу билан ном-нишонсиз йўқоламиз, вассалом.

– Сен ҳазиллашяпсанми?

— Йўқ. Ишни изсиз йўқотишнинг уддасидан ҳам чиколмайдилар. Учинчи вариант ҳам иш бериши мумкин.

— Қайси вариант?

— Бизларнинг исми-шарифимизни карvonга дахлдор килмайдилар. Хайрулла Кобул йўлида кетмоқда. У Толиб эшонга, Толиб эшон турк консуллигига хабар беради. Ва бир неча кундан кейин биз озодликда бўламиз. Шу билан ҳаммаси тугайди, вассалом. — Бахтиёр яраларни артар экан, яна бир марта Мэлснинг пачоқланган юзига қаради ва хулоса чиқарди. — Бундан баттар бўлиши мумкин эди.

— Бахтиёр. Ишончим комилки, бу ерда воқеалар шунчаки бир-бирига тўғри келаётгани йўқ, — ўзини босиб олган Мэлс таҳлил қилишга киришди. — Бирданига шунча тасодиф юз бериши асло мумкин эмас. Мен карvonни моҳирлик билан Эроннинг шўролар томонидан босиб олинган шимолий қисмидан ўтказдим. Икки дунёда ҳам уларнинг калласига бизлар душман эканлигимиз ҳақидаги фикр келмайди!

— Тан оламан, дадил ёним.

— Шунча микдордаги қурол, долларлар, олтин! Колаверса, сайлаб олинган маҳсус команда. Мен ҳозир ҳам бу рейд билан фаҳранаман. Бироқ олдиндан тўкилган афсонага кўра, афғон чегарасига бошка жойдан кириб келишимиз керак эди. Ўта маҳфий бўлган ўтиш жойи ҳақидаги маълумотни сен қаердан олдинг?

Мэлснинг қўзлари Бахтиёрга тешиб юборгудек даражада тикилди.

— Савол беришда манзилдан адашдинг, Мэлс. Менга қаерга боришни буюришган бўлишса ўша ерга бордим, холос.

— Ким буюрди?

— Худо хоҳласа, билиб оларсан. Кейин-чи?

— Кейин? Нега ўз одамларимиз ўз командамизни даф килди? Нега кейинги йўналиш афғонларга маълум бўлиб қолди? Қандай килиб улар дарҳол дафн жойини топишди? Ўша котил карвонни каерга олиб кетди? Карвон белгиланган жойга аниқ етиб боришига кафолат борми? Ва сўқмоқдаги хужжат текшириш саҳнаси ва мана бу олдиндан режалаштирилган ҳибсга олиш. Менинг зудлик билан немис миссиясига боришим зарурлиги бировга маълумми? Ҳа, немис миссиясига. Биров менинг бир лахза ҳам тўхтаб колишим мумкин эмаслигидан боҳабарга ўхшайди. Натижада бу ерда, авахтадамиз. Операция хавф остида қолди, балки барбод бўлган бўлиши ҳам мумкин. Мен эса фош бўлдим. Тушунасанми, фош бўлдим. Улар менинг кимлигимни билишади. Жуда бўлмаганда тахмин қилишмоқда.

Мэлс жимиб қолди, юзларини кафтларига яширди, ох тортиб бир томондан иккинчи томонга силкина бошлиди.

Бахтиёр унга бокар экан, кўзларидаги алам ачиниш билан ўрин алмашди.

Кейин Мэлс хўл бордон, яъни бўйра тўшамага ётди, оёқ-кўлларини бир жойга йиғди, ғужанак бўлиб олди.

Бахтиёр камеранинг бошка бурчагига чўккалаб ўтириди ва жимиб колган Мэлсга узок тикилди.

— Сен хақсан, Мэлс. Бу ишда тасодифлар бўлиши мумкин эмас эди.

Аммо Мэлс аллақачон ухлаб қолган эди.

Шунда Бахтиёр астагина қадимий ўзбек қўшигини хиргойи қилди.

ЮЗ КҮРМАСЛИК АЗОБИ

(Ұтмиишдан бир сағиға)

Мэлс иккови ижарага олган кичкинагина хона. Үнга стол ва ягона курси-ю, бурчакка тахланган күрпачалар зұрға сиғиб турибди. Аммо деворга ўрнатилған құлбола токчаларга жуда күп китоблар териб қўйилған. Стол ёнида үтирган Бахтиёр ёзмокқа чоғланмоқда, Мэлс эса кафасдаги йирткічдек торгина жойда үзини у ёкка-бу ёкқа уриб, бир ибора кетидан иккінчисини айтади:

– Нега лаби лунжинг осилған? Нега жимсан? Менга қандай айб қўяйпсан?

Бахтиёр мик этмади.

– Мен уйланаман, деб ваъда бердимми? Йўк! Мен совчи қўйдимми? Йўк! Тўғри, бир-икки марта киз менга ёқади, деганман. Ҳали сенга ва менга ундейларнинг сон мингтаси ёқади. Бутун хаётимиз олдинда. Муруватли валинеъмат бўлишим керакми? Бундай “чиройли жихат” учун комсомолдан ковушимни тўғрилаб қўйишади! Ҳатто қамаб қўйишлари хам ҳеч гап эмас. Бутун умрим иблис измига тушади. Шундайми? Нега индамайсан? Айблаяпсан-а? Унда нега сенинг үзинг бормайсан?

Бахтиёр кескин бурилди. Кўзлари ёниб турибди. Муштлари сикилған. У Мэлснинг устига ташланишдан зўрга үзини тутиб турибди.

– У сенга ҳам ёқади-ку? Кўзларим кўр эмас-ку! Бор, уйлан! Кўрқма, сенга рад жавоби беришмайди. Ҳа! Нега үтирибсан? Бор!

Бахтиёр аста ўридан туриб, ранглари оқарған Мэлснинг устига бостириб борди...

МУҲИДДИН ҚЎРБОШИ

(Ўтмисидан бир саҳифа)

Ва Бахтиёр Хотиранинг олдига йўл олди.

У ҳаяжонини боса олмасдан таниш дарвоза олдида узок туриб қолди. Ўтиб бораётганлар унга қизикиш билан қараётганларини сезганидан кейингина киришга қарор килди. У ҳовлини кесиб ўтиб, уйнинг ярми очик эшигига келди. Олға бир қадам ҳам боса олмаслигини сезиб тўхтади.

Үйдан бир эркакнинг каттиқ, қаҳрли овози эштилди:

– Эшитяпсанми, Замира! У энди қайтиб келмайди! Сен улар бизга ўхшаганларни нима қилишларини билласанми? Сен ҳали ёшсан. Бунинг устига кизинг ҳақида ўйла. Уни нималар кутяпти? Ё унга ёмонликнираво кўрасанми? Сен билан кизингга комсомоллар хужум килиб, паранжиларингни юлиб олганлари, кўйлакларингни пора-пора килиб йиртиб ташлаганлари озлик килдими? Кизинг комсомолнинг хотини бўлишини истайсанми? Барча хоҳлаганларнинг хоҳишини кондирishingа розимисан? Тушама бўлишини-я? Сен уларнинг хотинларини умумий деб эълон қилганларини унутдингми?

Ҳовлига уятдан кизарив кетган Хотира отилиб чиқди. У тасодифан тўппа-тўғри Бахтиёрнинг оғушига келиб урилди.

Каттиқ уялди.

– Бахтиёр??!

Ва йиғлаб юборди.

Үйдаги эркак эса ҳамон қутурмоқда эди:

– Зудлик билан ҳамма кимматбаҳо нарсаларингни йиғ! Пулларни, жавоҳирларни, олтинни, кумушни! Ну-

риддиннинг яширин хазинаси қаерда? Бугун кечаси ғойиб бўламиз? Хотира кани? Хотира?

– Бу Мухиддин амаким, – шоша-пиша шивирлади Хотира. – Отамнинг кичик иниси. У – кўрбоши. Бизларни Афғонистонга олиб кетмоқчи!

– Сен бу ёқдамидинг, фохиша! – уйдан газабдан юзлари кўкариб кетган амакиси отилиб чиқди. – Мен сенга нима деган эдим, Замира? Мана, комсомол ҳам хозиру нозир бўлибди!

У этигининг қўнжидан қамчисини олиб, Хотиранинг елкасига устма-уст ура бошлади.

– Ура кўрма! – кўрбошининг қўлини ушлашга уринди Бахтиёр.

Аммо амакиси Хотирани улоқтириб ташлаб, юзларини қўллари билан тўсган Бахтиёрни савалай кетди. Уни оёғидан чалиб, тепиб-тепиб дарвозадан ташкарига итариб ташлади.

Онасининг оғушида Хотира дағ-дағ титрайди.

Бахтиёрнинг орқасидан дарвоза қарсиллаб ёпилди. У тупрокка беланган холда ўрнидан туриб, тахталари темир билан қопланган дарвозани муштлари билан ура бошлади.

– Оч! Ярамас! Дарҳол оч!

– Йўқол, хароми! Отиб ташламасимдан олдин корангни ўчир!

Икки эркак югуриб келиб, Бахтиёрнинг билакларидан тутдилар ва балодан йирокка олиб кетдилар...

ЧОРАСИНИ ТОПГАН ЕТАР МУРОДГА

Қамоқ камерасининг темир эшиги тарақлаб очилди. Ухлаётган Мэлс ўрнидан сапчиб туриб, атрофга тикилди. Косасидан чиқиб кетай деган кўзлари Бахтиёрга тушди:

– Қаердаман? Эх, дарвоқе! Узок ухладимми?

– Бир кеча-ю бир кундуз. Балки ундан ҳам күпрок! – жавоб берди Бахтиёр.

Икки сокчидан бири кириб полга – устига қорамтири обинон ёпилган сопол күзани күйди. Иккінчиси бир күлини түппончасининг ғилофига күйганча эшикнинг олдидә қолди.

– Бизларни не учун чақиришмаяпты? – сүради Мэлс.

Соқчилар бир-бирига қараб қўйишиди. Эшик ёнидагиси бир кадам ортга чекиниб, дахлизнинг икки томонига кўз тиккач, биринчисига бош ирғади. У Мэлс томонга усталик билан қўл чўзиб, бармоқларини қирсиллатди.

– Хабарингиз бор, ҳамма нарсамизни тортиб олишган, – деди Бахтиёр. – Кейин ҳисоб-китоб қиласиз, алдамаймиз.

Соқчилар яна бир-бирига қараб олишиди.

– Кобулга хабар беришиди. Катта бошликларнинг келишини кутишяпти. Келганларидан сўнг сизлар билан шуғулланишиади.

Соқчи чикиб, эшикни ёпганида у янада каттиқрок тарақлаб кетди.

Бахтиёр обинонни синдириди, ярмини Мэлсга узатди. Кувшиндаги чойдан навбатма-навбат ҳўплаб, нон ейишга киришдилар.

– Бахтиёр, – ўртадаги жимликни бузди Мэлс. – Бизлар бир-биrimизни жуда яхши биламиз. Барибир саккиз йил – катта муддат. Ҳар биримиз бу учрашувга қай йўсинда келганимизни билганимиз маъқул. Олдимизда умумий ишлар кўндаланг турибди. Сен қандай фикрдасан?

Бахтиёр жим қолди.

– Хоҳлайсанми, мендан бошлаймиз... Сен хорижга кочиб кетганингдан кейин мен партияга кирдим, – хи-

коя килаётиб Мэлс Бахтиёрга синовчан нигоҳ ташлади. – Партия ишига йўллашди. Юкорига караб интилдим. Партияга билимли одамлар жуда керак эди. Шунинг учун яхши мартабаларни кўзлашим аниқ эди. Шахар партия қўмитаси аппаратида нуфузли лавозимга кўтарилидим. Ҳаракатдаги армияга чақиришди. Худди ўша пайтлари армиядан сон-саноқсиз халқ душманларини фош килишди. Энг юкорисидан бошлаб то... Хулласи калом, сиёсий комиссарлар тайёрлайдиган олий курсга юборишди. Собиқ политрукларнинг асосий қисмини кириб юборганларидан кейин янгилари керак эди-да.

Яхшигина кўтарилидим: рота, батальон, кейин полк комиссари бўлдим... Кейин уруш. Белоруссияда курсовга тушиб қолдим. Қулай пайт келганини англағетдим. Ўнгай вазиятни кутдим. Бир гал машинани портлатдик. Унда ССнинг каттакон амалдори бор экан. Энг юкоригача алоқалари бор бўлган қизиқ одам. Ўрни келганда ўша нусха билан бирга полк байроғи ва полк хужжатларини олиб немисларга ўтиб кетдим. Кейин-чи? Уларнинг ибораси билан айтганда, чорасини топган етди муродга. Туркистон легиони, яъни лашкарини тузища иштирок этдим. Вали Қаюмхоннинг назарига тушдим. Ва мана, ёнингда ўтирибман...

Мэлс истеҳзоли кулги билан Бахтиёрга боқди.

– Сен қайси йиллари партия муассасаларида ишландинг?

– Ўттиз саккизинчи-ўттиз тўққизинчи йилларда, бир ярим йилча ишладим.

– Ва шундай юкори лавозимда ишлаган одам Фитрат домланинг қисмати ҳақида хеч нарса билмаслиги мумкинми?

ФИТРАТНИНГ ҚАМОҚҚА ОЛИНИШИ

(Ўтмишидан бир саҳифа)

Бутун журнал жамоаси жам. Таниш чехралар – уларнинг барчаси Фитрат бошқараётган адабий тўгарак аъзолари. Устозни кутишяпти.

Қўрқиб кетган, соchlари ёйилган бир киз чопиб кирди. Оғир-оғир нафас олиб, бидирлади:

– Фитрат домланинг уйида тинтув ўтказишяпти!

Ва ҳаммаси бирдек чопиб чиқиши. Ҳаллослаб Фитратнинг уйига бориши.

Уйнинг олдида икки машина – биринчиси маҳбусларга мўлжалланган ёпиқ, иккинчиси – бортли очик. Қовоғи солинган одамлар иккинчисига тахлам-тахлам китоб, журнал, қўлёзмаларни бепарво улоқтиришяпти. Китобларнинг бир кисми ерда сочилиб ётиди. Уларни оёклари билан босиб-янчиб ўтишмоқда.

– Улар китобларни нима қилишади? – деб сўради бир киз.

– Ёқиб юборишади, – деб жавоб берди Бахтиёр.

Саҳифалардан бир кисми сочилиб, ҳавода сузди. Биттаси Бахтиёрнинг кўкрагига келиб қўнди. У варакни олиб, тўғрилади, текислади ва ўқиди: “Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони...” Бахтиёр варакни кўйнига яширди.

Ўша қиз машинанинг бортига чикиб, чанг босган бир қадимий китобни олишга уринди. Тинтувчилардан бири, Ильенко этиги билан қизнинг кўлларини босиб кетди.

– Вой, – оғриқдан чинқириб юборди қиз. – Бу ахир ҳазрат Алишер Навоий-ку!

– Йўқол! – дея Ильенко уни оёғи билан тепди.

Фитратни олиб чиқдилар. У бошини баланд күтартган ҳолда мағрур келяпти. Ҳатто соқчиларнинг хатти-харакатида ҳам бу одамга ҳурмат сезилади – улар аллома отган одимларга ҳамқадам бўлишга, енгларидан ушламасликка ҳаракат киладилар. Шогирдларига кўзи тушган Фитрат тўхтади, нимтабассум билан ҳазил тариқасида бармокларини лабларига олиб борди. Ўзи “кора қарға” деб ном олган ёпиқ машинага караб юрди. Тавозе билан унга эшик очдилар. У эгилиб, кабинага кирди ва шошмасдан ўтириб олди. Ўгирилиб, тошдек қотиб қолган ёшларга тикилди, яна нимтабассум билан видолашгандек қўл силкиди.

Тўгаракдошлардан бир неча нафари чопиб келишиб, ташвишли оҳангда шивирладилар:

– Чўлпонникида ҳам тинтув ўтказишяпти. Ботуникида ҳам...

Машина юриб кетиши билан ёшлар топталган китоб ва варакларни йигиб олишга киришдилар...

ТАЪҚИБ ТАМҒАСИ ВА БАХТИЁРНИНГ ҲИБСГА ОЛИНИШИ

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Бахтиёр хиёбондаги ўриндиқда ўтирибди. Кўзлари олдида вараклари ёйилган газета. Каттакон мақоланинг устига “Сен кимсан, Бахтиёр Асадов?” деган сарлавҳа кўйилган. Қамчининг зарбидан ҳам қаттиқ иборалар мияни пармалайди: “Муайян давраларда маълум бўлган бу ёш шоир ва насрнависнинг шеър ва очерклари жадидчилик ғояларини очиқдан-очиқ тарғиб килади. Асадовнинг барча асарлари буржуа синфи ахлоқи билан суғорилган. Ижодининг бош мағзи шўро ҳукумати-

нинг обрўсини тўкишга қаратилган бўлиб, уни ағдариб ташлашга чакиради. Фитрат, Чўлпон, Ботунинг издоши бўлган бу ижодкор улардан ҳам хавфлирок бўлиб, комсомол билети ортига бекиниб, ичдан кўпорувчилик фалияти билан шуғулланади...”

Оёкларининг ўзи Бахтиёрни Хотиранинг уйига олиб келди. Лаънати газетани гижимлаб олган кўли билан дарвозани итарди. Улар енгилгина очилди. Бахтиёр ҳовлига кириб, уй томонга йўл олди.

Кириш эшиги олдида ажин босган қорамтири юзли кампир ўша-ўша ҳолатда, яъни меҳнатда тобланган қўлларини кўкраги устида кўйганича қаққайиб турибди.

Бахтиёр унга савол назари билан термилди.

Кампир индамади. Унинг нигоҳи Бахтиёрнинг устидан қаергадир узок-узокларга қадалган. Охири момолабларини кимтиб-қимтиб деди:

– Улар энди йўқ. Ҳеч ким йўқ. Бутунлай...

Комсомол йиғилиши. Шовқин, қий-чув, ўринлардан бақир-чакирлар. Минбарга чиққан тиккайган сочли кўзойнакли йигит очилган газетани сермаганича таъқиб остига олинган Бахтиёр Асадовга лаънатлар ёғдиряпти. Раёсатнинг нариги томонидаги табуретка (судланаётганлар курсиси)да Бахтиёр ўтирибди. Унинг кўлида ўша газетанинг буқланган, титилиб кетган сони. Бутун юзи бўйлаб Мухиддин қўрбошининг камчисидан қолган чандиклар.

– Ҳа, душман ҳар томонлама ҳийлакор, айёр ва хавфлидир! – ўзининг нафратга тўла маъruzасини ниҳоясига етказди “тўрткўз”. – У ҳамма жойга тузок кўйиб ташлаган. Содда одамларни ўз тўрига турли хирсу ҳаваслар орқали туширади. У рухиятимиз учун ов уюширади. Бахтиёр Асадов камбағал оиланинг фарзанди, ғирт

етим, болалар уйининг тарбияланувчиси. Шуро хукумати унга ажойиб маълумот берди, унинг истеъдодига ишонч билан қаради. Хўш, у ана шу истеъдодини нимага сарфлади? Сиз билан бизнинг ғояларимизни коралашга. Мен шуни талаб киламанки, ҳар ким, – бармоғи билан дўқ урди у. – Ўз ўртокларига диккат билан назар солсин! Сабаби Асадов ёлгиз эмас! Биз уни фош қилдик, аммо орамизда писиб ётганлар йўқ эмас. Сафларимизни тозалайлик, азиз ўртоклар! Ғоявий иблислардан халос бўлайлик!

Гулдурос қарсаклар остида “тўрткўз” минбардан на мойишкорона тушиб келди.

Раислик қилувчи қалам билан графинга урди:

– Мэлс Бойзоқов сўз сўраяпти!

Мэлс саҳнага сакраб чиқди, Бахтиёрга орка ўтириб, минбарга ўтиб кетди.

Залдаги шовкин энг юкори нуктасига чиқди.

– Йўқолсин Мэлс! Бу унинг энг яхши дўсти-ку!

– Уни тинглаб нима қиласиз! Иккаласининг тили бир!

– Бизга оқловчилар керак эмас!

– Гапира қолсин. Тазарру килмоқчидир!

– Фитратнинг думи! Унинг журналида асарлари чоп этилган!

– Йўқолсин!

Раислик қилувчи қалам билан графинни каттиқ урди. Юз бераётган воқеани зал тўридан ЧК ходими Ильенко кулимсираган кўйи кузатиб ўтирибди.

Мэлс ҳаяжонини босиб олиш учун узоқ жим қолди. Нихоят бошини кўтариб сўз бошлади:

– Мен Бахтиёр билан болалиқдан дўстман...

Залда шовкин, хуштакбозлик, таҳқирли хитоблар кучайди.

– Ха, болалиқдан. Икковимиз ҳам ота-оналаримиздан эрта айрилдик. Болалар уйида ўсдик. Бир ўринда

ухладик, бир косадан таом еб, бир пиёладан чой ичдик. Бирга мактабга катнадик. Намунали үқувчилар сифатида бизни Туркияга үкишга юбориши. Бирок Туркияда үкишимиз юришмади ва тахсилни Бокуда давом эттиридик. Мен буни нега алохида таъкидләяпман. Гап шундаки, айнан Бокуда биз пантуркизм ва панисломизм ғояларини тарқатаётган мусовотчилар даврасига тушиб қолдик. Хулласи калом, аксишлүровий...

Залдаги шовқин, бақирик-чақириклар янада кучайди:

- Мана, гап қаерда!
- Душман эканлиги яққол күриниб турибди!
- Уларни комсомолдан хайдаш керак!

Бахтиёрнинг боши ғувиллаб кетди. Кўзларининг олдида доиралар суза бошлади. Айрим сўзларнигина эшитар, аммо мазмунини англаб етмас эди.

Мэлс қўлини кўтарди, овози дадиллашди, жаранглаб кетди:

– Ҳа, биз ўргимчакнинг уясига тушиб қолган эдик. Уни аклли ва маккор душман тўқиган эди. Мени алдаганлари ва тўрга туширганларини бирданига англай олмадим. Аммо кейин тушундим. Ва мусовотчилар билан ҳам, жадидлар билан ҳам алоқаларимни бутунлай уздим. Ҳаммаси кимлардир үйлагандек осон бўлгани йўқ. Фитрат ва гумашталарининг асл мақсадларини англаш учун вакт, ақл-идрок ва улғайиш керак бўлди!..

Зал нотиқнинг сехрли нутқига берилиб, жим қолди.
Ильенко маъқуллаб бош иргади.

Бахтиёр руҳий исканжани ташлаб, бутун борлиги билан Мэлсга тикилди.

– Бахтиёр – бутунлай бошқа гап! У ўта эрта пишди. Унинг феъли эхтиросли, аммо пинҳоний, яъни ичимдагини топ дейдиган одам. Уни ғоялар шакллантириди. Ҳатто менга, энг яқин дўстига ҳам ҳеч качон ўз фикрла-

рини очиқ айтмаган. Шуни жуда-жуда истар эдимки, у хам мен ва бошқалар каби алданганлардан бўлиб чиксин. Бироқ бундай эмас-да. Айнан у мени Бокуда мусовотчиларнинг уясига бошлаб борди. У мени Фитратнинг ташкилотига кўшди. У ҳатто ҳалқ душманининг қизига уйланишимни маслаҳат берди. Ўртоклар! Тўғри, мен айборман. Ва сизлардан ўтиниб сўрайман – мени тегишли равишда жазоланглар. Тўғри қабул киласман. Бахтиёр Асадов масаласига келсак... Менинг ишончим комилки, комсомолда унга ўрин йўк!

Ҳавони кўллари билан кесган Мэлс минбардан чопиб тушиб кетди. Қаттиқ таажжубда қолган зал муайян вакт жим қолди. Кейин ҳадиксиралган бир қарсак, иккинчиси, кейин зал гулдурос қарсақлардан портлаб кетди...

Бахтиёр яна ўша оғир руҳий ҳолатга қайтган ҳолда “судланувчилар курсиси”да маҳзун ўтирибди.

Зал талаб киласди:

- Асадов жавоб берсин!
- Айтсин!
- Бахтиёр суд килинсин!

Раислик қилувчи унинг тепасида туриб, елкасидан туртяпти:

– Асадов! Сенга нима бўлди? Сен сўзга чиқасанми? Айтадиган бирон гапинг борми?

– Менинг собиқ дўстим Мэлс айтган гапларнинг барчаси тўғри. Менинг ишларимга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен ўзимни ҳеч нарсада айбдор деб хисобламайман, ҳеч нарсадан пушаймон хам эмасман. Мен – Фитратнинг шогирдиман. Мен ҳар қачон Фитратни ўзимнинг устозим деб хисоблайман. Мен ўз ҳалки учун шундай фидоий бўлган бошқа бирор одамни билмайман. Мени тақдир у билан учраштирганидан бехад бахтиёрман!

У бир-бир қадам босиб сахнадан тушди ва бутун зал орқали чикиш эшигига томон юрди...

Кечаси тун кирганидагина Бахтиёр ўз кулбасига қайтди.

Кулбанинг барча қисмida китоблар, қўлёзмалар, алоҳида вараклар бетартиб сочилиб ётибди. Токчалар қўпориб ташланган. Жомадондаги нарсалар полга сочилган. Мэлснинг ўзидан ҳам, нарсаларидан ҳам ному нишон йўқ. Бахтиёр ҳаммасини тушуниб етди: шу боис орқасидан силлиқ оҳангдаги сўзлар эшитилганида титраб ҳам кўймади:

– Мана, жуда яхши бўлди, ўзинг келганинг. Бизлар то тонггача сени кутиб ўтирамизми, деган хаёlda эдик.

Бу Ильенко эди. Ёнида ҳамроҳи ҳам бор. Иккови ҳам бир хил, ўзларига хос тусда кулимсирайдилар.

– Ўзим билан нима олишим мумкин?

– Тиш шчеткаси, совун, алмаштириш учун ички кийим. Устара олишга ижозат йўқ.

– Китоблар-чи?

– Бизда китоблар бор. Яхшигина кутубхона. Классикларнинг тўла асарлар тўплами... – янада кенгрок жилмаяди Ильенко. – Марксизм-ленинизм классикларининг. Хоҳлаганингча ўки! Факат терговлардан озод пайтингда, албатта!

Кувноқ амакилар, хайриҳоҳлар-а...

ҲИБСДАН ХАЛОС БЎЛИБ

Мэлс ва Бахтиёр умид билан эшикка термилишади. Темир эшикнинг темир зулфини шакирлади. Ғичирлади. Эшик очилди. Кесакида башанг кийинган афғон кўринди. Унинг орқасида хавфсизлик хизматининг тортичоқ зобити ва икки соқчи турарди.

— Жаноб Асадий, қадрли Бахтиёр! Маъзур тутинг! — афғон кучоғини очиб, Бахтиёр томонга юрди. — Бизларнинг ўта ғайратли тартибот посбонларини кечиринг. Сизнинг бағрикенглигингизга умид киламан. — У Бахтиёрни бағрига босди. — Бу кишини ранжитадиган англашилмовчиликдан хабар топган заҳоти дархол йўлга тушдим. Энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган давлат ишлари ҳам мени тўхтата олмади! — У Бахтиёрдан чекингани билан узатилган кўллар масофасида елкасидан тутган эди. — Нима деяпман ўзи? Зудлик билан бу ердан кетайлик. — У зобитга қайрилди. — Шу қадар ҳурматли жанобни бу ювинди ўрада саклашга қандай ҳаддингиз сиғди? Яна бир бора ялинаман, кечиринглар, жаноблар!

У Мэлсга диққат билан тикилди.

— Жаноблар, сизларни таниширишга ижозат беринглар, — бирдан эсига тушди Бахтиёрнинг. — Жаноб Анвар Юсуфшоҳ, ташқи ишлар вазирлигининг департамент бошлиғи. Жаноб Маъруф Маъруфий. Бизнинг туркиялик меҳмонимиз. Муҳандис ҳамда бир қатор турк газеталарининг ўз мухбири.

— Ўта мамнунман, — таъзим қилди Мэлс.

— Мен ҳам чин кўнгилдан хурсандман. Умумий дўстларимиз сизларни Кобулда сабрсизлик билан кутишмоқда.

Зобитга факат куйиб-пишиб ҳарсиллаш ва кўзларини жавдиратишдан бошқа нарса насиб этмади...

Йўлнинг Кобулгача қолган қисмини автомобилда босиб ўтишар экан, Мэлсни ҳайратга солгани шу бўлдики, рулни Хайрулла бошкараётган эди.

Сўзамол афғон Юсуфшоҳ уларни зериктирмади:

— Кобулда мураккаб вазият хукм сурмоқда. Шу жумладан, шоҳ саройида ҳам. — Бу ғаплар аслида Мэлсга аталган эди. — Ҳукмрон партия шоҳни шўролар билан яқин муносабатда бўлишга, улар билан имзоланган бар-

ча битимларни бехато бажаришга унда мокда. Тұғриси, хаддан ортиқ ғайрат күрсатмоқда. Қарши томон, яширмайман, каминаи камтарин ҳам шу тарафдаман, юзага келган вазиятдан үта норозимиз. Биз немислар ва уларнинг иттифоқчилари билан дүстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Биз туркистанлик биродарларимиз, ислом лашкарларига шүроларга қарши муқаддас юришга пухта тайёрланишига имкон берилишини истаймиз. Большовайлар томонидан босиб олинган худудларни қайтариб олиш, мусулмонларнинг топталған хукукларини қайта тиклаш вакти етди. Биз Зохиршох нихоят бир тұхтамга келиб тұғри йүлни танлайди, деган умиддамиз. Акс ҳолда... Норозилик шох оиласининг үзида ҳам кучаймоқда...

Кобулда машина бадавлат, дов-даражатта күмилган, мустамлака услубидаги панжарали чорбоғ билан үралған қаср ёнида тұхтади.

— Менинг уйимнинг эшиклари сизлар учун доимо очик, — хайрлашды Юсуфшох. — Жаноб Асадий бир неча бор менинг уйимда бўлган. Үйлайманки, сиз ҳам, жаноб Маъруфий якин вакт ичиде камтарин уйимнинг кадрли меҳмони бўларсиз. Ҳозирча хайр. Ҳатто уйимда ҳам кечикириб бўлмайдиган давлат ишлари билан шуғулланишимга тұғри келади. Сизларни эса муфти ҳазратлари Толиб эшон сабрсизлик билан кутмоқдалар. У келишимиз билан сизларни үз хузурига олиб боришимишни илтимос килдилар...

МУФТИ ТОЛИБ ЭШОН ҲАЗРАТЛАРИ

Хужранинг ланг очиб қўйилган эшиклари оркали меморчиликнинг гўзал намунаси ҳисобланган масжид яккол кўзга ташланади. Пастда, ҳовлида гоҳи-гоҳи хизматдаги уламолар кўриниб қолади. Аммо бирор одам

муфти ҳазратларининг хужрасига якин ҳам йўлай олмайди.

Толиб эшон ҳазратлари самовардаги қайнок сувдан ўз қўли билан чой дамлади. Чамаси унга самовар ҳам, чой дамлаш амалиёти ҳам ёқарди. Мехмонлар эхтиром ила сукут саклаб ўтиришарди.

– Чегарадан ўтаётганингизда бирор воқеа юз бердими? – гўё ҳеч нарсани билмагандек қизиқди муфти.

– Бу жуда хунук иш бўлди, муфти ҳазратлари! Мен бунга сўз тополмаяпман! – Мэлс тутака бошлади.

Бахтиёр унга жим тур деб имо қилди:

– Тузатиб бўлмайдиган ҳодиса юз берди, ҳазратим. Сизга содик ва сидкидил хизматкорингиз Мухиддин кўрбоши фармонингиздаги “Кўрикчиларни зиёnsиз холга келтириб” деган сўзларни хато англаб, уларни қуролсизлантириш ўрнига ёппасига отиб ташлади.

– Ҳа, мен эшитдим. – Толиб эшон синчков нигоҳини Бахтиёрдан Мэлсга ўтказди. – Таассуфлар бўлсинким, жасур жангчи ҳамиша ҳам муносиб ақл-идрок эгаси бўлавермайди. Ва, аксинча, донишманд одамга гоҳо жангчи жасурлиги етишмайди.

– Улар Вали Қаюмхон ҳазратлари ташаббуси билан тузиған шавкатли Туркистон лашкари таркибидаги жасур ислом жангчилари эдилар, – шарҳлади Бахтиёр “рахнамо ота”нинг исмига хиёл ургу берган ҳолда. – Улар Олмонияда пухта тайёргарликдан ўтган, кўрбошиларимиз хузурида йўрикчи вазифаларини ўташлари лозим эди.

– Умид қиласманки, жаноб. – яна ўзини тутиб туролмади Мэлс. – Сиз ҳаммасини суриштириб, айборларни тегишли равишда жазолайсиз!

Бахтиёрга караганида туркистонлик муҳожирлар етакчи уламосининг нигоҳида енгилгина жаҳл изи кўринди.

— Құрбоши ва навкарларининг айби хақида гапириш мураккаб иш, жаноб, — деди муфтини тұғри анлаган Бахтиёр. — Гап шундаки, карвон құрикчилари кизил армия жангчиларининг кийимида әдилар. Якиндагина шұро чегарачилари билан тұқнашувда үз навкарларининг ярмидан айрилган құрбошининг ҳолатини ҳам тушуниш керак.

— Аввал суриштириш керак эди, — деди Мэлс кийинчилик билан үзини босиб.

— Хұп, — бошини әгdi Бахтиёр. — Аммо улар сиз, жаноб Маъруфий, бирор айби бұлмаган бечора йүл күрсатувчини шафкатсиз равища отиб ташлаганғизни ҳам үз күzlари билан құрган-ку. У эса бизнинг ҳам қондош, ҳам диндош биродаримиз эди.

— Мен бундай гувохни тирик қолдира олмасдим! — Мэлснинг күzlари ғазабдан чақнади.

Муфти ҳазратлари үз хузурида баҳслашишларига тоқат қиломас эди:

— Агар ҳалок бұлған жангчилар асл мусулмонлар эрса, улар үз ҳаётини мұқаддас иш учун курбон килиб, шахидларга айландилар. Демак, бу Аллохнинг амридир. Мен уларнинг рухи поклари учун тиловат қилурмен!

Шундан сұнг муфти Мэлсга дикқат билан назар солди.

— Ҳаммасига Аллох амри вожибдур! — минғирлашға мажбур бұлди Мэлс.

Толиб эшон меҳмонарға нисбатан алохіда илтифот ва муруватини намойиш этган ҳолда пиёлаларға үз күли билан чой қуйди. Кейин дастурхон остидан яшил мұхр босилған бежиремгина мөвий конвертни олиб, үз олдига қўйди.

— Биз Вали Қаюмхон ҳазратларининг шахсий мактубини олдик. У сизга тааллуклидир, мұхтарам зот, — муфти конвертни кафти билан силади ва гүё бехабар киши-

дек сўради. – Балки сизга менинг улкан дўстим Мустафо Чўқаев ҳалокатининг тафсилотлари маълумдир?

– Таассуфлар бўлсинким, жаноб муфти, – Мэлс тутилиб қолди. – Мен бу фожиали тарихдан бутунлай беҳбарман.

– Сиз жаноб Чўқаевни шахсан билиш баҳтига мушарраф бўлганмисиз?

– Йўқ, жаноб муфти, – Мэлс андак довдираб қолди. – Берлинга унинг ўлимидан салгина илгари бордим ва...

– Хўш, нима ҳам дердик... Вали Қаюмхон сизга мактovдан иборат тавсиф берибди. У шуни ҳам маълум қилибдики, олмон қўмондонлиги билан келишилган ҳолда сиз биргаликда ўтказадиган жанговар харакатларимизнинг бош мувофиқлаштирувчisi бўлиб тайинланибсиз. Мен мазмунни тўғри ифода этяпманми, Баҳтиёр?

Мэлс Баҳтиёрга ҳайрат билан тикилди.

– Сен Қаюмхоннинг хатини ўқиганмисан?

– Ўқиган, – тасдиклади муфти. – Баҳтиёр менинг ёзишмаларимни олиб боради, алокаларимни амалга оширади. Шундок экан, бундан кейин тўғридан-тўғри Баҳтиёрга мурожаат қиласверишингиз мумкин. Барча масалалар бўйича... Демак, мен шундай тушундимки, муҳтарам зот, сиз Бош кўрбоши килиб тайинландингиз?

Мэлс розилик белгиси сифатида бошини эгди.

– Менинг йигитларимга бу хабарнинг хуш келиши кийин. Қаюмхон – катта одам. У узокда туриб хаммасини кўра олади. Бироқ Бош кўрбошини Катта курултой сайлаши зарурлигидан бехабарга ўхшайди.

– Жаноб Қаюмхон сизнинг донишмандлигинизга ва сизнинг таъсирингизга умид килмоқда, муфти ҳазратлари...

“ТУРК ҲАММОМИ”ГА ТАКЛИФ

Хайрулла рул чамбарагини ушлаб машина ўринидигининг юкори суюнчиғига бош кўйганча кўзларини юмиб кутарди. Аммо бедор эди. Жаноблар чикиши билан моторни ўт олдирди. Ўтиришлари биланоқ машина жилди.

– Демак, сен бошиданоқ менинг кимлигимни ва қандай мақсадда келганимни билган экансан-да? – яшириб бўлмайдиган гина билан тикилди Мэлс Бахтиёрга.

– Умумий йўсинда.

– Дарҳол контактга, яъни биргаликда иш юритишга киришмокка нима халакит берди?

– Сенга-чи?

– Мен сенинг муфти хузурида бу қадар юкори макомда эканлигингни билмасдим-да. Менга қария ўта гумондор, хеч кимга ишонмайдиган зот дейишган эди.

– Бу тўғри.

– Сендан бошқаларгами?

Бахтиёр жимгина мийиғида кулди.

– Мен олмон элчихонасига боришим керак, – сухбат мавзусини ўзгартиришга шошилди Мэлс. – Бироқ бу афтода ахволда эмас, албатта.

У ўзининг кир-чир, чангта беланган кийимиға кўз ташлади ва соколи тиканакка айланган юзини кафти билан силаб кўйди.

– Биз турк ҳаммолига борамиз. Бизларроҳат-фароғатга берилган онларимизда Хайрулла менинг уйимга бориб, янги кийим-кечак олиб келади.

– Майли, нима бўлса бўлар, – кўл силтади Мэлс ва кулиб юборди. – Ҳаммом бўлса ҳаммом-да! Олмонлар озгина кутса кута қолсинлар!

ТУРК ҲАММОМИДА

(давоми)

Ҳаммомнинг буғига пишиб терга ботган ва толиккан Мэлс ва Бахтиёр сузиш ҳавзасининг четидаги стол атрофига ўтириб олиб, чойшабларга ўралганлари боис бир хил қиёфага кириб қолган бошка мижозларга кўз ташлаган ҳолда гурунгга киришдилар.

– Ҳаммомдан ташқари бильярд ва ўйин заллари, теннис корти, кичик ресторон ва албатта, ўз “хизмат ходим”ларига эга бўлган никобланган бордель, яъни ишратхона бор, – тушунтириди Бахтиёр. – Хулласи камом, дипломатик корпуснинг ўзига яраша клуби. Эркаклар клуби.

– Жаноб Асадий, – деб каттагина чойшаб бурканган кичкинагина япон келди. – Мен сиз ҳақингизда суриштирдим. Мен сиз билан бир мусулмонча диний маросимнинг хайратга соладиган нафис нозиклиги тўғрисида сўзлашмокчи эдим.

– Яна бир марта изхор этишга ижозат берингким, жаноб Суэто, – ўрнидан турди Бахтиёр. – Сиз билан сухбатлашиш доимо менга чинакам роҳат бахш этиб келади. Ҳамиша менинг илтифотимдан фойдаланишингиз мумкин.

– Жаноб Асадий, сизга ташаккур билдираман. Қаҷон вактингиз бўлса, менга қўнғироқ килинг, илтимос, – япон таъзим кила-кила ортига тисарилиб юрди.

– Савдо атташеси, – секингина тушунтириди Бахтиёр. – Ва тасаввур килгин, алхамдилуллоҳ, мусулмон. Японида хам биз билан бир динга мансублар анча экан.

– Разведкачими? Резидентми?

– Бўлиши мумкин. Энг муҳими, бизнинг ҳаракатимизга мойиллиги бор...

— Хеллоу, жаноб Бахтиёр! — унинг елкасига кафти билан дўстона қокиб қўйди норғул, малла, навқирон эркак. Буниси чойшабсиз бўлиб, калта иштонча кийган, атлетларга хос кудратли, йўғон жуссаси манаман деб ўзини кўз-кўз киларди. — Биз мистер Владек билан, — у сал нарида турган соchlари хиёл эрта оқарган кўркам эркакка қаради. — Сизнинг кимларга кўпроқ эҳтиром билдиришингиз тўғрисида гаров ўйнадик. Немисларгами ё японларга? Мистер Владек японларга деган нутай назарда турибди. Бу менга ёқмади, чунки мен немисларга деб тикдим. Қанийди, мен бу ерда ҳам янглишсам, чунки менинг фикримга кўра сиз америкаликлар билан дўст тутинишингиз лозим. Келажак албатта бизларнинг кўлимиизда бўлади!

— Бунинг устига сизлар ҳаммадан ҳам яхши ҳак тўлайсизлар, деб эшитдим, — унинг ўз оҳангига мос равишда ҳазиллашди Бахтиёр.

— О, ҳа! Долларлар! Немисларнидек сохта эмас, ҳақиқий. Уларда ҳамма нарса: нон ҳам, кофе ҳам, чарм ҳам, долларлар ҳам ясама. Сиз ажойиб — О' кей йигитсиз, Бахтиёр! Минг афсуским, виски ичмайсиз-да!

Америкалик дикқат билан, худди суратга олаётган мисол Мэлсга тикилди:

— Балки, сизнинг ошнангиз ичар!

Мэлс кўзлари билан Бахтиёрга рози эканини англатди.

— Таништиришга ижозат беринглар: Фил О' Брайен — журналист. Жаноб Домашкевич, — поляк меъёрга кўра таъзим қилди, — поляк консуллиги ходими. Менинг меҳмоним — туркиялик муҳандис ва “Ёш Туркистон” газетасининг ўз муҳбири Маъруф Маъруфий.

— Ҳамкасбми? О' кей!

Фил кўлларини кўтариб, бармоқларини кирсиллатди.

Бир сониядан кейин виски куйилган тўрт кадах ва очик содали сув шишаси турган патнисни ушлаган кўхликкина қиз пайдо бўлди.

– Биз ирландлар янкилардан фарқли ўларок, вискини содали сувсиз ичишни яхши кўрамиз!

– Мен хам уриниб кўраман, – енгил шубҳа билан шунга қарор қилди Мэлс. – Ёқимли тарзда танишганимиз учун оламиз!

– Дўстлик учун. Урушдан кейинги.

Америкалик бир зарб билан вискини ютиб юборди ва тўпнинг ўқидек бассейнга отилди. Бир-бирига қарамасдан поляк ва Мэлс ҳам ичдилар. Поляк индамасдан, куруккина таъзим билан узоклашди.

– Раҳмат, малика, – Бахтиёр патнисга ичилмаган қадаҳни кўйди ва Мэлсга тушунтироқчи бўлди. – Фил...

– Мен тушундим, Бахтиёр. Бу сулув қиз ким бўлади?

– Шу лаҳзаданоқ кетидан боришинг мумкин.

– Бу ерда ҳаммаси шунчалар оддийми?

– Шундай деса ҳам бўлади. Дарвое, у бизнинг ҳамюртимиз, асли водийлик.

– Бечоралар, бечоралар, – бош чайқаб кўйди Мэлс. – Биз уларга туғилган ерини кайтариб беришимиз керак.

– Бу бизнинг бурчимиз.

Ёнларидан ўтаётган ёш бўлмаган, аммо ўзини асраб-авайлаган, каттакон чойшаб ҳам ҳарбийча кадди ростлигини яшира олмаган эркак тўхтаб, бир кўзига монокль илди. У Бахтиёрга кисқагина бош силкиди-да, нигоҳи бир лаҳза Мэлсга қадалди. Бахтиёр унсиз таъзим билан жавоб берди.

Шу лаҳзада бассейннинг улар ўтирган жойидан америкалик сузиги чиқди-да, кўкрагини ҳавза киррасига тиради:

– Дарвое, жаноблар! Шанба куни бизнинг элчинонамиз “Сталинград жангига” деб номланган ажойиб фильм намойишига таклиф қиласди. Фильмни бизнинг иттифоқчиларимиз – руслар тақдим этган. Ишонтириб айтаманки, бунақасини ҳеч қачон кўрмагансиз. Герр

Шенк! – орқасига үгерилиб кетаётган моноклли немис Филга қарашга мажбур бўлди. – Ўйлашимча, сиз учун ҳам кизикарли бўлади. Таклифнома юборайликми?

Немис моноклини олиб ташлади, бошини тик тутганча, жавоб бермасдан нари кетди. Қистаб қолган кулгусини Фил ўзи билан сув қаърига яширди.

– Америкаликларда жаноб дипломатларни шу тарзда мазах килиш одати бор, – қайд қилди Бахтиёр ва тушунтириди. – У немис эса, менинг тушунишим бўйича, сен шунчалик олдига шошган одамдир. Герр Вальтер Шенк. Тўғри бориб ҳозир ўзингни унга таништиришинг мумкин.

– Сен ҳам ҳазилни яхши кўрасанми, дейман?

– Унда нима қиласиз. Кетдик, бўлмасам...

Бежирим килиб тикилган замонавий костюм-шим кийган икки ёш йигит “Турк ҳаммоли”дан чиқишиди-да, ўзларини кутиб турган машинага қараб йўл олиши. Изларидан хизматкор уларнинг ювилиб, дазмолланган аввалги кийимларини батартиб пакетда олиб борарди.

– Коронги тушиб қолиби, – деди Мэлс ўриндикка чўқар экан. – Мен эса ҳали меҳмонхонага жойлашишим керак!

– Сенга тинчгина жойдан ижарага квартира олишган. Бирок бу эртанги кун учун. Бугун эса сен – менинг уйимнинг азиз меҳмонисан!

– Сенинг ўз уйинг борми?

Бахтиёр юраётган машина моторининг гуриллаши пасайишини кутиб, жавобни хиёл кейинроқ айтди:

– Қайнатам бизга сеп сифатида кичкинагина уй тортиқ килган.

– Сен бу ерда уйландингми?

– Ҳа, оилам бор. Хотиним, кизалофим...

– Сен-чи? Уйландингми?

— Йўқ. Фурсати етмади. Мен хали йўлдаги одамман. Хўш, ким у? Кимнинг кизи? Қайси диёрлардан?

— Менинг хотиним – ҳурматли зот Ҳикматбекнинг кизи!

— Тўхта. Ҳикматбек қўрбошиними? ӽшанинг кизими? Амир Олимхоннинг дўсти-я? – Бахтиёр берилган ҳар бир саволга бош силкиш билан жавоб қайтарарди. – Энди тушунарли, сенда шунчалар кучли алоқаларнинг борлиги! Толиб эшон, Ҳикматбек қўрбоши...

— Менинг муҳтарам қайнатам аллакачон бу ишлардан четга чикиб кетган. Маккага пиёда ҳажга бориб, гуноҳларини ювди. – Бахтиёр мийигида кулди. – Энди бизларнинг ҳарбий интилишларимизни маъкулламаяпти. Ислом лашкарига бир мири ҳам бермайди. Аммо қашшок бўлиб қолган ҳамюрларига хотамтойлик билан кўмаклашяпти. Факат жуда кўп беряпти.

— Ҳикматбек ҳозир ҳам аввалгидек бой-бадавлатми?

— Савдода унинг ошиғи олчи бўлди ва капиталини кўпайтириб олди. Дипломатия ва олий афғон доираларидағи катта алоқалари унинг олдида кенг имкониятлар очиб берди.

— Омадли экансан, Бахтиёр, – кулимсиради Мэлс. – Шундай қайнатаси бор одам ўзини ҳеч нарсадан қисмаса ҳам бўлади!

— Хато фикрдасан. Биз ўзимизнинг камтарин маблағларимиз эвазига кун кечирамиз. Ҳикматбек менга сармоя беришга тайёр, аммо мен рад килдим. Бу ишим билан уни хурсанд қилдим. У куёв танлашда янгишмаганига амин бўлди.

— Қойил қолиш керак! Кимсан Ҳикматбек қўрбошининг кизини хотинликка олиш-а. Сен қандай қилиб бунга муваффак бўлдинг?

— Кечиргин. Урф-одатга кўра. Толиб эшон мени ўша уйга олиб борди, таништирди, Ҳикматбекдан кизини

Сўнгги ва биринчи субҳидам
менга беришни илтимос килди. Ҳикматбек эса қизидан
сўради... Мана, келиб хам қолдик. Марҳамат қилинг,
кадрли меҳмон!..

ХОТИРА

– Ижозат бер, сенга хотиним Хотирани таништирай.
Мэлс ўзини йўқотиб қўймасдан ҳайратга тушган,
тош қотган, гангиб колган эди. Унинг олдида Хоти-
рининг шарпаси туради. Олис ёшлиқ чоғидаги ўша
Хотира.

– Хотира, бу жаноб Маъруфий. Маъруф Маъруфий.
Биз у билан унчалик яқин бўлмаган кийин йўлни босиб
ўтдик.

Хотира таажжубга тўла нигохини Мэлсдан эрига ва
яна Мэлсга ўтказарди. У меҳмонга қарап экан, гоҳ уни
танир, бир вақтнинг ўзида танимагандек бўларди.

– Мэлс?! – журъатсизгина сўради аёл.

У бошини сарак-сарак қиласар экан, бирор сўз айтиш-
га мажоли келмас, ҳалқумини бўғиб ташлаган ҳаяжони-
ни тез-тез ютишга уринарди.

– Мэлс, наҳотки, бу сиз, – биринчи бўлиб Хотира
ўзини тутиб олди. – Э, худойим, кайси шамол учирди?

Ва Мэлс яна сўз тополмади, қўлларини ёйиб қўйди,
холос.

– Нега биз оstonада турибмиз? – ўзига келди уйнинг
эгаси аввалдан айтилмаган ташрифнинг икки тараф
учун хам тахир бўлганини англағач. – Кетдик, қўлимиз-
ни ювамиз, Мэлс?

Бахтиёр Мэлснинг қўлига сув қуя бошлаганида
нокулай вазиятни юмшатишга уринди:

– Кечир мени, Мэлс. Бундок бўлишини кўзда тутма-
ган эканман!

– Алдашнинг нима кераги бор эди? Аллақандай нарсаларни үйлаб топишнинг не кераги бор эди, худо хайрингни бергур?

– Эсингдами, қачонлардир сенинг ўзинг менга Хотираға үйланишни маслаҳат берган эдинг?

– Ҳа, эсимда! – тикланди Мэлс ва кўзлари чакнаб, Бахтиёрга тифиз юзма-юз келди. – Ҳаммаси менинг эсимда! Аммо бунга Ҳикматбек кўрбошининг қандай алоқаси бор? Сенга бу ёлғон нима учун керак эди?

– Бу ёлғон эмас эди, Мэлс. Мухтарам Ҳикматбек ҳақиқатан ҳам Хотирани ўзига киз килиб олган экан.

– Эркаклар! – чорлади Хотира. – Тезлашинглар! Дастурхон кутиб колди...

Мэлс ўзини аранг тутиб олди. Хотира билан кутилмаган ушбу учрашув уни шу қадар теран ҳаяжонга солгани сезилиб турарди. У Бахтиёрга ва отасининг қўлларида эркаланаётган жажжи Холидага, дастурхонга қарашга харакат қилас, нигоҳи хонанинг деворларида айланар, аммо қанчалик уринмасин, яна Хотираға қарайверарди.

У меҳмонларга аталган хонадан чиққанида, Мэлс:

– Мен Хотиранинг отаси билан учрашдим, – деди.

Бахтиёр унга ҳайрон бўлиб бокди:

– У томондан ўтиб келган одамлар менга Нуриддин амакини Сибирдаги лагердан қочишга уринганида отиб ташладилар, дейишган эди.

– Йўқ. Бир йил аввал мен уни ҳарбий асиirlар жойлаштирилган немис лагеридан топиб олдим. Қамоқдан у кўнгилли сифатида фронтга кетди. Штрафной батальонда бўлди. Ўлимга хукм қилинганлар батальони эди у. Оғир ярадор бўлиб асирга тушибди. Менинг илтимосимга кўра уни госпиталга жойладилар...

Мэлс жимгина ўтириб, ўйга толди.

– Кейин-чи? – сўради Бахтиёр. – Унинг холи нима кечди?

– Билмайман, айтиш керакми, йўқми?

– Айтиш керак.

Мэлс қизчага, кейин Хотира чиқиб кетгач, ёпилган эшикка қаради ва сўзини давом эттирди:

– Шифокорлар уни оёкка турғазиши. Мен уни Туркистон лашкарлари сафига киритдим. Сўнгра ўз командамга олдим. У менинг қаерга ва нима учун кетаётганимни биларди. Ва бу йўл уни оиласига олиб келишига, бу ердан хотини ва қизини топишига умид қиларди. У мендан туғишган укаси жигарларини Афғонистонга олиб кетганини эшитган эди. – Мэлс Бахтиёрга кўз тикди, у эса кўзларини чирт юмиб, кафтлари билан бошини каттиқ чанглаб ўтиради. – Охири ўзингга аён. Уни чегарада отиб ташладилар...

– Нуриддиннинг туғишган укаси Мухиддин... Илтимос, Хотирага лом-мим дема. Сендан ўтиниб сўрайман...

ВА ЯНА “МЕНИНГ ОИЛАМНИ САҚЛАБ ҚОЛ, МЭЛС!”

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Мэлснинг кўз ўнгидан Нуриддиннинг ҳибсга олиниши тонги лавҳалари бир-бир ўтмоқда: Хотира-Нуриддин-Замирахон-Кампир-Хотира. Навниҳолгина Хотира. Ва отасининг бўғиқ хитоби: “Мэлс! Хабарим бор, сен менинг қизимни ёқтирасан! Менинг оиламни қутқариб қол! Ялинаман! Хотирани ол! Уйлан! Сизларга оқ фотиха бердим!”

ХОТИРА

(давоми)

Хотира кирди, чой, ширинликлар, мевалар келтириди. Деярлик құл теккизилмаган паловга, Мэлснинг олдидаги очилмаган француз конъягига ҳайрон бўлиб қаради. Бахтиёр нигохи билан хотинини бир сўз ҳам айтмасликка ундаdi.

Мэлс бирдан сўппайиб, гўё кўп йилга картайиб қолгандек эди. Фақат Хотирага қараганида унинг нурсизлана бошлаган кўзларида ожизгина олов ёнгандек бўлар, бурнининг нозик катаклари хиёл-хиёл титрар эди.

– Сенга нима бўлди, Мэлс? – сўради Бахтиёр.

Мэлс Бахтиёрга олис-олис хаёлотдан қийинчилик билан кайтиб келгандек туман қоплаган нигохи билан тикилди.

– Чарчадим. Балки, ҳаммомдан кейин лоҳасландимми? Кечир. Мен жуда чарчадим...

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ

Бу оқшом жажжи Холидадан бошқа ҳеч ким ухлагани йўқ.

Хотира Бахтиёрнинг соchlарини бармоқлари билан тараб, оҳиста-оҳиста силаб, эркалаb қулоғига шивирларди:

– Севгилим, мен ҳамиша сизни йўқотиб қўйишдан чўчийман. Қачон сиз уйдан чиқиб кетсангиз, шу заҳоти мени қўркув босади. Ҳатто қаерга кетганингизни билсам ҳам ваҳимага тушаман. Ҳатто бир дакикага, газета опкелишга кетсангиз ҳам. Бир неча кун бўлмаганингизда эса биз Холида билан бутунлай ёлғиз қолдик, деган хаёлга бораман. Мен отамни, онамни йўқотдим. Ва факат сиз билан яшаяпман. Аммо сизни ҳам йўқотадиган бўлсам, бу менинг ҳаётимнинг охири бўлади.

— Ўзингни бос, Хотира. Бундай хавотир учун ҳеч қандай асос йўқ.

— Бор, севгилим, бор. Атрофингиздаги қўрбошилар ҳар қандай одамга ташланишга, ғажиб ташлашга шай турибдилар. Шафқатсиз ва қўркинчли Мухиддин амаким. Маккор ва қаҳрли чол Толиб эшон. Бегона одамлар – ажнабийлар. Улардан ўлимнинг совуқ нафаси эсиб туради. Сиз эса бир ўзингизсиз, бутунлай яккасиз. Ухлаганингизда кўпинча инграб, ох уриб чиккасиз. Буларнинг бари танҳоликдан. Сизда умуман дўст дегани йўқ.

— Менинг баҳтимга сен борсан. Ва бизнинг митти Холидамиз бор.

— Мен бошқа нарсани назарда тутган эдим.

— Дўстларми? Мана, дўстларимдан бири бу кеча бизнинг уйда тунамоқда.

— Нега? Сиз уни ҳеч качон эсга олмадингиз, у ҳақда умуман сўз очмадингиз? Ораларингиздан бирор нарса ўтдими? Мен сезиб турибман. Мэлс сизга дўст эмас. Уни уйимизга келтирмаслигингиз керак эди. Бежиз чорлабсиз. У ичи қора одам. Одамларга баҳтисизлик келтиради у. Мэлс сизни хуш кўрмайди. Балки, мени маъзур тутинг, севгилим, сиздан нафратланади ҳам.

— Сен шундай деб ўйлайсанми?

— Мен ўйлаётганим йўқ, ўйлашдан қўрқяпман, холос. Мен хис қиляпман, сезяпман. Севган аёлнинг туйгулари ақлидан ҳам кўпроқ сезги беради...

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. МЭЛС

Ой нури деразанинг шаффоф ойналари орқали Мэлсга тушиб турарди. У кўзлари очик ҳолда ётарди. Юзларини жиққа тер босган.

— Нега? – овоз чиқариб ўйларди Мэлс. – Нега унинг ошиғи олчи, менини эмас? Нега у ҳаммасини машаққат-

сиз кўлга киритди? Менга эса факат ҳавас килиш қолди. Болалигимиздан буён шундай. У бинойидек ўкир, мен кетидан судралиб юрардим; ажойиб шеърлар ёзар, мен эса ундан ортда қолмаслик учун қофия жуфтлардим; ҳамманинг тилини топарди, мен эса ёнидаги ошнаси эдим, холос. Фитрат уни ардоклар, менга эса ачинганидан бош силкиб қўярди. Нуриддин менга, факат менга қизини бермокчи эди. Отаси бу ердан қизини ахтармокчи эди. Мен ҳам Хотирани топишни орзу қилганим боис Нуриддинни ўз гурухимга олган эдим. Нега энди Хотира унинг аёлига айланди? Ҳаммаси бошқача бўлиши керак эди-ку...

ВА ЯНА “МЕНИНГ ОИЛАМНИ САҚЛАБ ҚОЛ, МЭЛС!”

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Кетма-кет бир хил воқеа такрорланаверади: югуриб бораётган Нуриддин йиқилиб, тупрокқа беланади, қоқиласди ва йиқиласди, қоқиласди ва йиқиласди... Мэлснинг эмас, Бахтиёрнинг оёқлари остига йиқиласди.

– Бахтиёр, – хириллаб чорлайди Нуриддин. – Менинг қизимни ол! Унга уйлан! Менинг оиламни сақлаб қол!

Қўриқчилар чопиб келяптилар, яқинлашяптилар. Уларнинг оркасида эса – унга, Мэлсга тўла умид билан караб турган Хотиранинг ва онасининг чехралари.

– Бахтиёр! Ялинаман сенга! Сен ахир, Хотирани севасан-ку! Унга уйлан!

– Ҳа! Нега жимсан? – Мэлс Бахтиёрнинг афтига қараб сўз котади. – Жавоб бер! Қўркяпсанми?

Бахтиёр бошини эгади, оркасига бурилади ва оёқларини судраб, тиззагача чанг-тупрок кечиб, олислашади.

– Ота! – Мэлс Нуриддиннинг туришига кўмаклашади. – Мен сизнинг кизингизни севаман. Хотирани хотинликка оламан. Бизларга ок фотиҳа беринг.

Нуриддин кўз ёшлари билан Мэлсни кучади, кўксига босади.

Ҳайрон қолган қўриқчилар коқкан қозикдек қотиб коладилар, аралашишга ботинолмай турадилар...

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. МЭЛС

(давоми)

Мэлс кафтининг орқаси билан пешанасидаги маржон-маржон терни артди. Дераза ортидаги совук ой гўё икки шохли бўлиб кўриняпти.

Мэлснинг эти увишди.

– Мен бўлишим мумкин эди, бошкacha бўлишим мумкин эди-ку!

ЁШЛАР ЙИГИЛИШИ

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Лик тўла зал. Шовкин-сурон. Саҳнанинг четидаги табуреткада noctor, нолон Бахтиёр бош эгиб ўтирибди. Кутирган ҳайвоннинг кўзларидек олазарак нигоҳи залнинг гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан олма теради.

Минбарда турган Мэлс кўлларини буйруқ тарзида кўтаради ва зал буйсунган кўйи жимиб колди.

– Сиз умуман айби йўқ одамни судляяпсиз, – сўз бошлади Мэлс. – У оддий, ўзининг дастлабки, ҳали ишончли бўлмаган қадамларини қўяётган шоир. Ўзинима қилаётганини билмайди. У кўзи ожиздек йўл бошловчининг изидан боряпти. Мен болаликдан бошлаб

унинг кўлидан ушлаб етаклаб келяпман ва итоат билан изимдан юряпти. Ва ниҳоят у эмас, мен, эшиятисизми? Мен халқ душманинг кизига уйланяпман. Ўрнингдан тур, Хотира! Улар сени кўрсинар! Кўрсинаргина эмас, билиб кўйсинларки, бу ёруғ оламда ҳар қандай чегарани, ҳар қандай сиёsatни, ҳар қандай мафкурани тан олмайдиган мухаббат бор!

Биринчи каторда ўтирган Хотира ўрнидан туриб, юзи билан залга ўгирилади. Очик, сулув чехраси билан бурилади.

Унинг мукаммал гўзаллигига маҳлиё бўлган зал котиб қолади.

- Мана, буни мухаббат деса арзиди!
- Балли, Мэлс!
- Яшасин ҳақиқат!
- Мана, буни дўст деса бўлади. Мана, буни инсон деса арзиди!
- Қандай мардлик! Қандай матонат!

Зал гулдурос қарсаклардан ёрилиб кетай дейди.

Ва сехрланган, севиб қолган Хотира минбарда мағрур турган Мэлсга меҳр билан тикилади...

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. МЭЛС

(давоми)

Мэлс ухлаб ётган ўриндан учиб турди. У оғир нафас олар, хансираради. Тер ундан жилға бўлиб окарди.

– Мени кечир, Хотира. Мен отангнинг ўлимида айборман. Мен уни бу ерга опкелган эдим. Мен сабабли ҳалок бўлди у. Мен котилдан касос оламан, Хотира. Ўзинг ёрлакагин, Аллоҳ. Агар ўшанда билганимда эди. Имконим бўлганида эди! Ўша оқшом уни Самарқандда

ўлдиришим керак эди. Ўлдиришим шарт эди. Ва бирор одам Мухиддин қўрбошининг ўлими учун мени айбламаган бўларди!

“АЛВИДО, ХОТИРА!”

(Ўтмисидан бир саҳифа)

Тун. Мэлс девор устидан Нуриддиннинг ҳовлисига назар соляпти. Эгарланган уч от қисирлатиб дон ейди. Уйнинг ярим очилган эшиги ва деразадан хира нур таралади. Вакти-вакти билан бир эркакнинг дағал сўзлари эшитилади. Лекин нима деганларини тушуниб бўлмайди. Охири Мэлс девордан ошишга аҳд қилди.

– Эх, иблислар! Шиша сепилган экан!

У чопонини ечиб, деворнинг устига ёйди ва жимгина ўтиб, ҳовлига кириб олди.

Қаттиқ оёқ зарбидан эшик очилиб кетди.

Мэлс бостирумалар орасидаги ёрикка яширинди.

Уйдан хуржунлар кўтарган Мухиддин чиқиб, отлар боғланган курилмага келди, хуржунларни отлардан бирининг яринига юклади. Қолган икки отга зарур юклар аллақачон ортилган эди.

– Ҳей, аёллар! Чикинглар! Вакт бўлди!

Уйдан Хотира чикиб келди.

– Онанг қани?

– Бувим билан гаплашяпти.

– Гапи адо бўлмайди! – дарғазаб бақирди Мухиддин. – Топган вактини қарагин!

У уйга қараб йўртди.

– Хотира, қўркиб кетма, – чорлайди қизни Мэлс.

– Бахтиёр?! – қувонч билан хитоб қилиб овоз томон ўгирилди Хотира. – Сиз қаердасиз?

— Бу — мен, Мэлсман, — у яширинган жойидан чиқди. — У сизларни қаерга олиб кетмоқда?

— Билмайман. Афғонистонга бўлса керак. У ўша жойлардан келди. Баҳтиёр қани?

— Хотира вакт йўқ. Мен сени севаман...

— Йўқ, йўқ, — қўрқув билан унинг сўзини бўлди Хотира. — Кераги йўқ, Мэлс. Улар келишяпти. Тезроқ бекининг.

— Сен ким билан гаплашяпсан? — хавотир билан чор атрофга тикилди уйдан чиқкан амакиси. — Ким бор бу ерда?

Мэлс боши узра оғир ғўлани кўтарганча ёрикка бекиниб турди.

— Ҳеч ким йўқ, — хиёл тутилиб жавоб берди Хотира. — От билан гаплашдим, амаки. Ахир мен унинг устида кетаман-ку!

— Анов байтал сеники! — пишқирди Муҳиддин. — Бу менинг айғири. Тез ўтиринглар. Тонг оқаришидан олдин узокроққа кетиб улгуришимиз лозим.

Аёлларнинг эгарларга чиқиб олишига кўмаклашгач, қўрбоши худди Мэлснинг ёнидан, унга елкасини ўгириб ўтди. Боши узра кўтарилган ғўла билан бир туширса тамом-вассалом эди.

Амакиси дарвозани очиб, отларни олиб чиқди ва қайтадан дарвозани жипс ёпди.

Туёклари ерга урилганча отлар узоклашиб борарди. Ғўла Мэлснинг оёғи остига гурсиллаб тушди.

— Алвидо, Хотира.

Уйнинг эшиги ёнида қора соя бўлиб қўлларини кўкраги устига қўйган кампир қотиб қолган эди.

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ

(давоми)

Хотира тўшакда тик ўтирибди. Бахтиёр бошини унинг тиззаларига кўйганча ором оляпти.

Хотира сўзлайди:

— Мен кейинги пайтда кўзгунинг олдига боришдан кўркадиган бўлиб қоляпман. Сабаби вақт ўтган сари онамга ўхшаб боряпман. Хафа бўлманг, менинг севимли жанобим. Мен ёмон фикрлардан йироқ бўлишга ҳаракат киляпман. Аммо баъзан мени ҳам ана шундай даҳшатли кисмат кутмаяптими, деган ўйга бориб қоламан.

Хотира сўзлар экан, кўз ўнгидаги ўтмишнинг узук-юлук кўринишлари яққол кўзга ташланса бошлади.

— Амаким уйдан барча тақинчоқларимизни олиб чиқиши буюрган эди. Эронга етиб борганимизда онамда атиги бир узугу икки жуфт олтин сирға борлигини билгач, ғазаб отига минди, ойимни калтаклади, мени ҳам урди... Кейин у бизни Машҳадга олиб борди. Ва ногоҳ биз тўхтаган ўша кўрқинчли чойхонада сизни кўриб қолдим. Мен қувончдан кичкириб юборай дедим. Ёшгина, содда киз эдим-да. Сизни у ерга мен туфайли, яъни мени кутқариш учун келган, деб ўйлабман... Аммо сиз мени танидингизу бошқа томонга ўгирилдингиз. Ва шундагина мен сизни таниш мумкин эмаслигини англадим... Барibir мен сизга ишонардим, кутардим. Ахир сиз ёнимизда эдингиз ва гоҳ-гоҳ сизни кўриб қолардим. Онам эса аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб, амаким бизларни ишратхонага сотиб юборганини айтди. Ўзи ва мени ўлдиришга ҷоғланаётгани учун кечирим сўради. Мен ишонмадим. Сиз ҳамиша ёнма-ён юрардингиз. Сизнинг бирор чора ўйлаб топишингизга ишончим комил эди...

ГУЛХАНГА АЙЛАНГАН ФАРИШТА

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Бахтиёр казо-казо мөхмонарларга аталган муҳташам мөхмонархонада фавқулодда ғайрат-шижоат билан хизмат киларди. Ана шу ғайрат-шижоатнинг замирига у уларнинг барча сухбатларини эшлиши учун кадамини секинлатадиган лаҳзаларини яширади.

— Мен жон-жон деб бу сулув она билан навниҳол оҳу, ҳали очилмаган ғунчани ўзимга колдирган бўлардиму, муҳтарам жаноб Ҳикматбек, — дона-дона қилиб сўзларди Ашир чойхоначи. — Бироқ, баҳоси! — кафтларини кафтларига ишқалаб, баҳсанг кийинган мөхмонга тикилди. — Бундок сарфу харажатлар камтарингина корхонамнинг белини синдириб юборади. Асосийси эса жаннатнинг бу хурлари васлидан баҳраманд бўладиган бадавлат мөхмонарни каердан топаман?!

Ашир чойхоначи кўзларини юмалатиб, юзи билан осмонга қарайди, гүё Яратган Эгамдан мадад сўраган бўлади.

Муҳиддин кўрбоши розилик бергандек бошини силкиб, кўзларидаги очофатлик ва сабрсизлигини ошкор килади.

— Хўш, сиз ўз молингизга қанча сўраяпсиз, илтифотли зот? — мурожаат қилди унга Ҳикматбек.

— Юз олтин танга! — хитоб қилди кўрбоши.

Бу баҳони эшишиб ҳатто кўпни кўрган Ашир чойхоначининг кўзлари ҳайратдан олайиб кетди. Айтилган нархни эшитган Ҳикматбекнинг бир туки ҳам титрамади.

— Бу ўткинчи дунёда бебаҳо, самовий мўъзижалар ҳам рўй бериши мумкин. — Ҳикматбек ўйга толиб кулимсиради. — Нима ҳам дердик! Молингизни кўришни истайман!

У ўрнидан туриб, дастурхонга Бахтиёрға аталған олтін тангани ташлади. Мухиддиннинг оч күзлари танганинг йұналишида йўргалади, кейин Бахтиёрға ғазаб билан тикилди.

— Сенинг турқинг менга умуман ёқмаяпти, — күз қири билан шубҳали нигоҳ ташлади қўрбоши. — Сени каердадир кўрганман!

Бахтиёр чойчакадан беҳад шод бўлганини қўрсатиш асносида ўзини Мухиддиннинг сўзларини тингламаганга солди.

Ашир чойхоначи фитнага хос қўл силкиш билан меҳмонларга ортимдан юринглар, деб ишора килди...

Бахтиёр хиёл орқада қолиб уларнинг кетидан кузатди, чойхона-ишратхонанинг бир неча кунжаклари-пучмокларидан ўтгач, у ёғида яширинишнинг иложи йўклигидан тўхташга мажбур бўлди.

Учовлон дастлабки қараганда тап-такирдек таас-сурот колдирадиган девор олдида тўхтадилар. Ашир чойхоначи аввал пардани сурди, кейин девордаги кичик токчани очиб, тирқиши кўрсатди.

— Марҳамат қилиб, томоша қилинг, жаноб Ҳикматбек, — дея яширин тирқиши олдидаги ўринни бўшатди у мақтовга берилиб бошини чайқар экан.

Ҳикматбек тирқишига узоқ тикилиб колди...

Деразалари йўқ каталакдек факирона қулбада керосин лампанинг хира ёруғида Замирахон навниҳол Хотиранинг соchlарини ўряпти. Улар ярим пардадаги овозда юракни пора-пора киладиган маҳзун қўшиқни куйлар, иккови ҳам кўз ёш уммонига ғарк бўлишган эди. Уларнинг эски, окариб кетган, ночор кийим-боши сутга ча-йилгандек юзларини янада сулув кўрсатар, хипча беллари, харакатларидаги назокатни илғамаслик мумкин эмас эди.

— Ойи! Мен амакимни ўлдираман! – деди ногоҳ Хотира.

Онаси ундан тисарилди, дикқат билан кизининг юзига бокди ва кейин уни каттиқ бағрига босди.

— Қизалогим, ягонам менинг! Ҳатто бу ишинг ҳеч нарсани ўзgartира олмайди. Бизга энди ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Ва ҳеч ким. Биз бегона юртда ёлғиз қолдик. Ёнимизда отанг йўқ, ва биз ҳимоясиз қолдик. Аллоҳим! Фақат ўзингсан, бизнинг ёлғиз паноҳимиз...

Ҳикматбекнинг ўзи тирқишини ёпиб, пардани ўрнига суреб кўйди. У бирдан ўйчан ва хафа киёфага кирди. Мухиддин ва Ашир хавотир билан бир-бирига караб кўйишиди. Уларга зарра эътибор қиласдан Ҳикматбек орқага, меҳмонхонага кайтди. Ҳамтовоклар тавозе билан унга эргашдилар.

Жимгина аввалги ўринларига бориб ўтирдилар, Ҳикматбекдан сўз кутиб, оғзига тикилдилар. Бахтиёр дастурхондаги ортиқча нарсаларни олди, чойнакнинг чойини янгилаб, пиёлаларни ювиб келди, ҳолвали таксимча, мевали ваза кўйди. У ҳамма ишни шу ерда кўпроқ қолиб кетиш учун охистароқ бажаарди.

— Бу аёлни мен ўз уйимга олиб кетаман, – деди нихоят Ҳикматбек.

— Қизни-чи?

— Кайси мусулмон она билан гўдагини ажратиши мумкин? – Ҳикматбек Мухиддинга қаҳр билан қаради. – Унинг ёши нечада?

— Хотиранингми?.. Ўн беш. Балки, ўн олтидир.

— Унинг такдири ҳакида ўзим кайғураман. Вақт етиб, Аллоҳ изн берса, акл-идрокли одамга турмушга бераман!

Ҳикматбек кўйнидан ҳамён олиб, очофат Мухиддиннинг қалтираётган кўллари тарафга ирғитди.

— Бу ерда келишилганидан ҳам ортиқроқ.

– Хотамтойлигингизнинг ажрини Аллохнинг ўзи тақдирласин! – хитоб қилди Мухиддин.

– Эсингдан чикарма, – деб кафти билан ҳамённи ёпди Ашир чойхоначи. – Бу ерда менинг ҳам улушим бор!

– Ҳаммаси уники, – афтини буриштириди Ҳикматбек. – Мен аёл билан қизини сотиб олдим. Аммо уларга кўшиб қариндошларини харид килмайман.

– Бу қандай бўлди? – сапчиб тушди Мухиддин. – Мен эрининг укасиман. Яъни қизининг амакиси бўламан!

– Мен бундан кейин уларга умуман қариндош эмаслигингиз учун ҳақ тўладим. Мени тушундингизми, йўқми?

– Тушундим, жаноб Ҳикматбек, – бош силкиди Мухиддин ҳамённи қўйнига тиқар экан.

Ундан юз ўгириб, Ҳикматбек иккинчи ҳамённи Аширга ирғитди:

– Сизда тузукрок хужра борми? Тайёрланг. Уларга ҳаммом ҳозирланг. Топиш мумкин бўлган энг бежирим кийимларни харид килинг. Шириналклар, мева, шарбат беринг. Машҳаддан Кобулгача бўлган йўлда аёлларга нима зарур бўладиган бўлса барчасини сотиб олинг. Кечқурун келаман. – У Аширга учинчи ҳамённи ирғитди. – Бу меҳнатингиз учун!

У турди ва уч бора букилиб турган Ашир ва Мухиддиннинг олдидан мағрур ўтиб, манзилига томон юриб кетди.

– Қандай одам-а! – таҳсин ўқиди тилини тақиллатиб Ашир. – Бойлик одамни бузади, айнитади, деганлари бекор экан.

– Мени аёлларнинг хузурига олиб бор. Улар билан хайрлашмоқчиман, – елкасига кўлини қўйди Мухиддин.

– Йўқ, азизим, – унинг кўлини силтаб ташлади Ашир. – Иш пишди. Мол энди умуман сизга тегишли эмас.

Ранглари оқарған, ички олами хувиллаб қолган Бахтиёр үймакор устунга сүянган холда күз үнгіда юз берған чүри пуллаш саңнасидан дахшатга тушиб турарди...

Полми, деворми, барча жойда чүфек гиламлар күзни қамаштиради. Пастаккина столда узум, шафтоли, нок қаҳрабодек яркрайди. Турли рангдаги шарқ холваси жилваланади. Бүй таратған чойгулларнинг баргидаги шабнамлар ҳам жозибали күринади.

Бу шоҳона ҳашаматнинг ичидә иккى хизматкор аёл Замирахонни кийинтирмокдалар. Аслида келинчакни никох оқшомига шу тарзда шайлайдилар. Ранглари оқариб кетған, хаёли паришон Замирахон үзи сезмаган холда үша аёлларнинг буйруқларига итоат килиб құлларини күттарар, туширап, айланар эди. Ҳамон эски күйлакда қолған Хотира эса бурчакка тикилиб, дахшат ва құркувдан каттайиб кетған күзлари билан онасига тикиларди. Замирахон бир нарсага кулок согандек, бир нарсаны эслагандек бирдан тұхтаб қолди-да, қизини эндигина күргандек, қизи эндигина эсига келгандек унга ғалати нигоҳ билан тикилди.

— Хотира, қизим, — деди Замирахон. — Сен энди етимсан.

Хотира унсиз фарёд чекиб, оғзини құли билан ёпди.

— Мен туш күрдим, — сүзини давом эттириди Замирахон. — Гүё отанг Нуриддин келиби-да: “Бир дақикаға келдим, Замира. Вакт умуман қолмади. Мен Хотира учун ташвиш тортма, деб айтгани келдим. Унда ҳаммаси яхши бұлади. У баҳтли бұлади. Мана, ҳаммаси тугади. Қизинг хакида қайғурма. Биз сен билан тез орада учрашамиз, Замира. Тез орада”.

— Ойи, қүйинг, керак эмас, — шивирлаганича ялинди Хотира.

— Ва кетди, — кайларгадир узокларга тикилди Замирахон. — Узок-узокларга кетди. Ва шунда унга үк уза

бошлашди. Ўқ текканида бир титради-да, яна олға юра-верди. Кейин менга ўгирилиб, кулиб дейди: “Биз у ёқда учрашамиз, Замира. Фақат кутгин. Мен келаман”.

Сукунат. Хизматкор аёллар ҳам жим. Ва шу чоғ чирок ўчиб қолди. Хона қоронғилашди. Хизматкор аёллардан бири чирокни кўтариб, қулоғига тутди, чайқаб кўрди.

– Керосин тугади. Ҳозир олиб келаман.

У чиқиб кетди-да, бир зумдан кейин бўйи тор сопол кўзани кўтариб келди. Чирокқа мой қуйди, пиликни ёқди, шишасини кийдирди. Яна хона ёришди.

Замиранинг каттайиб кетган корачиқлари чирокқа, кейин кўзага, кейин яна чирокқа қадалди. Ва яна кўзага.

– Хотирани бошқа хужрада кийинтиинглар...

Аширнинг чойхонасига ажойиб арабий отда, икки муридининг ҳамроҳлигига Ҳикматбек қўрбоши келди. Кетидан тўрт ҳаммол шойи билан ўралган икки ўринлик тахтиравонни олиб келишди. Ҳикматбек отнинг тизгинини муридига берди-да, ёшлардек отдан сакраб тушди.

Замирахон кўзани кўксига босган, чирокқа ва оловнинг тилига киприк қоқмай тикиларди.

– Ойижон! – бақирди кўшни хонада Хотира. – Мен бу кўйлакни кийишни хоҳламайман! Киймайман!

Замирахон кўзани боши узра баланд кўтариб, секин ағдарди. Кўзанинг тор бўйнидан керосин тизиллаб куюлди...

Чойхонага уни кутиб олган Ашир билан бирга кириб келаётган Ҳикматбек ҳайратга тушганича тўхтаб қолди.

Ярим гумбаз тарзидағи ланг очиқ эшикдан Замирахон чиқиб, қотиб қолди. Қўлида кўтариб олган чироқ унинг очиқ юзини ёритиб турарди. Замирахон Ҳикматбек ва Ашир чойхоначига дикқат билан тикилди. Уларнинг орқасидан келаётган Мухиддинга кўзи тушди.

Унинг юзи ва вужуди титради, кўрбошига қаҳрли нигоҳини тикиб қаттиқ бакирди:

– Лаънат бўлсин сенга. Лаънат бўлсин сенга, Мухиддин!

У чирокнинг оловини пастга қаратиб тўнкарди.

– Аллоҳим! Яратган Эгам! Мана шу ифлос одамга неки даҳшатли жазонг бор бўлса, барчасини тўфондек юбор!

Аввал унинг оёғи остидаги ер ёнди, кейин олов кўйлагининг этагига ўтди ва тезда юкорига ўрлай бошлади.

– Лаънат бўлсин сенга, Мухиддин!

У чироқни ташлаб, гулхан бўлиб ёнаётган вужуди, кўрбошига қараб қўллари кўтарилиган ва муштлари туғилган кўйи юра бошлади.

– А-aaa!!! – даҳшатдан бақириб юборди оркага тисарилган Мухиддин.

– Ойижон!!! – олов ичида қолган чойхонадан отилиб чиқди Хотира ва ўзини ушлаб қолган кўплаб қўллар чангалида жонҳолатда гавдасини дам у ёққа, дам бу ёққа ура бошлади.

Бахтиёр, Ҳикматбек, Ашир йиқилган Замирани камраган оловни ўчириш учун тўнларга ўрай бошлилар.

Чойхона тасир-тусир, қасир-кусир қилиб ловиллаб ёнарди. Гулхан то осмонга кўтарилигандек эди. Дераза ва эшиклардан ишратхона мезбонлари ва меҳмонлари отилиб чиқишарди.

– Эй, Худо! – Ҳикматбек қўлини осмонга чўзганича тиз чўккан эди. – Бу менинг гуноҳим! Бу менинг айбим!

Унинг ёввойи нигоҳи бирдан хушсиз ётган Хотирага қадалди. Бахтиёр унинг юзига эгилган, аёллар эса уни хушига келтириш учун юзларига сув сепишарди.

– Азиз одамлар! Мен бу икки бахтсиз, уйсиз бечоранинг аҳволи қандай кечиши мумкинлигини билмадим-у, уларга яхшилик килмоқчи, жонларига оро кирмоқчи

эдим. Аммо бирор нарсада гунохкор бўлсан, мени Аллоҳнинг ўзи жазоласин, – кичкирди Ҳикматбек. – Мен бу бегуноҳ норасидани ўзимга фарзанд килиб оламан, ота-онасининг ўрнини босаман. Сизларга ваъда қилган ҳолда Аллоҳнинг олдида касам ичаман!

Чақмоклар фавворасини кўтарган ҳолда чойхона-нинг сўнгги бақувват болорлари қулади...

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. ХОТИРА

(давоми)

Бахтиёрнинг юзларига қўз ёшлар томар эди. У ҳам, Хотиранинг ўзи ҳам буни сезмас эдилар. Ногоҳ қўз ёшлари аро аёлнинг юзи ёришди ва Хотира қулиб юборди:

– Тутинган отам келиб, “Хотира, қизалғим, Бахтиёр Асадов сенга уйланмоқчи экан, розимисан?” деб сўраганида кутилмаган бахтдан бошим осмонга етиб, урф-одатимизга кўра озроқ сукут саклаш ўрнига дарҳол “Розиман!” деб юборибман. “Розиман! Албатта, розиман!”

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. МЭЛС

(давоми)

Қадам товушларини эшилтирмасдан ялангоёқ юрган Мэлс меҳмонхонани титкиламоқда. Чап қўлида ингичка нур таратган фонарчани ушлаб, ўнг қўли билан ёзув столидаги хужжатларни вараклаяпти.

– Сен бу борада ҳам сидқидилдан рост галира олмабсан, Бахтиёр, – тўнғиллади Мэлс. – Сен шеърни бутунлай унутмабсан. Ҳали ҳам шеър ёзаётган экансан.

Элас-элас аёл кулгуси эшитилди. Мэлс титроққа тушиб, турган жойида тошдек қотди. Фонарчани ўчирди.

Секин юриб, эҳтиёткорлик билан қўшни хона эшигининг кошига борди. Энгашиб эшикка динг бўлган қулоғини тутди.

Хотиранинг овози:

– Бизлар қачондир ўз ватанимизга қайтиб кетишимиз мумкинлигига ишонасизми?

Бахтиёр:

– Мен бунга тезроқ эришишимиз мумкин бўлган барча ишни қилмоқдаман.

– Денгиз-денгиз қон тўкилади-ку?

– Бу гапни қўйинг, қизалоғим менинг. Аллоҳ ишилизни ўнгласа қон тўқмасдан ҳам бунга эришса бўлади, – деб жавоб берди Бахтиёр.

Ўртага сукунат чўқди.

Мэлс столга қайтди. Ингичка нур яна зулматни кесди, деразага шуъла бўлиб урилди ва бошқатдан деразага қайтди. Тажрибали ўғри худди шу тарзда ташқаридан ўзи қўзлаган кулбани ўрганиб чиқади. Мэлс эса уй ичидан ўрганиб чиқмоқда эди.

Ногоҳ хона хиёл ёришгандек бўлди. Мэлс чўчиб ўгирилди-да, қўлида керосин чироқ тутган Хотираға қўзи тушди.

Хотира ётоқнинг эшигини ёпиб сўради:

– Сиз бирор нарсангизни йўқотдингизми?

– Йўқ, мен сизларнинг уйқунгизга халал бермасдан жимгина кетмокқа чоғланган эдим. Ишим бошимдан ошиб ётибди. Аммо ҳали жуда эрта экан. Кечирасан, Хотира.

У тунаш учун унга ажратилган бўлмага кириб кетди.

ХАЁЛОТ ОҚШОМИ. ХОТИРА

(давоми)

Хотира дахлизга ўтиб, бир кадам кўйди, иккинчиси-ни кўяётганида чинкириб юборганича тўхтади.

У олов ичидаги колган, лаънатлаш учун қўлларини юкори кўтарган онасини кўрди.

Караса қўлларида чироқ кўтариб турган ўзининг кўзгудаги акси экан.

Хотинининг чинкириғини эшишиб хавотирга тушган Бахтиёр кирди. Силласи қуриган Хотира полда ўтиради. Чироқ ёнида туради.

– Нима бўлди, жонгинам?

– Салгина толикибман, – айбдор қиёфада қулимсиз ради Хотира.

Бахтиёр уни қўлларига олиб, ётакхонага кўтариб кирди.

– Мен сиздан ўтиниб сўрайман, – эрининг қулоғига шивирлади Хотира. – Шундай қилингки, бу одам иккинчи бора бизнинг уйимизга қадамини босмасин.

– Нега Хотира? Қандай воеа юз берди?

– Билмайман. Ҳеч нарса. Менга вაъда беринг...

НЕМИСЛАРНИНГ РЕЗИДЕНТУРАСИДА

Эрта тонгда шаҳарнинг яна битта оломон кам бўладиган марказий кўчаси бўйлаб чакана савдо саватини кўтарган ҳолва сотувчи борарди.

– Ҳолвани арzonгина баҳода бераман, танлаб олаверинг, хоҳлаганигизни сотиб олинг!

У деворига уч тил – форс, немис ва инглиз тилларида “Доктор Расмус. Тишларингизни даволаймиз, олиб ташлаймиз, янгисини кўямиз!” деган ёзувлар осиғлик

бинонинг эшигига мис болғача билан ураётган Мэлсга кўз кирини ташлади, холос. Эшик очилиб, Мэлс ичка-рига кирди.

– Кимки еса занжабилнинг ҳолvasин, у тотадур ши-рин ҳаёт мевасин!

Ҳолва сотувчи кўча муюлишига бурилди. Унинг рўпа-расидан Хайрулла юриб келяпти. Бир-бирига яқинлашган-ларида сотувчи бир неча сўзни шивирлаб айтди ва доимий “кочирим” сўзларини жар солиб ўз йўлидан кетаверди...

Резидентнинг “рахнамога эга” ўринбосари Вальтер Шенк, матбуот атташеси фон Нетцер Мэлсга қулок со-лишяпти.

– Мен мутлақ ишонаманки, гер Шенк, бу асло та-содифлар занжири эмас, аксинча, душманнинг узоқни кўзлаган мақсадларга эга контролерациясидир. – Мэлс Нетцер билан биргаликда яхшигина конъяқдан ҳўп-лаб-ҳўплаб равон гапира бошлади. – Биз бутун Эрон худудини силлиққина, ҳеч қандай саргузаштларсиз ке-сиб ўтдик. Бизларнинг хужжатларимиз кўп марта эрон назоратчилари томонидан, шуро патруллари томони-дан ҳам текширилди. Улар бу хужжатлардан шубҳа ё гумоннинг соясини ҳам топишолмадилар.

– Бизларнинг ясама хужжат ясайдиган мутахассис-ларга teng келадигани йўқ.

– Хужжатлар асл манбалардан иборат эди. Менинг шунга ишончим комилки, бизга қарши ўта тажрибали душман иш олиб бормоқда ва унинг резидентураси шу ерда, Кобулда.

– Шундай деган ўйга бора қолайлик, – сухбатга кў-шилди Шенк. – Кимлардан гумонингиз бор? Инглиз-ларми, америкаликларми, шўроларми?

– Ҳаммасидан. Уларнинг ҳар бири бўлиши мумкин.

Мэлс ўйга толган ҳолда деворга осилган суратга (унда кўлларини юнг босган хотинбоз сулувгина чўпон

кизнинг кулогига неларнидир шивирлаётгани тасвирланган) тикилади.

Бошқа хона деворидаги ўшал сурат (бу томонидан у бутунлай шаффоф экран)дан ҳаммасини доктор Расмус, резидент кўриб, тинглаб ўтириби.

– Мухими бошқа нарсани, – давом этди сўзида Мэлс, – яъни карvon ҳақидаги сир қаердан ошкор бўлганини аниқлаш керак. Агар бу ердаги эмиграция юкори та-бақаларидан бўлса-чи?

– Бу эхтимолдан узок, – қўрслик билан афтини буж-майтирди Шенк. – Биз уларга атайин хато ахборот берганмиз. Уларнинг наздида карvon бошқа йўналишдан, бошқача никобда, бошқа, яъни кечрок муддатда ўтиши керак эди. Асл ҳақиқатни сиз билан биз билардик, холос.

– Мана, кўрдингизми, герр Шенк. Бу ҳам, кечирасиз, айрим мулоҳазаларга боришга ундейди.

– Сиз зиммангизга шуни тахмин килиш журъатини олмоқчимисиз?

– Ҳа, герр Шенк.

– Мухтарам, жаноб Маъруфий. Дейлик, сизнинг шубҳаларингизда асос бор. Бироқ, очиғини айтишим керакки, бу менга ёқмаяпти. Қолаверса, сиз топширикни бажардингиз, курол ва пул ўз манзилига етказилди.

– Ким менинг одамларимнинг қириб юборилгани учун жавоб беради? Бу ҳам тасодифми?

– Ким билади, – қовоғини солди Шенк. – Бу сизнинг одамларингиз... Асл мусулмонларни улар коммунистлар билан алмаштирилар, коммунистлардан бизлар томонга ўтишди, энди яна мусулмонлар тарафга қайтишди. Кейин нима бўлади? Ҳалқа бир жойга бориб...

– Герр Шенк! Мен йўл кўймайман! – ўрнидан сапчиб турди Мэлс.

– Йўл қўяси, Маъруфий. Йўл қўйишга мажбурсиз.
Ўзингизни босиб олинг ва ўрнингизга ўтиринг.

Фон Нетцер унинг кадаҳига конъяк кўди, Мэлс конъякни бир сипкорди-да, ўрнига чўкди.

– Аник, дангал таклифингиз борми? – сўради Шенк.

– Аввало мен карвон ҳақида ахборот олган ва ундан фойдаланган одамларга оид барча маълумотлар билан муфассал танишиб чиқиши истардим. Толиб эшон, Бахтиёр Асадов, Асадовнинг хизматкори Хайрулла. Дарвоке, унинг ўзи ким? Қаердан келди у?

– Текширилган, – кулимсиради Нетцер. – Куролли кароқчилик қилгани учун судланган. Унга қўли ё боши кесилиши учун ҳукм чикиши керак эди. Асадов унга гиров пули тўлаган. Ва содик кулнинг эгаси бўлди.

– Мен Асадовни болалигидан буён яхши биламан.

– Бу бизга маълум, – деди Шенк.

– Мен унинг одатлари, қиликлари, феъл-атворини беш қўлимдек биламан. Агар у икки ёқлама ўйин олиб борадиган бўлса, мен ожиз жойларини топа оламан.

– Асадов бу ерлик муҳожирлар орасида иккинчи мартабага эга шахс, – бошини чайқади Шенк. – У муфти Толибжон эшоннинг ўнг қўли.

– Менга колса калласи деган бўлардим, – сабрсизлик билан ибора қўшди фон Нетцер.

– Муҳожирликнинг барча боғловчи илларини ўз кўлида ушлаб турибди, – осойишта оҳангда сўзини давом эттириди Шенк. – Бизлар унинг ҳозирги мақомга эришишига озмунча улуш қўшмадик. Асадов бизлар учун фойдали зот.

– Герр Шенк, у ғояга содик ҳолда факат сизга ишлатганига ишончингиз комилми?

– Эҳ, жаноб Маъруфий. Ғоянгизни большевикларга тортиқ килинг. Разведка билан сиёsat эгизак опа-син-

Сүнгиги ва биринчи субҳидам
гилларга ўхшайди. Агар хохласангиз, ягона ва бир жисмдир.

Мэлс бу гаплар айтилганида фон Нетцернинг нақадар хавотирга тушганини англади.

Шенк эса фикрларини давом эттириди:

— Статус-кво, яъни мавжуд вазиятга бошқача нуктаи назардан қарайлик. Албатта Бахтиёр Асадов бизлардан ташқари японлар, итальянлар, инглизлар, турклар ва балки бошқалар билан ҳам ҳамкорлик килар. Туркистон лашкарининг хусусий маблағлари йўқ. Зохиршоҳ аллақачон ўз ёрдамини рад этган. Амир Олимхон Бухоро таҳтини энди тушида ҳам кўролмайди. Шундай экан, у тушган ҳолат ва вазиятда Асадов фавкулодда ақл билан иш юритади. Бу эса унинг бетакрор истеъдодидан дарак беради. Кейин эса... Мен “ғояга берилган” разведкачиларга унчалик ишонавермайман...

Фон Нетцер яна хавотирга тушиб, девордаги суратга маъноли караб кўйди.

— Мен пул учун ишлайдиганларни афзал кўраман. Фақат уларнинг ичидан ҳақиқий касб эгалари етишиб чиқади.

МЭЛС КУЗАТУВ ОСТИДА

Хайрулла Бахтиёрга кузатув натижаларини сўзлаб бермоқда:

— Мэлс ҳали ҳам ҳар қуни эрталаб Германия миссиясига бориб, бир неча соат ўтириди. Немисларнинг олдига факат замонавий костюм кийиб боряпти...

Квартирасига қайтиб, ярим соатдан кейин у ердан туркча кўйлакда чиқди. Ашир чойхоначининг ҳузурига борди. Беш дақиқадан кейин у ерга Британия миссиясида хизмат киладиган покистонлик етиб олди. Ярим соат

у ерда бўлгач, бир ўзи чикиб кетди. Мэлс эса у ерда уч соат қолиб кетди...

Сўнгра у квартирасига кайтиб келиб, яна замонавий тарзда кийиниб, “Европа”га отланди. Ўша рестораннынг алоҳида хонасида жаноб Анвар Юсуфшоҳ билан яккама-якка сухбатлашди...

БУХОРО АМИРИНИНГ ҲУЗУРИДА

Йўл равон бўлиб, Хайрулла машинани юқори тезликда бошқаради. Улар Бухоронинг собиқ хукмдори Амир Олимхоннинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳига йўл олган эдилар. Олдинги ўриндиқда Толиб эшон пинакка кетган ёинки ўзини ухлаганга солиб ўтиради. Анвар Юсуфшоҳ Мэлс ва Бахтиёрга уқтиради:

– Бугунги амир бир пайтлари Петербург ва Европанинг олий мақомли саройларида бекёс обрўга эга бўлган ўша аввалги Олимхон эмас.

– Аёллар! Улардан қанчаси унинг билан... Ва қанақалари? Мен, албатта, ҳарамдагиларни назарда тутаётганим йўқ...

– Ҳа, у ҳозир аввалги Олимхон эмас. Иброҳимбекнинг муваффакиятсиз чиқсан юриши ва ҳалокатидан кейин у дарҳол чўкиб колди. Қартайиб, тоби қочгач, Бухоро тахти ҳақидаги фикрларидан бутунлай воз кечди, шекилли.

– Барibir ташрифимиздан юқорироқ самара олиш харакатида бўлишимиз шарт.

– Уриниб қўрамиз. Ҳозир у Зохиршоҳга деярли таъсир ўтказолмайди. Мабодо ана шу таъсир ҳозиргача сакланиб қолган бўлса, албатта. Амир саройдан хеч ерга чиқмайди ва хеч кимни қабул кильмайди. Мен уни бизларни қабул қилишга қўндиришим ҳам осон кечма-

ди. Факат Толиб эшон ҳазратлари шарофати ва унинг муфти эканлиги боис қабул қиляптилар. Дарвоқе, шуни хисобга олиб қўйингларки, қабул кисқагина давом этади...

Амир Олимхон уларни муҳташам қишки боғида но-расмий равишда қабул қилди. Ширали мусика овози охиста янграб турибди. Уларга амирнинг севимли қушлари бўлган беданалар жўр бўлар, тўрқовоқлар бутун боғнинг барча жойларига осиб қўйилган эди. Фавворанинг атрофида сулув ракқосалар хиром айларди. Аммо бу беҳишт қўринишлари амирнинг туйғуларини қитиқлаётганига, қулокларига ёқаётгани-ю, қўзларини қувонтираётганига ишониш қийин эди. Биринчи қарашданоқ юзлари буришиб қолган бу одамнинг рухияти накадар чилпарчин бўлган хаста, локайд кимсага айланниб қолганини қўриш мумкин эди. Аммо айни чоғда ҳам у ўша важоҳати ва киборлигини йўқотмаган эди.

Толиб эшон амирнинг ёнида ўтириш марҳаматига мушарраф бўлди. Бахтиёр, Юсуфшоҳ ва Мэлс эса собиқ ҳукмдорнинг оёклари учидаги ёстиқлар томонга, дид билан безатилган, сархил мевалар, ширинликлар қўйилган, кумуш, олтин ва биллур идишларга турли ичимликлар қўйилган дастурхон атрофига жойлашдилар.

Толиб эшон майин, охиста товуш, ширали мусиқага қўшилгандек кироат билан сўз бошлади:

– Ҳазрати Олийлари, сизнинг содик фуқароларингиз большовойлар босиб олган ерларни кайтариш, Бу-хородаги тахти олийингизни кайта тиклаш борасида-ги шаҳдларини йўқотган эмаслар. Кофирларга қарши муқаддас уруш, яъни жиҳод очишнинг айни фурсати етди. Шўролар Олмония билан урушда ҳолдан тойдилар. Исломнинг яшил байроғини кўтариб, унинг остига барча асл мусулмонларни чорлаб, сизнинг оқ фотихангиз билан жангга отланиш учун кулай вақт келди.

Учовлон сабрсизлик билан амирнинг жавобини кутарди. Олимхон хиром этаётган паривашларга паришонхотирлик билан тикилиб жим ўтиради. У қўлини силтади. Дарҳол мусиқа тинди.

– Мен биродарим, Муҳаммад Зоҳиршоҳ ҳазрати олийларидан берган паноҳ ва химояси учун чексиз миннатдордурмен. Сизларга маълумки, биродаримга мен билан қувғиндаги насибамни бирга баҳам кўрадиганларнинг ҳаммаси фақат тинч меҳнат билан банд бўладилар, уруш ҳакида ўйлаб ҳам кўрмайдилар, деб ваъда берганмен. Мен биродаримга берган сўзимнинг устидан чикурмен. Айни кунда унинг мамлакати факулодда мураккаб вазиятда турибди: шимолда – шўролар, гарбда шўролар томонидан босиб олинган Эрон, шарқда инглизлар измидағи Ҳиндистон ва Покистон турибди. Нотўғри қўйилган биттагина қадам, бузилган биттагина битим боис Афғонистон шу заҳоти босиб олинади, давлатчилигидан айрилади. Биз йигирманчи йилда Бухорода қандай ахволга тушган бўлсак, менинг биродарим Зоҳиршоҳ худди шундок ахволдадур.

Амир жимиб, яна ракқосаларга кўз ташлади. Мехмонлар сухбат тугади деган хаёлга берилиб, руҳлари тушган холда бир-бирига тикилдилар.

– Мен ўз фуқароларимнинг ёмон раҳнамосига айландим, – тўсатдан яна сўзлади амир. – Мен уларга ҳеч нарса беролмайман ва уларни умуман химоя ҳам килолмайман. Шунинг учун уларнинг айнан ўзлари ўзлари ҳакида кайгуришлари лозим. Мен ўз биродаримдан фуқароларимга мурувват ва марҳамат кўрсатишини ўтинаман. Бошкаси факат кодир Аллоҳнинг иродаси билан юз бергай!

Толиб эшон ҳамроҳларига кўз тикар экан, нигоҳидаги тантанавор кувончни яшира олмас эди. Амир ниқобланган сўзлар билан мукаддас юришга даъват этди, қабул охирига етди...

БИР ДАСТА АТИРГУЛ

Жажжи Холиданинг шўхлиги тутган, хандон отиб кулганча гоҳ хонанинг у ёнига, гоҳ иккинчи томонига чопар, отасидан бекиниб онасининг этагига яширинар, ёки онасидан қочиб отасининг тўнига киради.

Недандир норози эканлиги худди тошдан ясалган-дек совук ифодага эга юзларидан аён кўриниб турган Хайрулла кириб келди.

— Мэлс.

Хотиранинг чехрасидаги табассумдан асар ҳам колмади, у ўзини йўқотган кўйи Бахтиёрга тикилди.

— Ҳаммаси яхши, Хотира. Ўзингни кўлга ол. Чакиринг, Хайрулла.

Мэлс тишларининг оқини кўрсатиб кулган, улкан атиргул дастаси ва ёрқин қутига жойланган конфетни кўтартган ҳолда кириб келди.

— Олдиндан узр сўрайман. Мен шарқ удумларини эсдан чиқарганим йўқ ва эрлик аёлга гул совға килиш мумкин эмаслигини яхши биламан. Аммо мен Европада юриб хиёл уларнинг одатларидан юктирибманми, гул сотувчida бу ажойиб атиргулни кўргач ўзимни тутиб туролмадим. Ижозат берсанг, буни хотинингга лутфан тухфа қилмокчиман, Бахтиёр.

Хотиранинг ҳайрат ва ўзини йўқотишдан каттарок очилиб кетган кўзлари Бахтиёрга қадалди. У маъкуллаб бош силкиди. Хотира аста ўрнидан турди ва ундан ҳам суст қадамлар билан Мэлс томонга юрди.

— Бироқ эслаб қолгин, Мэлс, — кулди Бахтиёр. — Мен шарқлик одамман. Бунга ўхаш эркаликка менинг уйимда биринчи ва охирги марта йўл кўйилмоқда.

— Хўп, қабул қилдим, — кулиб жавоб берди Мэлс. — Мана бу ширин конфетлар эса жажжи ва гўзал Холидага аталган.

Мэлс кувлик билан бир вактнинг ўзида гулдастани Хотираға, конфет қутисини қизчанинг момикдек кўлчаларига беришга улгурди.

– Вой, – чинкириб юборди Хотира, – гулдастани ташлаб юбориб, бармоғини лабларига олиб борди.

Атиргуллар унинг оёғи остига сочилиб кетди. У Холиданинг қўлидан ушлаб, тезда ошхонага олиб кетди. У ерда қизчанинг қўлидаги конфетни олиб, юкоридаги токчага ташлади ва имо-ишора билан қизалокка хархаша қилмасликни буюрди.

– Гулнинг тикони каттиқ санчилдими? – хотинининг изидан келди Бахтиёр.

– Умуман тикон киргани йўк, – шивирлади Хотира. – Гулни хув, қорамтири вазага солинг. Сув қўйманг.

Бахтиёр меҳмонлар учун аталган хонага қайтиб келганида Мэлс йигиб олинган атиргул дастаси ёнида тизчўкканича бармоғини сўриб ўтиради.

– Вой, иблис! Улар ҳакикатан ҳам улкан ўткир тиконларга эга экан!

Бахтиёр гул солинган вазани жавонга қўйиб, меҳмонни ўриндиққа ўтиришга таклиф этди. Ўзи рўпарамисига ўтиреди.

– Бахтиёр, – Хотиранинг йўқлигидан фойдаланди Мэлс. – Мен жуда жиддий иш билан келдим. Вактим зиқ. Яккама-якка гаплашиб олишимиз керак.

Хотира патнисда анъанавий чой билан ширинлик келтирди.

– Ҳозирча – чой.

– Бугун мен ўша сафар келганимда бебахра колганим – конъяқдан бир қадаҳ ичишдан воз кечмаган бўлардим. Агар мумкин бўлса.

Хотира Бахтиёрнинг кўзларига тикилиб, кечирим сўради:

— Бирор нарса зарур бўлса чакирарсизлар. Ҳозирча бизларни маъзур тутинг, биз қизалоғимиз билан кичик сирли ишларимиз бор.

Хотира кетди.

Бахтиёр қадаҳни тўлдириб конъяк қуиди ва конъяк шишиасини Мэлснинг ёнига қўйди.

Мэлс тўш чўнтағидан муҳрланган конверт олди-да, Бахтиёрга узатди:

— Вали Қаюмхон ҳазратларидан хат. Шахсан сенга.

Овозидаги баланд оҳанг билан у вазиятнинг мухим эканлигини таъкидлагандек бўлди.

Бахтиёр конвертни охиста кирқди ва мактубни ўқиди. Мэлс такаббурона кулиб маза қилиб конъяк ҳўпларди.

Ўқиб бўлгач, хатни стол устига қўйди, савол назари билан Мэлсга қаради.

— Мен мазмунидан хабардорман, — кулимсиради Мэлс. — Вали Қаюмхон ҳазратлари менга ҳам ёзгандар... Гап шундаки, бу мен юборган мактубнинг жавобидир. Мен атрофлича ҳисбот юборган эдим. Мен унда асосан Вали Қаюмхонга сен ҳақингда ахборот жўнатувдим. Сенинг ҳаракатимиздаги ролинг, ўрнинг ва мавкеинг тўғрисида. Мен унда сенинг муҳожирлик ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи арбоби эканинг, етакчи сифатида Толиб эшондан барча асосий диний ва сиёсий вазифаларни ўзлаштирганингни таъкидладим. Менинг хулосаларим Қаюмхон ҳазратларига маъқул келгани учун ул зот бундан кейин ҳам тифиз ҳамкорликда ишлашимиз зарурлигини уқтирибдилар. Сенинг зиммангга сиёсий раҳбарлик юкланди. Қизилларнинг ибораси билан айтганда мен – командир, сен эса комиссар бўласан.

— Толиб эшонга қайси макомни раво кўрятпилар, Қаюмхон ҳазратлари?

— Кел, Бахтиёр жиддий гаплашиб олайлик, — бурнини жийирди Мэлс ва яна ўзига конъяк куйиб олди. — Қария

ўз ишини бажариб бўлди. Қолаверса, бугунги мураккаб вазиятда унинг инглизларга нисбатан очик хайрихонлиги кимга ҳам хуш келарди, дейсан. Шундай қилайликки, у фахрий мураббий бўлиб қолаверсин. Ва биргаликда иш юритишга киришамиз.

– Хўш, нимадан бошлаймиз?

– Энг аввало менга ўз агентларинг ҳакидаги барча маълумотларни тақдим этишинг керак.

– Берасан, демоқчимисан?

– Қўйсанг-чи, ўртага чегара чизишнинг нима кераги бор. Бизнинг ишимиз умумий. Қаюмхон барча ришталар фактат бир одамнинг қўлида бўлишига йўл кўйиб бўлмайди, дейди. Худонинг ўзи асрасину сен билан бирор фалокат юз берса нима бўлади? Мантиқан тўғрими?

– Жуда тўғри! – Бахтиёр дикқат билан синчков назар солди Мэлсга. – Майли, мен тайёрман.

– Ажойиб бўпти. Қачон шуғулланишни бошлаймиз?

– Ҳозирнинг ўзида.

Мэлс “хм” дея ўйга толди, қадаҳини тўлдирди, шульлага тутиб кўрди ва столга қўйди. Бахтиёр жим қолди. Мэлс ичди ва яна қадаҳини тўлдирди.

– Сен ҳазиллашдингми, Бахтиёр?

– Ҳеч қандай. Гап шундаки, мухтарам Мэлс, бутун агентурам – менинг якка ўзимдан иборат.

Аклли иш деб бўлмайди. “Турк ҳаммоми”дан хулоса чикарадиган бўлсак, сенинг кенг кўламли алоқаларинг бунинг тескарисини кўрсатмоқда.

– Биласанми, Мэлс. Мен сенинг тушуниб олишингни истардим. Бизнинг бу ердаги эмиграциямиз европа муҳожирлик ҳаракати, масалан, берлинлик ва парижлик ҳамкасларимиздан шуниси билан ажралиб турадики, дунёда нима ишлар бўлаётганидан бутунлай бехабардир. Шуни хисобга олсак, менинг бир қанча

дипломатик, савдо ва амалдорлар доироси билан алоқа ўрнатганимни катта муваффакият дейиш мумкин. Сен ҳаксан, мен ҳам кимнидир ёллашим мумкин эди. Аммо менда агентларни сотиб олиш учун бир мири ҳам йўқ. Биз қашшоқлармиз. Ва яна... Толиб эшон менга тўлик ишонади. Мен агар у кишини сотсан, ер юзидағи энг сўнгги муттаҳамга айланган бўлардим.

— Сени тушундим, — деди қуруққина килиб Мэлс. — Қаюмхонга нима деб жавоб берай.

— Ўзинг нимани хоҳласанг, шуни айт.

— Билиб қўй. Вали Қаюмхон кечирим ва шафқат нелигини билмайди, — ўрнидан турди Мэлс.

— Бу ҳақда бизларнинг овлок жойларимизни ҳам яхши билишади. Бу ерда жуда кўп одам Мустафо Чўкаев хотирасига хурмат бажо келтирадилар.

Мэлс бир титраб, тикка ўрнидан турди ва Бахтиёрга совук тикилди:

— Бу ерда сенинг кучинг ҳамма нарсага етади, Бахтиёр. Аммо, худо кўрсатмасин, сенинг кейинги сўзларингни мендан бошқа бирор одам эшитса борми? Қаюмхоннинг дasti жуда узун. Мен кетдим. Сухбатимиз хақида яна бир бор танангга ўйлаб кўргин.

Қуруққина хайрлашдилар ва Мэлс кетди.

Ва шу заҳоти Хотира кириб, ташвишли нигоҳ билан қўзларига қаради.

— Ҳаммаси яхши, Хотира. Ўзингни бос, жонгинам. Ўйлашимча у бундан кейин ҳеч қачон бизнинг уйга қадам босмайди.

— Ойижон, мен энди конфет есам бўладими?

— Бўлади, асалим, бўлади. Бироқ ўша амаки келтирганлари ёмон. Мен сенга бошкасини, ажойибини бераман. Келишдикми?

— Келишдик.

Хотира гулли вазани олиб, ошхонага чопиб борди-да, хали ҳам бўй таратиб турган атиргулларни чиқиндилар учун қўйилган саватга ташлади, конфетли қутини ҳам ўша жойга ирғитди.

КАРВОННИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ

Кун шомга караб оғаётган эди. Карвон Чукур деган жойга яқинлашди, у ёғидан ям-яшил, кўркам водий бошланди.

Бу жойга бежиз “Чукур” деб ном беришмаган. Улкан тоғнинг ёнбағридан ўтган узун йўл кутилмаганда тикка ҳолда нишабга тушиб кетар, кейин чуқур ва коронғи дара орқали ўтарди. Икки томондан ҳам йўловчиларнинг тепасида хиёл овоз чиқарса ҳам бошига қулай деб турган катта қоялар даҳшат солиб турарди. Шунинг учун бу ердан ўтганлар кўпинча лом-мим дейишмас ёинки имо-ишора билан гаплашишарди.

Саҳармардонда уйғонгандари, машаққатли довондан ўтиш наинки одамларни, балки улов тортган жониворларни ҳам толиктирган эди. Отлар юкни аранг тортиб келар, тиззалари титрар, одамларнинг чанг босган юзлари изтиробдан унниқиб кетган эди.

Фақат карвоннинг олдидағи зотдор чипор йўрғанинг эгарида ўзини эркин ва хотиржам тутиб ўтирган суворий бу кечув ва юз бераётган барча воқеаларга бепарводек кўринарди. У Мухиддин кўрбоши эди.

Сўнгги жонивор коронғи дарага туёғини қўйган захоти пулемёт ўки ёмғирдек ёғилиб, одамларни бошларини эгиб, отларнинг елкасига ёпишиб олишга мажбур қилди. Кейин ўнгдан, сўлдан, олд томондан ўқлар чиyllади. Отлар каттиқ кишинаб юбориб, ўзларини gox у ёққа, gox бу ёққа ура бошладилар, тўда бўлиб йиқилгандарида одамларни топташга киришдилар.

– Пистирма! – чинқириб юборди Мухиддин.

У мудофааани ташкил этишга уриниб кўрди-ю, саросимага тушган одамлар тўрт тарафга тумтаракай коча бошладилар. Қайсиdir лаҳзада ўз-ўзини саклаб қолиш туйғуси Мухиддинда жонҳолатда қочиб қолиш фикрини уйғотди. У ўзини шундай мураккаб ҳолатлардан неча бора эсон-омон олиб чикқан ва аввалдан синааб кўрилган эски усулини қўллади.

– Йигитлар, менинг ортимдан! – у узангода тикка турганича кисқагина кавалерия карабинини юкори кўтариб жангга даъват қилгандек бўлди-ю, кейин душман ўки теккан мисол ўзини ён томонга ташлади, шу лаҳзада тулпорининг қапталига этигининг пошнасига тақилган темир тепки билан қаттиқ уришга улгурди.

От оғридан сувликни шу кадар каттиқ тишлидики, оғзининг бурчакларидан қип-қизил қўпик чиқиб кетди ва жанг майдонидан суворийсининг гўёки бежон гавдасини, яъни қўрбошини тобора олисга олиб ўқдек уча кетди.

Қўрбошининг оти изидан чопаётган отлар ҳам, эгарларнинг устида ўтирган суворийлар ҳам ўкка учиб, бирма-бир ерга кулай бошладилар...

ҚУРОЛЛИ КАРВОННИНГ ҲАЛОКАТИ

Хайрулла қўйнидан хат олиб, Бахтиёрга узатди.

– Жаноб, бу ерда полиция текширувининг асл баённомасидан нусха. Карвон афғон хавфсизлик хизмати кучлари томонидан қўлга олиниб, мусодара қилинган. Албатта куролли тўқнашув ҳам юз берган. Сизнинг одамларингиздан жуда кўпчилиги ва уч афғон ўлдирилган. Улардан бири зобит.

– Бу воқеа қачон юз берди? Қаерда?

– Чилдұхтарон дарасыда, жаноб. Менинг одамим уч ке-ча-ю уч күндүз дам олмасдан юрган, факат от алмаштирган, холос. Расмий чопарлардан бир сутка аввал етиб келди.

– Сиз у одамга тұлық ишонасизми?

– У менинг қавмимдан, жаноб. Сиз яхши биласизки, бизнинг уруғимизда хам қароқчилар, үғрилар, котил-лар бўлиши мумкин. Аммо сотқин чикмайди.

– Кечирасиз, буни биламан. Яна нима гап?

– Кўрикчиларнинг деярлик барчаси йўқ қилинган, хибсга олинган. Мухиддин қўрбоши ва у билан бир неча одамгина кочишга муваффак бўлишган...

– Хайрулла, – Бахтиёр столдан ҳозирлаб қўйилган конвертлар ўрамини олиб, уларни афонга топшириди. – Бу ерда ҳамма қўрбошилар учун Катта қурутойга таклиф-номалар. Уларни тезроқ етказиш, шахсан қўлларига топшириш керак...

КАТТА ҚУРУЛТОЙ

Сангитепа номли катта қишлоқда таомилдагига қараганда ниҳоятда кўп одам тўпланган. Яқин адир-ларга кўп сонли чодирлар, ўтовлар тикилган, пашша-хоналар тортилган. Ҳамма ўтлоқларда тушовланган отлар ўт чимдиди. Гулханлар ёқилиб, козонларда ош дамланяпти, бутун бошли қўй гўшти улкан сихда пи-шириляпти, чой учун самоварлар вақирлайди. Ҳар бир қўрбоши Катта қурутойга ўз мақоми ва қўшинининг сонига мувоғиқ миқдордаги навкарлари билан келган. Хулласи қалом, белгиланган куни Сангитетага катта миқдордаги ислом лашкари жам бўлди.

Карвонсарайнинг кенг ҳовлисининг охирида тўла хилватнишин бўлиб икки киши – Толиб эшон ва Бахти-ёр ўтиришибди.

– Бўлаётган ўзгаришлар мени факат афуслантиримоқда, муҳтарам Бахтиёр, – деди Толиб эшон. – Менга инглизлар билан ишлаш ўнғай ва тушунарли эди. Улар очкўз, зикна, ортиқча бир мири сарфламайдилар. Бирок улар ҳар бир йигитни кўз корачиғидек асрайдилар, бемаҳал ҳалокатлардан муҳофаза қиласидилар. Улар узокни кўра биладилар ва кучларни зарур пайтларгача тежайдилар. Бизлар бу ерда оз сонлимиз, аммо дунё бўйлаб кўпчиликмиз. Бу ердаги оз сонимизни сақлай олмасак, ўша кўпчиликдан ҳам айрилиб қоламиз.

– Сизнинг донишмандлигинги олдида бош эгишга ижозат беринг, ҳазратим, – деди одоб билан Бахтиёр муфти унга сўз айтиш учун берган лаҳзани пойлагач. – Немислар инглизларга караганда сахийрок. Улар бизни қурол билан ҳам, доллар билан ҳам таъмин килиб турибдилар. Аммо фикримни очиқ айтганим учун маъзур тутинг, ҳазратим, сохта доллар масаласи бизнинг эмас, немисларни чигал аҳволга солиб кўяди!

– Сен бу жабҳада чигал вазият юзага чиқади, деган фикрдамисан?

– Шак-шубҳасиз шундай бўлади, ҳазратим. Бунчалар кўп сохта валютани афгон ғазнаси кўтара олмайди... Аммо... Сизнинг муҳокамангизга, муҳтарам ҳазратим, айрим журъатли фикрларимни айтишга ижозат қилурмисиз? – Муфти маъқуллаган кўйи бош силкиди. – Эсингизга солишга мажбурманки, бир йил олдин ҳам немислар бизларни шўроларга карши хужумга рағбатлантирган эдилар. У чоғ Сталинград олов ичида эди. Улар шўроларнинг кучини бўлмоқчи бўлдилар. Агар ўшандада бу оловга бош сукканимизда, ҳазратим, сую克拉имизнинг куллари ҳам қолмаган, бундан кейин ҳеч қачон ўзимизни ўнглаб ололмаган бўлур эдик.

Муфти кониқиши билан ўз ёрдамчисининг фикрларини тинглар экан, улар унинг ўз мулоҳазалари билан ҳамоҳанг эканлигига иймон келтирди.

— Тан олишимиз керакки, ҳазратим, менга Вали Қаюмхоннинг интилишларидан кўра раҳматлик гўрига нур ёғилгур Мустафо Чўқаевнинг саъй-ҳаракатлари маъқулроқ кўринган эди. — Шу ерга келганда муфти кутилганидан ҳам олдин маъқул дегандек бош силкиди. — Мустафо Чўқаев нозик сиёсий ўйин олиб бораарди. У бизларнинг ишимизда озгина бўлса-да нафи тегадиган сиёсий кучларнинг барчасидан самарали фойдаланишнинг пайида эди. Менинг тасаввуримга кўра, у сизга, ҳазратим, бу ердаги кучимизни асраб-авайлаш ҳамда бирлигимизни саклашда жуда катта ёрдам берган эди. Маъзур тутинг, сергап бўлиб кетдим, шекилли.

— Давом этаверинг, Бахтиёр. Сенинг фикрларинг менини билан тўлиқ тўғри келади. Мен эшитишга тайёрман.

— Жаноб муфти. Немислар уруш тақдирини ҳал киладиган, охирига етказадиган улкан ҳужумга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу операцияда бизларга ҳам бир йўналиш ажратганлар. Бу фожиали йўналиш. Бизларнинг шўроларга қарши юришимиз, балки, уларнинг айрим кучларини жалб этиб туарар. Балки немисларга ҳам озгина ёрдами тегар. Бирок шўроларда бизларни ер билан яксон килиб ташлайдиган қудрат бор.

— Ҳа, бизларни Аллоҳнинг ўзи асрасин.

— Бизларнинг немислар билан иттифоқимиз — вактинчалик иттифоқ. Бизларнинг пиравард мақсадимиз бир-биридан фарқ қиласи. Балки, ҳазратим, уларнинг саъй-ҳаракатлари бирор натижа беришини кутганимиз маъқулмикан? Фақат уларнинг қўли устун келган, биз учун қулай бўлган вазиятлардагина...

— Сен ҳақсан, Бахтиёр. Шундок бўла қолсин, бўтам...

Мэлс карвонсарой дарвозаси якинидаги ҳовлида киборларча оёқ кериб ўтирад, ўнг ва сўл ёнидан маҳсус мирзалар – котиблар жой олган эди. Қўрбошилар навбатма-навбат Мэлснинг олдига келиб ўз лашкарлари ҳақида маълумот беришарди. Мирзалар маълумотларни хатга солишаарди.

– Навкарларми... икки юз етмиш... отлар – бир юз йигирма уч... – бармоқ букарди бир кўзи йўқ Малик қўрбоши. – Милтиқларми... Эҳ, милтиқларни... йўқ деб ёз. Бир пулемёт бор. Үклари йўқ. Ҳатто олқор учраб қолса отишнинг иложи йўк...

– Икки юз йигит, икки юз отим бор! – нариги котибга ёздирарди норғул, ёш Одилшо қўрбоши. – Яна уч юз йигитни йифишим мумкин. От сотиб оламиз. Пул керак, курол, ўқ-дори...

Бахтиёр бу вактга келиб одамлар билан янада гавжум бўлган майдонга чиқди. Рўпарасидан оппок соколли Нуршермат қўрбоши икки барзанги, девдек қоматли муридлари билан бирга шошилмасдан, мағрур кадам ташларди.

– Ассалому алайкум, баланд мартабали Нуршермат ака. Сизни кўришдан беҳад бахтиёрман. Бир муҳим масалла бўйича менга озгина вактингизни ажратса олмайсизми?

Қўрбоши олазарак кўзлари билан чор атрофга бир караб чиқкач, Бахтиёрга муғомбirona қулиб турган кўзларини қадади.

– Гап шундаки, Толиб эшон ҳазратлари ушбу қурултойда Бош қўмондонни сайламасликка қарор қилдилар.

Нуршермат қовоғини осди.

– Сизнинг азиз дўстингиз, ҳурматли зот бўлган Иброҳимбекнинг фожиали ҳалокатидан кейин бу юксак лавозим бўш турган эди. Аммо энди, ҳал қилувчи юриш

арафасида бирлаштирилган лашкар Бош кўмондони ким бўлишига кўп нарса боғлик бўлиб қолмоқда. Толиб эшон ва мен, камтарин қулингиз, сизнинг номзодингиздан бошқа одамни хаёлимизга ҳам келтирмаяпмиз.

Нуршермат мамнуният билан кулди-да, розиман дегандек бош силкиди.

– Бирок Вали Қаюмхон Берлиндан ўзининг одами – Маъруф Маъруфийни юборибди. Вали Қаюмхон уни лашкарбоши килиб кўймокчи.

– Ким у баччағар? – ғазабдан чақнаб кетди Нуршерматнинг кўзлари.

– Маъруф Маъруфийми?..

– Вали Қаюмхон! – Бахтиёрнинг сўзини бўлди Нуршермат. – Ким бўлибди у бизларга буйруқ бергани?!

– Толиб эшон ҳам сиз каби шу фикрдалар. Бизга ҳам жаноб Маъруф Маъруфийнинг таги-туги, фазилату нуқсонлари асло маълум эмас. Бизнинг фикримизча, дала қўмондонлари билан сўзлашиб, уларни кейинги курултойга пухта тайёрласак, менинг ҳам ишончим комилки, масала сизнинг фойдангизга ҳал бўлади!

– Худди шундай! – Қўрбоши қўлини Бахтиёрнинг елкасига қўйди. – Раҳмат, ўғлим. Ҳамиша кари қўрбoshининг марҳаматига умид қилишинг мумкин!

Бахтиёр майдонни бир айланиб, карвонсаройга қайтиб келаётганида паст овоз билан чакириб қолишиди:

– Бахтиёр!

У қайрилиб қараганида бир неча кадам нарида турган бесўнақай, тинка-мадори қуриган қўзойнаклари эскириб кетган бир одам хижолатли кулимсираб турганини кўрди.

– Мени танимадингизми, Бахтиёр?

– Салим?

– Салим, – кўз ёшларини томоғига ютганча бош силкиди Бахтиёрнинг олис ёшлик чоғидаги ошнаси, Фитрат домла тўгарагидаги ўртоғи.

Уларнинг иккови ҳам бирдек шаҳд билан бир-бири томонга илдам қадам отдишару маҳкам қучоклашдилар.

– Салим! Бу ерда қандай пайдо бўлдинг? Қўпдан бу ердамисан?

– Кўпдан, Бахтиёр. Ўттиз саккизинчи йилдан бери.

– Нега дарҳол мени топиб олмадинг?

– Жуда узок тарих бу, Бахтиёр. Сен каби мени ҳам Чека олди. Сен кочганингдан кейин, – у чор атрофига каради ва уни диққат билан кузатиб турган икки киши томонга имо килди. – Улар мен каби пешанаси шўр ҳамроҳларим. Биз Чеканинг чангалидан бирга чиққанмиз. Жуда катта миқдорда пора берганмиз. У ерда Ильенко деган терговчи бор. Очкӯз, пул учун отасини ҳам сотади. Бизни ёллаган бўлиб, қўпорувчилар гурухини шакллантирди, ўзи кордондан, яъни чегарадан ўтказиб кўйди. Бизларни бу ерда қўпорувчилар сифатида қўлга олиб, турмага тикиб қўйишли. Яқиндагина чиқаришли. Майли, кейин барини бафуржа гапириб бе-рарман. Гап бунда эмас. – У ўртоқларига ўгирилиб, имо билан уларни чақирди. – Илёс, Ҳаким... Иш жиддий тус олган, Бахтиёр. Биз бу ерда Мэлс Бойзоковни кўрдик. Сен унинг ЧКнинг маҳфий ходими эканини биласанми?

– Сен буни ишонч билан айтяпсанми?

– Ҳа, Бахтиёр. Айтиб бергин, Илёс.

– Бу ҳақиқатан ҳам шундай, жаноб. Менинг акам Тешабой Чекада катта бошлиқ бўлиб ишлади. Уни Крепс билан бирга отиб ташлашли. Николай билан бирга. Мени эса ҳибсга олишли. Акам мени Чекага ҳайдовчи килиб жойлаштирган эди.

– Асосий гапга ўтсанг-чи, Илёс, – эслатди унга Салим.

– Ҳа, ха, Мэлсми? Уни бир неча марта машинамда олиб юрганман. Ильенко билан бирга эди. Кейин Юнусободга, большовойларнинг каттаси бўлиб кетди. У

ёкқа, адирга қамоқдагиларни отишга олиб боришарди. Мен у ерга бир неча марта Ильенкони олиб бордим. Мэлс ҳам келарди. Фитратни ўлдирғанларида у ўша ерда эди...

– Ана у! – Салимнинг ранглари оқариб кетди.

Бахтиёр ўғирилиб қаради.

Карвонсарай дарвозасининг ён тирқишида Мэлс турар ва дикқат билан уларни кузатар эди...

ПОЛЯКЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ЙЎЛИ

Шаҳар чеккасидаги, эрталаб у қадар гавжум бўлмайдиган хитойча рестораннинг мўъжаз залидаги стол атрофида Бахтиёр билан поляк консуллиги ходими Владек Домашкевич ўтиришарди. Улар бир-бирига синовчан нигоҳ ташлар эканлар, охири Владек кулиб юборди:

– Ниҳоят дардингизни айтинг-да, пан! Мен билан учрашиш учун муҳим сабаблар пайдо бўлганини сезиш кийин эмас!

– Айнан шундай бўлиб турибди, пан Владек. Агар сизнинг қўлингизга немис миссиясинингчувини чиқаридиган хужжатлар тушиб қолса нима килган бўлур эдингиз?

– О! Менинг кандай йўл тутишимни билсангиз эди?

– Мен сиздан, пан Владек, шўро элчихонаси билан алоқангиз борми, деб сўраётганим йўқ-ку. Очигини айтсам, бу мен учун ўта муҳимки, ўша хужжатлар айнан шўро элчихонаси қўлига бориб тушишини хоҳлардим.

– Биз бу урушда руслар билан иттифоқчилармиз.

Бахтиёр махфий пакетни чиқариб, полякнинг олдига кўйди.

– Бизга, яъни Туркистон ислом лашкарига немислар курол, сохта долларлар ва олтин ортилган карвон олиб

келишди. Буларнинг ҳаммаси Туркистонга бостириб кирувчи кучларга мўлжалланган.

– Пан Бахтиёр, сиз болта билан ўзингиз ўтирган новдани чопиб ташлашга аҳд қилдингизми?

– Деярлик шундай, пан Владек... Карvonни афғон хавфсизлик хизмати кучлари кўлга олди. Бу ерда по-лиция тергови баённомаси, операцияга бош қўшган немис, афғон ва туркистонлик шахсларнинг рўйхати ва бошқа хужжатлар. Англаб етишимизча, афғон томони бу воқеа устидан қор ёғди, излар босилди усулини кўлламокчи. Ҳолбуки, уни оммага ошкор қыммоқ керак. Ва буни фақат шўро элчихонасиғина қойилмақом килиб бажариши мумкин.

– Мен тушундим, пан Бахтиёр. Сиз немисларнинг лакейи, яъни малайи бўлиб колишни истамайсиз!

– Пан Владек, мен сизга суюнаман. Яна ҳисобга олиб қўйингки, бу мутлак менинг шахсий нуктаи назаримдир.

– У мен ўйлаган фикрларга тўла мос келмоқда...

СУИҚАСД

Тун. Бахтиёрнинг уйи.

Даҳлиздаги кўрпачада Хайруллага уйкуга кетган. Ёстиқнинг ёнида тўппонча ва пичоқнинг пўлат қисмлари совук ялтирайди. Тинч, айниқса, сахардан олдинги соатлар шундай осойишта кечади.

Аммо шу он ожизгина шитирлаш эшитилди. Яна. Хайрулла гўё ўрнидан қўзғолмади-ю, унинг қўли аллақачон тўппончанинг дастасини маҳкам ушлаб олган эди. Енгил тикирлаш эшитилди. Хайрулла бошини хиёл буриб меҳмонхонанинг деразасига тикилди. Ой нури дераза ортидаги қўзғалмас сояни якқол кўрсатди. Хайрулланинг иккинчи қўли пичоқнинг дастасини кисди.

Дераза ортидаги одам ромлар орасидаги тиркишларни бармоклари билан текширарди. Жим бўлиб қолди. Кейин – енгил шиқирлаш эшитилди. Лахза ўтиб ром аста-секин очила бошлади. Ташкаридаги одам оёғини дераза токчасига қўяётганида Хайрулла эгилган қўйи куч билан у томонга пичокни отди. Қисқа инграш ва қулаган гавданинг гурсиллаши эшитилди.

Хайрулла ўрнидан сапчиб турди-да, эшикнинг ички зулфинини тушириб, қўчага отилди ва шу заҳоти бошига зарба тушди. Зарбдан караҳт бўлиб, энкайиб қолса ҳам оёғида тура олди. Уч киши хужум қиласётган эди. Қўлига тўппончасини ушлаб олган тўртинчиси уй ичига киришга муваффак бўлди.

Ва коронғида Бахтиёрнинг кудратли зарбасини еди. Ички кийимдаги Бахтиёр худди оқ шарпадек боскинчиларга ташланди. Тўппончанинг дастаси билан биттасини тинчитгач, иккинчисига қўл жанги услубида ёпишди. Кутилмаган зарбадан ўзига келган Хайрулла учинчисини тинчтиб, қўлларини орқасига қайирди ва етиб келган Бахтиёрнинг ёрдами билан суробини тўғрилади.

Бошқаларининг қўл-оёқларини боғлагач, деразадан ўтмоқчи бўлганни қўздан ўтказдилар. Пичоқ унинг нак юрагига то дастаси қадар кириб кетган экан.

– Покистонликлар, – аниқ айтди Бахтиёр. – Бирортасини танимадингизми?

Хайрулла йўқ деган маънода бош чайқади.

Бахтиёр ортидаги нигоҳни ҳис килиб ўгирилди.

Эшик кесакисига суюнган Хотира ранглари оқариб турарди. Бахтиёр унга таскин бергандек кулимсиради-да, илтимос қилди:

– Хотира, фотоаппаратни келтириб бергин, илтимос.

Хотира хиёл тўхтаб колгач, юриб кетди.

Бахтиёр босқинчиларни юз ва ён томондан суратга олди. Биттаси юзини четга бурмоқчи бўлган эди, Хайрулла унинг бошини ўзининг девникидек кафтлари орасига олиб, объектив олдида тутди.

– Полицияга қўнғироқ қил, Хайрулла.

Бироздан сўнг бетўхтов сигнал чалганича уйнинг олдига икки автомашина келиб, улардан полициячилар тушишди.

– Бу ерда нима юз берди? – Бахтиёрганинг олдига чопиб келди полиция зобити.

– Ўйлашимча, куролли талончиликка уриниш бўлди...

АШИРНИНГ ЧОЙХОНАСИДА

Ашир чойхоначи Бахтиёрни, шоирона тил билан айтганда, кенг кучок очиб кутиб олди. Хуфя хонага бошлаб бориб, ўзи чой ва ҳолвалар келтирди, азиз меҳмоннинг олдига одоб билан чўкиб, садоқатга тўла нигохини тикди.

– Эҳ, қадрли Бахтиёржон! Сизсиз менинг ҳолим не кечган бўлур эди? Машҳаддаги чойхонам ёниб кулга айланганидан кейин қашшоқ бўлиб қолган эдим...

– Қўйинг, ҳурматли Ашир биродар. Буни қанча эсга олиш мумкин, ахир?

– Ҳаётимнинг сўнгги дамларигача! – самимий равишда хитоб қилди Ашир. – Ҳаётимнинг сўнгги дамларигача сизнинг содик қулингиз бўламан. Агар сиз бўлмаганингизда... Қашшоқ Ашир қандай қилиб Кобулга кўчарди? Янги ишни бошлаш учун кимдан маблағ оларди?

– Қўйинг, бўлди, Ашир ака, – Бахтиёр Мэлснинг суратини олиб, Ашир томонга суриб кўйди. – Мана шу одам келдими, бу ерга?

– Келди.

– Бир ўзими?

– Бир ўзи ҳам келади баъзан. Уч марта хиндми, по-кистонликми, ўша билан келди. Худди биз ўтиргандек гаплашишди. Фақат нариги томондаги бошқа хонада.

– Нима ҳақда гаплашдилар?

– Инглиз тилида пичирлаб гаплашишди. Мен у тилни яхши билмайман. Англаганим шу бўлдики, қандайдир курол ҳакида сўз борди. Ва “Оят” ҳакида. “Оят” куними, “Оят” вақтими, билмадим.

Бахтиёр сергак тортиб, бир нарсани ёдга олган мисол хаёлга берилди.

– “Оят куни – энг охирги, энг биринчи кун.

Оят куни юз бергайдир киёмат қойим.

Оят куни яна қайта туғилар очун,

Мен – Бунёдкор, Яратгувчи бўлгайман доим...”

– Тушунмадим, Бахтиёржон.

– Йўқ, шунчаки, эътибор берманг. Яна нима гаплар?

– Бир ўзи келганида дархол маъшука сўрайди. Биздаги бир киз унга жуда ёкиб қолган, – бироз фахр билан тушунтириди Ашир. – Ҳалиги ҳабаш билан келганида қисқагина гаплашишгач, у кетади-да, жанобнинг ўзи колади. Ўша одамга доим пул беради. Яхшигина ҳақ беради. У пулни олиб жуфтакни ростлайди. Жаноб эса дарров маъшуқасининг олдига олиб боришни буюради. Кизнинг исми Зарина.

– Хилват ҳужрага нелар олдиради?

– Конъяк. Гоҳо шампань виноси. Мева-чева, қандкурс дегандай. Аммо ҳамиша бир хил дастурхон тузаттиради. Энди сўраб ўтирасдан дастурхон тузадиган бўлганман. Долларлар билан хисоб-китоб килади. Пулнинг юзига қараб ўтирамайди.

– Зарина... у билан бирга ичадими?

– Нима деяпсиз, Бахтиёржон! Ичадиган қизларни остонамга яқин йўлатмайман!

– Маъшуқаси билан нималар ҳақида сухбатлашади?

– Зарина биланми? Менинг эчким ундан ақллирок бўлса керак. Баъзан ўзининг накадар дасти узун одам эканлигини айтиб, мақтанади. Тез орада ҳаммаси ўзгари迪, мен сени бой ва баҳтли аёлга айлантираман, дейди қизга. Ичадиган эркакларнинг аёллар олдида мақтаниши одатга айланган. Улар, мақтов эркакнинг обрусига обру ќушади, деб ўйласалар керак.

Бахтиёр бир даста сурат чиқариб, Аширнинг олдига тартиб билан териб кўйди. Бу босқинчи покистонликларнинг суратлари эди.

– Сиз улардан бирортасини танийсизми?

Ашир шубҳа билан бош чайқади. Кейин унинг нигоҳи пичок зарбидан ўлган одамнинг суратида тўхтади. У ўлим топган босқинчининг иккала суратини ҳам қўлга олиб, узок кўз югуртириди, нигоҳини четга тортди, ўйлаб-ўйлаб охири деди:

– Ўйлашимча, мана бу кишини кўрганман. Покистонлик келганида чойхонанинг рўпарасида сергак турди. Чамаси унинг кетида бирор бор ё ўйқлигини кузатди.

– Яхши! – Бахтиёр суратларни йиғиб, чўнтағига яширди. – Ўша қизни кўрсатинг менга.

Биридан бирига ўтувчи хўжалик қурилмаларидан кейин сўзана тортилган девор олдида тўхташди. Ашир пардани тортиб, таҳтачани сурди-да, очилган тирқишидан қаради. Худди Машҳадда ёниб кетган чойхонадаги хуфя хоналар амалда бир хил эди.

– Бор экан, – шивирлади Ашир. – Бу уларнинг ётоғи.

У сурилиб, Бахтиёрга ўрин бўшатди.

Кичкинагина топ-тоза хонага тўрт ўрин жойлаштирилган эди. Улардан бирида мазасини сўриб-сўриб

шафтоли еяётган ярим ялонғоч қиз ёнбошлаб ётарди. Унинг бутун қомати – хипча бели, ўймоқдек оғзи, калин лаблари, унча ўйчан бўлмаган кўзлари ўта мафтункор эди.

– Бу паризодларнинг сони менда тўрттага етди, – шивирлади Ашир. – Учтаси ҳозир меҳмонларнинг кўнглини хушлаяпти. Заринанинг бутун вақти эса ўша жаноб томонидан олдиндан тўлаб қўйилган. Унинг маъшуқамга бошқалар қўл теккизмасин, деган талаби бор. Минг афсуски, бу битимни баъзан бузиб туришга тўгри келади. Қизнинг ўзи меҳмон бўлмаса зерикиб колади. Кўзларидан нур қочиб, юзининг териси сарғаяди. Шунда қизга ачиганимиздан...

– Бўпти, бўпти, қариб қуюлмаган хотинбоз, – дея Бахтиёр тахтачани ўрнига қўйди.

– Воҳ-воҳ-воҳ! – кафтларини бир-бирига урди Ашир. – Менинг бу эрмаклардан аллақачон қолиб кетганман. Баъзан-баъзан демасангиз?

Иккови бир-бирини тушуниб кулиб юбориши. Сўнгра Бахтиёр кулгини кескин тўхтатиб хитоб қилди:

– Мени ана шу жанобга боғлик барча икир-чикир ипидан игнасиғача кизиктиради...

ЎЗБЕКНИНГ АМРИҚОЛИК БИЛАН БИТИМИ

– Сиз мени жосусликка ёлляяпсизми, мистер Бахтиёр? – кулиб юборди амриқолик. – Шундай, пешанага шарт уриб-а? Бу услугуб фош килувчи далиллар бўлганида самара беради. Сизда мени фош қилгувчи далиллар борми?

– Авф этинг, жаноб Фил!

Улар шаҳар чеккасидаги хитойча рестораннынг кулагина кичик залида учрашишиди.

— Сиз туркистонлик мұхожирларнинг вакиисиз, — жиғига тегди амриқолик. — Демакким, немислар билан ҳамкорлик киляпсиз. Нега келиб-келиб менга, амриколикка мурожаат қилмоқдасиз? Биз бу урушда бир-бири мизга душманлармиз-ку, ахир? Яна кимнинг фойдасига ишляпсиз, Бахтиёр? Менинг иттифоқдошларим инглизлар эмас, шекилли? Нечун мендан инглиз миссиясияннинг одамини сұраб турибсиз?

— Менга покистонлик керак, Фил. Инглиз миссиясига мансуб бутунлай ишончли бұлған покистонлик. Сизни ишонтириб айтаманки, мени қизиқтирган маълумотлар инглизларнинг манфаатларига умуман зид келмайди. Мен Мухаммад (с.а.в.) нинг “Чин мусулмон на сұзи, на құли, на амали ила бирор муслимга озор етказмайди. Аллоҳ инкор қилған хатти-харакатлардан үзини тийган одам ҳақ дин учун курашчига тенг бұлғай” деган ҳадисларини үзимга тамойил қилиб олғанман.

— Сиз мени айғоқчиликка ёллаб олишдан ташқари үз динингизга киргизмоққа ҳам шаҳд этдингизми?

— Иш жиддий тус олган, жаноб Фил. Менга суиқасд уюштирилди. Үз уйимда юз берди бу. — Бахтиёр Филга покистонлик босқинчиларнинг бир даста суратларини узатди. — Мана шу одамлар. Калаванинг учини британиялыklar миссиясидан излаш учун асослар бор.

— Инглизларми?

— Йүк, Фил. Улар деб үйламайман. Мени айнан покистонлиklar қизиқтиради.

Фил үз одатига күра құlinи күтариб, бармокларини кирсиллатди. Шу захоти столнинг ёнида хитойлик официант пайдо бўлди.

— Виски.

Хитойлик узр сұрагандай кулиб қўлларини ёйди:

— Хитойлик виски ушламайди, жаноб.

– Виски дедим, лаънатилар, – сўкинди Фил.

Хитойлик эшик томонга тисарилиб, кўчага караб ўқдек учди.

– Дўконга чопиб кетди, кокилли шайтон... Сиз хавфли ўйин олиб боряпсиз, Бахтиёр. Сиз “раҳнамо”га эга эмассиз. Турк паспорти – ожиз бир таскиндан бошқа нарса эмас. Бу мамлакатнинг конунига кўра жосусликка ўлим жазоси берилади. Сиз кимгадир жиддий тусда халакит беряпсиз. Русларгами? Балки немисларгадир?

– Билишни истардимки... Кўраётганингиздек, Фил... Мустафо Чўқаев даврида бизнинг ҳаракатимиз инглизларга караб қадам оларди. Вали Қаюмхон немислар билан тифиз алоқа ўрнатиб, уларнинг манфаатларини устун қўйди, бизнинг ҳаракатимизни эса уларнинг ҳарбий машинаси мурватига айлантирди. Бизларни ўзлари учун қулай лаҳзада шўроларга қарши ташлаб курбон қилмоқчи немислар. Агар шундай бўлса бизлар ҳалокатга маҳкум бўлиб, қирилиб кетамиз. Мен эса ўз ҳалқимга, немисларнинг манфаатларига эмас, ўз ҳалқимга хизмат килишни истайман!

– О’ кей, Бахтиёр, буни эркакча иш деса бўлади. Сиз менинг сотиб қўйишимдан хавфсирамайсизми?

– Мен деярлик очиқ ўйин олиб боряпман, Фил.

– “Деярлик”. Айсберглар ҳам дунё океани бўйлаб “деярлик” очиқ сузиб юришибди. Аммо бунинг оқибатида “Титаник” ҳалокатга учради... О’ кей, Бахтиёр! Фараз килайлик, мен сизга “манба”ни бераман. Сиз бунинг эвазига менга нима ҳозирладингиз?

– Долларларни, Фил, – кулди Бахтиёр.

– Мана бунисига койил қолса бўлади! – кулимсиради амриқолик.

Хитойлик виски шишаси билан қайтиб келди, чинни косачага ичимлик қуйиб, идишни стол устида қолдириб кетди.

— Сиз “манба”ни оласиз, Бахтиёр. Менинг шартларим... Эвазига менга жаноб Маъруфийни берасиз. Унга қарши тўпланганди далиллар билан бирга. Мен у билан тезда “пешанасига бир уриб ёллаш” амалини ишлатмоқчиман!

Амриқолик Бахтиёрдан пирпирамаган совук кўзла-рини узмасдан вискини ҳалкумига ағдарди...

ШЎРО ЭЛЧИСИННИГ ЭЪТИРОЗНОМАСИ

Кобул марказида газета тарқатувчи болалар рўзномаларнинг эрталабки сонларини бошлари узра байроқдек тебратиб, маъноси қамчи зарбидан ўткир сарлавҳаларни бири-биридан баландроқ овозда қичкиришарди:

- “ШЎРО ЭЛЧИСИ ҚАТГИЙ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ!”
- “НЕМИСЛАР ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИ ҚУРОЛАНТИРМОҚДА! ШЎРОЛАР ИТТИФОҚИГА ХУЖУМГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА!”
- “АФГОНИСТОН БИТИМНИ БУЗГАНЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА!”
- “НЕМИС, ЯПОН, ИТАЛЬЯН ДИПЛОМАТЛАРИ “НОН-ГРАТА” МАҚОМИДА МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИЛМОҚДА!”
- “МУФТИ ТОЛИБ ЭШОН МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛМОҚДА!”

Хайрулла очиқласига доктор Расмуснинг қароргохига йўл олган Мэлсни кузатиб боряпти. У йўл-йўлакай ўзини газета харид қилганга солган кўйи ўша ёкка кўз тикияпти.

Мэлс кўча томондаги каттакон эшик тутқичини мис болғача билан урди ва бинога кирди.

Хайрулла эса кўчадаги оломон ичига сингтиб кетди...

БАХТИЁРНИНГ ТАХМИНИ

Доктор Расмус ўзи хуш кўрган кўйи қўшни хонадаги шаффоф картина “экрани” олдига жойлашиб, барчасини кузатмоқда.

Фон Нетцер хона бўйлаб асабий қадам ташлаганича газета матнини кесиб-кесиб ташланган ибораларга урғу бериб, овоз чиқариб ўқимоқда:

– “СССРнинг Афғонистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида Афғонистон ҳудудидан боскинчи тўдаларнинг бостириб киришга ҳозирлик кўрилаётгани ва бу икки мамлакат ўртасидаги шартноманинг қўпол равишда бузилишига олиб келиши юзасидан қатъий эътиroz билдири...”

Ҳар бир иборадан кейин фон Нетцер ғазабдан олайиб кетган кўзларини бошларини куйи эгиб нохуш кайфиятда тинглаётган Вальтер Шенк, Мэлс ва Асадовга чақчайтиради.

– “...Эътирозномада тайёрланаётган операцияларнинг иштирокчиларини куроллантириш, молиявий таъминлаш, ўқитиш ва бўлғуси жангларнинг режаларини тузишда немисларнинг тўғридан-тўғри катнашаётгани таъкидланади. СССР хукумати Афғонистон хукуматидан боскинчи тўдаларни зудлик билан қуролсизлантириш ва немисларга, шунингдек, уларнинг иттифоқчилари ҳисобланган японлар ва итальянларга нисбатан тегишли санкциялар қўллашни талаб қилди. Акс ҳолда дейилади Протестда, шўро томони ўз хавфсизлиги манфаатларини кўзлаган ҳолда тез ҳамда самарали чораларни қўллашга мажбур бўлади!”

Фон Нетцер газетани ғижимлаб-ғижимлаб улоқтириб юборди. Бир сония ҳамтовоқларининг кўзларига тикка бояди-да, бирдан бақириб юборди:

— Дипломатия тилида бу Афғонистон ҳудудига шўро кўшинларини олиб кириш хавфи дейилади. Сизлар бу борада иккинчи Эроннинг такрорланишини хоҳлайсизларми?!

Ичидаги бор қахру ғазабини тўкиб бўлганидан кеинин ўз гавдасини ўриндикка оғир ташлади-да, ўзига ўзи конъяқ қўйди...

— Шўролар билан оғиз-бурун ўпишиш ниятида юрган шоҳга эса бу жуда қўл келади. Ҳозирнинг ўзида номатлуб шахсларнинг рўйхати тайёрланган. Унда доктор Расмуснинг ҳам, герр Шенк сизнинг ҳам, — бошини эгди, — каминаи камтариннинг ҳам исми-шарифларимиз жимжимадор қилиб ёзилган. Бир оннинг ўзида легал разведка имкониятидан мосуво бўлишдан ташқари агентура тизимимизга раҳна солинади. Ва бу Марказий Россияда ҳал килувчи ҳужумга ва Туркистонга бостириб киришга киришиш арафасида юз берса-я!

— Маъзур тутинг, жаноб Нетцер, — тавозе билан Бахтиёр қўлини кўксига қўйди. — Бизларнинг юришимиз хақида гап кетадиган бўлса... Биз энди ҳам қуролдан, ҳам маблағдан маҳрум бўлдик.

— Қурол ҳам, маблағ ҳам бўлади. Иккинчи карвон якинлашиб қолди. — Фон Нетцер ортиқча тафсилотларни ошкор қилганини сезиб девордаги суратга тикилди.

Доктор Расмус деворнинг у томонида норози киёфада афтини буриштириб суратдан узоқлашди.

— Бу сафар карвон билан боғлик гапни, жаноб Асадов, бир-икки одам билади, холос, — сўзларини тўғрилади фон Нетцер. — Биз аввалги чув туширилганимиздан тегишли хulosалар чиқариб олганмиз.

Расмус кириб тўпланганлар билан унсиз саломлашиди-да, камбағал қариндош мисоли узокроқдаги ўриндикка омонат чўкди.

— Токи карвон ҳақидаги маълумотлар қандай қилиб шўро разведкаси қўлига тушиб қолганини аниқламас эканмиз, — хитоб қилди Мэлс, — биз хотиржам бўла олмаймиз.

— Маъзур тутинг, жаноблар, — хижолат тортиб кулимсиради Бахтиёр. — Бу юзадан бир неча мулоҳазалар айтишга ижозат беринглар. Жаноб Маъруфий танлаб олган ва карвонни кўриклаган легиончилар орасида шахсан Толиб эшонга содик одам бор эди. — Бахтиёр Мэлснинг қай тарзда хавотирга тушгани ва кўзлари ғазабдан чақнаганини билди. — Толиб эшон олдиндан карвоннинг йўналиши ва кейинги ўзгаришлар тўғрисида ўз вактида хабардор килинган эди. Шу туфайли ҳам биз карвонни аниқ чегарадан кесиб ўтиш жойида кутиб олдик. Фараз қилиш кийин эмаски, легиончилар орасида шўро жосуси ҳам бўлган...

— Ўз сўзларингизга ҳисоб беришингизни сўраган бўлардим, — чидамади Мэлс, аммо доктор Расмуснинг совук қараашларига дуч келгач ўзини босди.

— Аммо айғоқчисиз ҳам, — сўзларини давом эттириди Бахтиёр. — шўро разведкаси энг бошиданоқ карвонни назорат остига олган ва онгли равища унга ҳеч қандай тўсикларсиз афгон чегарасини кесиб ўтишга йўл кўйган, шу йўсинда афғонларга уни ўз ҳудудида кўлга тушириш имконини берган бўлиши мумкин. Бу кип-қизил тузок-ку, жаноблар. Шундан кейин юксак дипломатик даражада улкан жанжал уюштирилар. Зарур натижага эришдилар ҳам. Жаноб Маъруфий операция энг ёрқин тарзда амалга оширилди, деб ҳисоблади. Мен бу баҳога тўлиқ кўшиламан, аммо бу сифатлашни шўро разведкасига нисбатан ишлатилса тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ҳамма жим қолганча ўzlари билмаган ҳолда гўё зерикиб қолган доктор Расмусга тикилдилар.

Ташаббусни яна фон Нетцер ўз қўлига олди:

— Ташаккур, жаноб Асадов. Сизнинг тахминингиз жуда диккат билан текшириб кўришга лойикдир. Шахсан мен ҳам легион лашкарларига тўлиқ ишонч билан қараш фикридан йирокман. Улар орасида концентрацион лагердан қочиб легионга қўшилган, кейин шўроларга ўтиб кетишни мўлжаллаганлар ҳам бор. Бу ерда, сизнинг ҳузурингизда ҳам, жаноб Асадов, озмунча қўпорувчи гурухлар ёппасига ўз хоҳишига кўра кўлга тушдими?

— Таассуфлар бўлсинким, шундай, — хулосага кўшилди Бахтиёр.

— Дарвоке, — охири чидамай сўз қотди герр Шенк. — Муфти ўзининг қувғин қилинганига қай тарзда муносабат билдириди?

— Муносиб равишда. Мени ўзи билан олиб кетишлирини ўтинган эдим, ул зот айни чогда менинг ўрним шу ерда эканлигини уқтиридилар. Бундан ташқари, мамлакатдан қувғин қилиш ўрнига музофотлардан бирига сургун билан алмаштирилиши мумкин, деган умид пайдо бўлди. Бу савоб ишни Амир Олимхон ҳазратлари ўз зиммаларига олдилар.

— Мазмунли аҳборотинг учун раҳмат, жаноб Асадов, — ўрнидан турди доктор Расмус. — Сизларга ташаккур билдираман, жаноблар. Минг афсуским, беш дақиқадан кейин bemорларни қабул қилишни бошлишим шарт...

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Бахтиёр кечкурун “Турк ҳаммоми”га борганида кайфу сафо, шовкин-сурон, тўс-тўполон қиёматнинг аросатидан ҳам уччиға чиккан эди. Шу кадар кўп дипломат халки ва бошқа мақомдаги гавжум оломон “эр-

каклар клуби”га асос солинган кундан буён биринчи бора тўпланган эди. Йигилганларнинг деярлик ҳаммаси жўшиб-тошиб, бир-биридан баландроқ гапиришга уриниб, имо-ишораларни ишга солиб, юзага келган вазиятни муҳокама қилишар, унинг окибатлари ҳақида гапирганда сўзни юмшатиб ҳам ўтиришмасди. Кўпчилик аллақачон ширакайфлик оғушига кирган эди.

Фил О’Брайен шўро ҳарбий миссияси ходими Ильенкога нисбатан илтифотли раҳнамоликни ўз қўлига олиб, унга роса ичирган эди. Ильенко клубга ҳарбий либосда келгани учун Бахтиёр ресторанга кириши билан кўзи унга тушди. Аклга иш буюриб, дархол ортга кайтиш керак эди. Аммо у томонга қараб маҳзун табасум билан жиккаккина япон Суэто зингиллаб келарди:

– Жаноб Бахтиёр, ташрифингиз билан менга чинакам хузур бахш этдингиз. Агар бу меҳмондўст заминдан сиз билан хайрлашмасдан кетсан ҳеч қачон адo бўлмайдиган қайгу менинг юрагимни абадулабад эгаллаб олган бўларди.

– Жаноб Суэто, бизларни тарк этяпсизми? Эсиз... Сизнинг мукаммал билимларингиз, нафис хулосаларингиз, такомиллашган дидингиз менга шу қадар кўп кувват берар, шу қадар кўп шууримни мустаҳкамлар эди.

– Бахтиёр-сан, уруш тугаганидан кейин иккимиз ҳам эсон-омон қоладиган бўлсак, мен томонга бораман, деб ваъда беринг. Мен сизга Фудзини кўрсатаман, сизни гулга кирган сакуранинг олдига олиб бораман. Айнан сизда ана шу гўзаликка холис баҳо бериш ва ундан роҳатланиш диди бор...

– Маъзур туting, Суэто-сан, бизларга яkkама-якка сўзлашишимизга имкон беришмайди, шекилли. – Бахтиёр улар томон ширакайф русни судраб, аникрофи, опичлаб келаётган америкаликка имо-ишора килди.

— Бизлар эртага учрашишимиз керак, — деди япон тез сўзлаб.

— Менга сизларнинг ҳаракатингизни қўллаб-қувватлаш учун муайян маблагни топшириш буюрилган...

— О! Мистер, Бахтиёр! Мистер, Суэто! Олл райт! — японнинг сўзларини бўлди сурбет амриқолик. — Ишончим комилки, сизлар япон гейшалари ва мусулмон канизакларининг фазилатларини солиштиряпсизлар. Бизлар ҳам бу сухбатда қатнашайлик. Менинг рус оғайним бу масалага жон деб кизиқади. Танишинглар, шўро разведкачиси Максим Ильенко!

— Керак эмас, — қўрсаткич бармоғи билан пўписа қилди ўлгудек ичган Ильенко. — Ҳа, майли! Жин урсин уни! Бизларнинг ҳаммамиз бу чиркин ўрадаги разведкачилармиз!

У японнинг ёнбошидаги бўш стулга ўзини таппа ташлади:

— Кайфиятлар қалай, жаноб камикадзе?

Япониялик тавозе билан ўрнидан турди:

— Маъзур тутиналар, жаноблар, мен бормасам бўлмайди.

Хизматкор қиз столга виски, муз, содали сув қўйилган патнисни жойлаштирди.

— Мистер Бахтиёр, Мистер Ильенко — ҳақиқий қаҳрамон! Айнан у немисларга шундай ғаройиб кулоҳ кийдириб қўйдики... Эҳ-ха! Буларни тинглаш сизга унчалар хуш келмайди-я, Бахтиёр. Эркакмизми, эркак бўлиб, иш қойилмақом бажарилганини тан оламиз-а!

— Бахтиёр? — рус сесканиб кетди, бошини озод қўтарди ва Асадовга чақчайди. — Бахтиёр Асадов. Аслида мен сени излаб юрибман-ку, абллаҳ! Қани, соколингни қўлинг билан тўс. Соқолли чоғинг сени таниб олиш кийин экан. Халақит беряпти!

— Максим, — америкалик унга виски қўйди. — Бундай кунда ҳатто ракибга ҳам олийхимматли бўлиш зарур.

— Душманга! — Бахтиёрга қўрсаткич бармоғини никтаб аниқлаштирди Ильенко. — Мен билан сен иттифокдошлармиз. У билан япониялик эса душманларимиз! Сен менинг эсимдасан, Бахтиёр. Тошкент Чекасида сен менинг мана бу кўлларимнинг исканжасида эдинг. Яхудий Крепс сени чиқариб олган эди. Барibir, мен уни ҳалқ душмани сифатида фош қилдим! Ва деворга тираб... Сизларнинг хаммангизни: фашистларни, яхудийларни, босмачиларни деворга тираш керак!

У мушти билан столга қаттиқ урди-да, бошини кўллари орасига қўйди.

Бахтиёр ўрнидан турди.

— Эътибор берма, Бахтиёр. У тўнғиздек масти. Мен уни атайин ичирдим. У ичишни билмайди. Устига-устак нима эвазига ичсин. Бунинг учун русларда мулла-жиринг йўқ.

— Бу одамни тушимда ҳам кўрган эмасман, Фил. Кечир, менга маъқул келмаяпти, бу гаплар.

— Балки у жаноб Маъруфийни назарда тутгандир? Дарвоқе, нега у бу ерда эмас?

— Билмадим. Келиб қолиши ҳам мумкин.

— О' кей! Мени боғда кутиб тур, Бахтиёр.

Эшик ёнида Бахтиёр хизматкор йигитга тайнинлади:

— Каримжон, сиздан ўтиниб сўрайман, шўро элчи-хонасига қўнгироқ қилинг. Анов масти зобитни олиб кетишсин. Ўзини асло тутолмайдиган одам.

— Ҳозир бажараман, Бахтиёржон, — тушунган қиёфа-да кулиб қўйди хизматкор чўнтағига йирик пулни яши-рар экан.

— Бу такси учун, — деди Бахтиёр. — Албатта элчиҳо-надан келишсин.

Богда Фил Бахтиёрнинг изидан етиб олди.

– Эртага соат ўнда кўхна мусулмон қабристонида. У одамнинг ўзи сени топиб олади. Унинг кўп нарсадан хабари бор. Бироқ киммат туради. Сенда етарли миқдорда долларлар борми?

– Раҳмат, Фил. Дарвоке, куролли карвон иши бўйича полиция яна Маъруфий билан қизикмоқда.

– Муаммоси йўқ! Полиция ҳам долларларни хуш кўради. Агар Маъруфий гўллик ва ғўрлик қилмаса, яхшигина “раҳнамо”га эга бўлади.

Уларнинг ёнидан икки барзангি ёш йигит секин сўкиганларича хушсиз, фирт маст Ильянкони кўтариб ўтишди.

– Сен тўғри иш қилдинг, Бахтиёр, – кулди Фил. – Ҳамкасбни ҳалокатдан куткариш савоб иш. Акс ҳолда боши ғалвадан чиқмай қолган бўларди. Энди уни фронтга юбориш деб аталган кичкинагина жазо кутмоқда.

Қишки боғнинг хилват қисмида турган Мэлс узокдан туриб уни кузатарди...

ПОКИСТОНЛИК БИЛАН ХУФЯ УЧРАШУВ

Қабристонда бўлиб ўтган хуфя учрашувда салобатли покистонлик қария суратларга кўз кирини ташлади-да, шу заҳоти уларни Бахтиёрнинг ўзига қайтариб берди:

– Иккисини танидим. Улар ёлланма қотиллар, жаноб. Сизни ким қизиктираётганини ҳам тушундим. У немисларга хизмат қиласди. Покистонда нацизм ғоялари остида яширинча фаолият кўрсатаётган кучли махфий ташкилотнинг одами. Сизни ўзи қандай маълумотлар қизиктиради?

– Мен зудлик билан ана шу одамнинг жаноб Маъруфий билан биргаликда қандай операцияга ҳозир-

лик кўраётганини билишим керак. Янглишмасам, гап Покистон оркали ўтказилиши лозим бўлган қурол карвони хусусида бормокда. Мазкур карвоннинг ўтиш вакти, йўналиши, етказиб бериладиган манзили. Ва иккинчи гап: “Оят куни” деб никобланган, яъни кодли ном остига нима яширинган?

– Сизни тушундим, жаноб. Ҳаммасини билишга характерат килиб кўраман. Учрашиш вакти ва жойи ҳакида сизга олдиндан хабар беришади.

– Бўнак пули олишни истармидингиз?

– Албатта, жаноб.

– Ўзингиз мўлжаллаган муллажиринг миқдорини айтинг.

Покистонлик Бахтиёрга хомуш кулгу билан боқиб, сукутга толди.

Бахтиёр унга пул туғилган бўғчани узатди:

– Агар маълумотлар аниқ бўлиб чикса, оладиган умумий пулингиз миқдорини ўзингиз белгилайверасиз...

“ПЕШАНАГА БИР ЧЕРТИБ ЁЛЛАШ”

Тарқоқ, хира нур ҳамда занжиларга хос блюз услубидаги сокин мусика таралиб турар, юшок, қулаг мебель ҳамда мини-бардаги турли хил ичимликлар самимий сухбат учун ўта соз шароит эди. Фил О’ Брайен Мэлсни ўз офисида сийляяпти. Амриқоликнинг олдида деворга ўрнатилган унчалик катта бўлмаган экранга йўналтирилган проекцияли фонаръ турибди. Фил шошмасдан слайдларни алмаштирас, бўйни узун стаканларга виски қуяр ва шархлаб борарди:

– Отамнинг Техасдаги ранчоси... Мана бу сулув суворий қиз эса менинг синглим Джин. Ёввойи Ғарбнинг бирорта сайсида йўл бермайди... Испан урушидан

Сўнгги ва биринчи субҳидам колган лавҳа... Бизнинг журналистлар тӯдамиз... Эрнест Хемингуэй. Шундай адиб борлигини биласизми, Маъруфий? Йўқми? Билиш керак. У ва унинг дўсти Скотт Фитцжеральд буюк ёзувчилар. Хем менга виски ичишини ўргатган... Мана бу эса – Франция, Париж. – Фил кўз кири билан Мэлснинг талвасага тушиб колганини сезди. – Ҳа! Мана бу сизнинг Мустафо Чўкаевингиз. Сизлар таниш бўлганмисизлар?

– Бу бахтга мушарраф бўла олмаганман.

Фил слайдни ўзгартириди – Чўкаев немис зобитлари гурухи ва Туркистон легиони вакиллари куршовида турган суратни намойиш килди.

– Бунисини қаранг-а? Ахир, бу суратдаги айнан сизнинг ўзингиз эмасмисиз? Чапдан учинчи бўлиб турибсиз! Олифтагарчиликни йигиштиринг, мистер Маъруфий. Бу факт сизнинг ўзингизсиз! Дарвоке, агар унутмаган бўлсангиз, бу сурат Мустафо Чўкаевнинг ўлдирилишидан икки кун аввал олинган-а!

– Максадингиз нима, Фил? – бўғик овозда сўради Мэлс.

– Максадим сизнинг ўзингизга ўзингизни таништиришдан иборат! Бу буюк воқеани унутиб бўларканми?

– Товламачилик билан ўзингизга оғдириб олмоқчимисиз?

– Йўқ, – Фил бепарволик билан қадаҳларга виски кўшгач, Мэлсга синчков кўз ташлаганича ичимликни сипкорди. – Мен сизни ёллаяпман. “Пешанага бир чертиб ёллаш” дейилади бу. Шахматда мот ҳолатига тушиб қолишини, яъни одамнинг хеч қаерга қоча олмай, танлаш ҳукуқига эга бўлмай колганини кўрганмисиз? Ёллаётган томон эса қўлида етарли маълумотлар бўлгани учун тўлиқ муваффакият козонишига ишонади. Ўзингизни босиб олинг, Мэлс. Ичинг.

— Фил, вактингизни бекорга сарфлаяпсиз. Бу хийлангиз менга ўтмайди.

— Утади, Мэлс. Мен сизнинг Мустафо Чўқаевнинг ўлдирилишига тўғридан-тўғри алокадор эканлигинги ҳақидаги хужжатли маълумотларга эгаман. Уларни мўмай пул эвазига кўлга киритганман. Кейин. Сиз неча йил шўро хавфсизлик хизматининг хуфя айғоқчиси бўлганингизни ҳам биламан! Қолаверса, сиз бу факти ни немис контрразведкасидан сир тутяпсиз. Немислар шу қадар ўз ишларига пухталарки, хотирангизнинг бу даражадаги “хом”лигини асло кечирмасликлари аник. Дарвоқе, сизнинг бу ишга алокадор эканлигинги ҳақидаги аниқ маълумотлардан ташкари тирик гувоҳларим ҳам бор. Ҳозир улар шу ерда, ёнгинангизда ва сизни ичак-чавоғингиз билан бирга фош килишга шай туришибди. Шундай экан, ўзингизни у ёқка, бу ёққа ташлайвермасдан дархол нафси ламбрига ўтиб қўя колайлик.

— Хўш, мендан нима истайсиз, Фил?

— Ҳозирча, Мэлс, ўзингизни бежиз ўқ сарфлашдан тийишингиз керак. Мен сизга бу ерда, Осиёда жиддий мартабага эришишингизга кўмаклашмоқчиман. Менинг отамни, демак, мени ҳам, бу мамлакатларнинг қазилма бойликлари ўзига жалб килган. Масалан, нефть. Вақт ўтиб, тақдир сизни менга дучор этгани учун дўппингизни осмонга отасиз. Уруш тамом бўлади. Германиянинг фойдасига эмас, албатта. Урушдан кейин дунё бошқача қиёфага киради. Мэлс, куръани тўғри ташлай билиш керак.

— Менинг тасаввур қилишимга кўра бу роль учун менга қараганда Бахтиёр кўпроқ тўғри келган бўлармиди.

— Бахтиёрми?... У сиёсатчи эмас, хурматли Маъруф Маъруфий. Ва асл ўйинчи ҳам эмас. Бахтиёр ахлокий-маънавий ҳиссиётларга таянади. Уни бирор

Сўнгги ва биринчи субҳидам
томоннинг ғалабаси ё маглубияти ҳаяжонга солмайди,
у ўз халки манфаатлари, маънавияти, миллий тиклани-
ши ғоялари билан нафас олади... Дейлик, сиз Бахтиёр-
нинг ўз устодига, яъни Фитратга қўл кўтаришини кўз
олдингизга келтира оласизми?

МУФТИНИ КУЗАТИШ ОНЛАРИ

Масжид ҳовлисида суворийлар учун йўлга ҳозир-
ланган икки от ва юк ортилган икки от туради. Шу ер-
нинг ўзида муфтининг муриди ва Хайрулла мухтарам
пирнинг чикишини тавозе билан кутаётган эдилар.

Толиб эшон эса ўз хужрасида Бахтиёрга сўнгги тав-
сияларини баён этмоқда:

– Маъзур тутинг, ҳазратим, – эшонга мурожаат қил-
ди Бахтиёр. – Балки сиз яна бир бора ўйлаб кўриб, му-
софирчиликка мени ҳам бирга олиб кетарсиз?

– Йўқ, йўқ! – қўлларини силтади муфти. – Мен бу
муҳим ишимизни кимга ишониб ташлаб кетаман? Йўқ,
Бахтиёржон, сен Кобулда бўлишинг, менинг номимдан
барча ишларни бекаму кўст бажаришинг керак. Аммо
Маъруфийдан бир сония ҳам кўз узма. У тобе бўлган
зотларнинг мақсад ва манфаатлари бизларнинг муддао-
ларимизга тўғри келмайди. Аммо Вали Қаюмхон нега-
дир айнан Маъруфий она юртимизга мусулмон кўши-
нини бошлаб борсин, деган иddaосидан қайтмаяпти.

– Қўрбошилар ҳеч қачон ўша иккисизламачининг ул-
кан кўшинимизни бошқариб боришига рози бўлмайди-
лар, ҳазратим.

– Бу тўғри. Мен икки фатво ҳозирлаб қўйдим. Мана
бу биринчиси, – муфти Бахтиёрга ёрлиқни узатди. –
Бунда мен сени ўзимнинг ворисим, яъни ўринбосарим
қилиб тайинлаб, менинг номимдан иш юритиш ҳукуки-

ни беряпман. Буни ҳаммага етказарсан. Мана буниси эса иккинчи фатво, – бошқа ёрлиқни тутқазди. – Мен барча құрбошилардан ҳарбий ишларда мухтарам Нуршермат құрбошига бүйсунишларига қатый тусда даяват килганман. Иккинчи фатводан фойдаланиш ё фойдаланмаслик үзингга ҳавола...

Муфти мусоғирчиликка биттагина муриди ва икки отга юкланған құч-құрони билан жұнади. Бахтиёр ва Хайрулла уларни шаҳар ташқарисигача кузатдилар ва отликлар водийни четлаб үтиб, дара йүлиға тушиб құздан ғойиб бүлгунларика ортларидан маъюс қараб турдилар...

ПОКИСТОНЛИК МАЪЛУМОТ БЕРАДИ

Хайрулла гүё ушбу эски мусулмон қабристонидаги мозорлардан бирини тартибга келтирған киши бўлиб, аслида бу ерга олиб келадиган йўлларга ҳушёрлик билан кўз кирини ташлаб үтиради.

Узокроқда, қабристоннинг буталар билан қопланған овлоқ бурчагида эса покистонлик қария ўзи топган маълумотларни Бахтиёрга сўзлаб берәётган эди:

– Эрон орқали олиб келинган ўша карvon ягона эмас экан. Ундан ҳам йирикроқ иккинчиси энг янги қурол-яроғ ва йўрикчилар гуруҳи билан фашистик ташкилот дарғалари етагида Покистон орқали олиб келинмоқда. Пешоварда карvonни Маъруфийнинг инглиз миссиясидаги одами кутиб олади. У карvonни Помир тоғлари нинг жануби-ғарбий тарафига бошлаб кетади. У одам аллақачон Кобулдан жұнаб кетди... Энди “Оят куни” ҳакида. Улар Наврӯзниң бириńчи кунига белгилаган операцияларига ана шу махфий номни беришган. “Оят куни” Мұхаммад Зохиршоҳ ҳаётининг сўнгги кунига айланиши режалаштирилган. Анъанага кўра шу куни

хукмдор Миллий бокқа кўчат ўтқазгани боради. Тантанали маросим чоғида унинг жонига қасд қилмоқчилар. Бу мудхиш режа немислар томонидан тайёрланмоқда. Уни покистонлик осийлар амалга оширадилар. Немислар Зохиршоҳни шўролар билан муносабатни бузмасликка аҳд қилгани учун ёқтирмаётпилар. Шоҳ уларнинг қўлларини боғлаб турибди. Шу боис уни йўлдан олиб ташлаб, тахтга шоҳнинг очиқчасига немисларга ҳавас билан қарайдиган кичик укасини ўтқазмоқчилар!

ЗИДДИЯТ

Ашир чойхоначи нимадандир қаттиқ қўрқкан. У Бахтиёрни иморатга киритгач, бошини чиқариб кўчанинг икки тарафига ҳам диқкат билан қараб олганидан кейингина ўзини ичкарига олиб, эшикни зичлаб ёпди.

– Бахтиёржон, сиз сўраган жаноб шу ерда, Заринанинг ёнида. Икки кундирки, жононнинг хонасида тунаб қоляпти. Тинмай конъяқ нўш этяпти. Ранги қорайиб кетган, мен унинг бундай абгор ҳолатга тушганини ҳеч қачон кўрмаган эдим, – шивирлади чойхоначи.

– Сиз нега шивирляяпсиз, Ашир? Ё бизларни ҳам тинглашлари мумкинми?

– Йўқ, йўқ, нималар деяпсиз? – уялиб кетди Ашир. – Аллоҳнинг ўзи кечирсин, мен бошқаларга қулоқ тутаман, деб шунга ўрганиб қолибман. Ва мана, қўрганингиздек... Уч кун аввал покистонлик келган эди. Узок сухбатлашдилар. Кўп бора сизнинг, муҳтарам Толибжон эшоннинг, хатто Зохиршоҳ ҳазрати олийларининг исмлари тилга олинди. Жуда ёмон ишга қўл уришяпти, шекилли. Агар янглишмасам тез орада...

– Тушунарли, Ашир. Демак, тез орада денг. Раҳмат... Мени жаноб Маъруфий ўша покистонлик билан учраш-

ган хонага олиб боринг. Кейин унинг ўзини ўша жойга таклиф килинг.

– Балки аввал унинг ўша ердаги холатига бир назар солиш керакмикин? – айёrona кулди Ашир...

Қалин мовут билан дидсизгина қилиб безатилган кичиккина тахмонли хона бўйлаб Мэлс асабий қадам ташларди. Кўрпалари кўпчиб ётган юмшоқ ўринда ётган Зарина мушук уйқули хумор кўзлари билан маҳбубига тикиларди. Мэлс эса у бечорага умуман эътибор берадётгани йўк.

– Менинг жанобим, – сўзларни чўзиб, унчалик хам интикликни аён этмаган оҳангда чорлади уни маъшукаси. – Икки кундирки, рангингизда ранг қолмаган, қаттиқ қайғудасиз. Келинг, сизни бағримга босиб, ғамингизни аритай. Ёки сизнинг Заринангиз жонингизга тегиб кетдими? Ё мени ортиқ севмай қўйдингизми?

Мэлснинг қулогига ҳеч нарса кирмас эди...

Бахтиёр маҳфий тирқишининг олдидан узоқлашди, Ашир тешикчани ёпиб кўйди.

– Чақиринг! – буюрди Бахтиёр.

Мэлс стол ёнида ўтирган Бахтиёрни кўриб ажаблангани йўк.

– Изимга тушганмидинг?

– Излаб топдим.

– Мени тинч қўйганинг маъкул эди. Бу аввало сен учун фойдалидир.

Мэлс ўтиб, Бахтиёрнинг рўпарасига эмас, ён томонга чўкди.

– Толиб эшон ҳазратлари Кобулни тарк этдилар, – дағдагага эътибор ҳам бермади Бахтиёр. – У ўз ваколатларини менга бериб кетди. Мана, муфти ҳазратларининг фатвоси.

Бахтиёр букланган қоғозни очди, Мэлс унга күз кирини ташлади-да, оркасига ўгирилди.

– Мэлс, йигитларимизнинг дала қўналғалари тинч эмас. Одамлар сабру чидамларидан айрилмоқдалар. Уларни бу қадар иложсизлик ҳолатида қолдириб бўлмайди. Маблағ ҳам, курол ҳам йўқ.

– Мен сизларга бир марта маблағи ҳам, куроли ҳам мўл карвонни келтирган эдим, шекилли, – зарда билан кулимсиради Мэлс.

– Жаноб Расмус бизни барча зарур нарсалар билан таъминлашга ваъда берган эди. Мен барча дала командирларини олдиндан йифишим ва йўл-йўриклар беришм учун исённинг аниқ саналарини билишим керак. Мухтарам эшон ҳазратлари...

– Сиз нега ҳамма нарсага ўз муфтингизни балогардон килаверасиз? – Мэлс столга бутун вужудини ташлаб дарғазаб башараси билан Бахтиёрга яқинлашди. – Нимани ва қачон бажаришни ўзим яхши биламан! Вали Каюмхон жаноблари фақат мени ўзининг муҳтор вакили қилиб тайинлаган. Фақат менга герман қўмондонлиги фавқулодда ваколатлар берган! Фақат мен ислом озодлик лашкарига қўмондонлик қилишим керак ва шундай бўлади ҳам! Сен ҳаммасини тушундингми, Бахтиёр?

– Ҳаммасини эмас, – курсининг суюнчиғига курагини тиради Бахтиёр. – Мана Толибжон эшоннинг яна бир фатвоси. У бу фатвога кўра, Катта қурутойга Бош қўмондон лавозимиға Нуршермат қўрбошини тасдиқлашни тавсия этганлар.

– Бер! – қўлини шитоб билан чўзди Мэлс, аммо Бахтиёр ёрликни қўйнига тикиб улгурган эди. – Менинг йўлумда қўндаланг турма, Бахтиёр. Мен ҳозирча сенинг кимга хизмат қилаётганингни билолмай ҳалакман, лекин...

— Ўзингни босиб ол, Мэлс! Бирок мен сенинг кимларга хизмат килаётганингни яхши биламан. Факат немисларгагина эмас, албатта!

— Мени ким чув тушираётганини тахмин қилиб юрардим. Энди аниқ билдимки, бу сенсан!

Мэлс чўнтағидан тўппончасини чиқариб, уни Бахтиёрга тўғрилади:

— Сен ютқаздинг, Бахтиёр. Коғозларни бер-у, туёғингни шиқиллат. Ишимизга халакит берма. Тез орада бу ерда ҳамма нарса ўзгаради. Немислар қайтиб кетади. Максадимизга эришишимизга ҳеч нарса тўғанок бўла олмайди.

Бахтиёр Мэлснинг елкаси оша тикилиб, “йўқ” маъносида сезилар-сезилмас равишда бошини чайқади. Мэлс бир силтаниб олдинга юрмоқчи бўлди-ю, ўзининг орқасида Бахтиёр нимани кўрганини билиш истаги устун келиб, ўша ёкка бурилди. Бахтиёрга кераги шу эди – у яшин тезлигидаги зарба билан тўппончани уриб туширди. Мэлс учиб бориб полга тушган қуролнинг кетидан сапчиди.

— Ўтири, Мэлс! Хайрулла чумчукнинг кўзини ҳам бехато нишонга олади.

Мэлс орқасига ўгирилиб, эшик ёнида пастга туширилган кўлларида наган ушлаб турган Хайруллани кўрди.

— Бунчалик кўп ичма, — сўзлашда давом этди Бахтиёр. — Шароб аклни хиралаштиради, идрокдан айиради. Айни кезда сен билан биз жуда тетик, бардам, хушёр бўлмоғимиз шарт. Буюк мақсадни кўзлашимиз лозим. Шундай эмасми? Ва сен менга качон қурол, маблағ олишимиз ҳамда хужум качонга режалаштирганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар беришга мажбурсан!

Мэлс жимиб қолди. Бахтиёр ўрнидан туриб тўппончани кўлга олиб, ўқдонни бўшатди. У тўппончани Мэлс-

нинг үнг, ўқдонни сўл томонига, ўкларни тўғри олдига қўйди.

– Сенинг шубха-гумонларинг масаласига келадиган бўлсак. Мен эмас, сен хавфсирашинг керак. Бу ерда сен билан қизиқиб юрган ва сенинг ҳозирги ҳамда аввали ишларингдан яхшигина хабардор одамлар анчагина. Дарвоқе, Ильенко деган зот эсингдами? Тошкент Чекасининг катта терговчиси. У шу ерда, шўро миссиясида. Шундай экан, ўзингни қўлга ол ва эҳтиёт бўл... Бу ердан бизлардан беш дақиқа кейин чикиб кетасан.

Бахтиёр орқасига ўғирилди-да, шаҳд билан чикиб кетди. Хиёл кутиб тургач, Хайрулла хам унинг изидан юрди. Мэлс эса хам қилт этмасдан ўтирас ва донг қотганича очик эшикка термилиб қолган эди...

ТОЛИБ ЭШОННИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Тун зулмати оғушидаги уч нафар отлиқ кишлоқ чеккасига етиб келишди. Ёмғир шивалаб ёғарди. Отларнинг атайин латта боғлаб қўйилган туёклари сукунатга путур етказмайди. Суворийлар отдан тушдилар. Иккиси отларнинг юганларини учинчисига бериб, кишлоқ томон йўл олишди. Улардан бири қоронғилик ичидагам тузуккина йўл топиб бораради.

Бошқа турар-жойлардан бирор белгиси билан ажраби турмаган оддий кулба олдида тўхтадилар.

– Шу ерда, – деди биттаси.

Кулбани гир айланишди. Кичкинагина дарчадан хира нур тарагиб турарди. Ичкарига қарашли.

Толиб эшон тиззасига қофозни кўйганича ниманидир ёзиб ўтирибди. Енгил шитирлаш эшилди. Толиб эшон бошини кўтариб қулок тутди. Эшиқдан кираверишдаги кигизда хизматкор ухлаб ётибди. Жимжитлик.

Кандайдир шарпа кўрингандек бўлдими? У яна хатчўпга эгилди.

Эшик тараклаб очилди. Хонага икки одам бостириб кирди. Ҳеч нарсани англай олмаган мурид ўрнидан туришга уриниб кўрди. Бостириб кирганлардан бири унинг бошига тўппонча дастаси билан урди. Иккинчиси қўркувдан улкан қўлларини олдинга чўзганича донг қотиб қолган муфтининг устига борди. Толиб эшон бакирмоққа чоғланди-ю, аммо ҳалқумидан култ-култ этган хириллаш эшитилди, холос. Ҳаммаси бир сўз айтилмасдан юз берди...

Икки қотил ўз отлари ёнига кайтиб келиб, эгарга сапчиб миндилару ортларига ўгирилдилар. Қишлоқ четидаги бир қулба олов ичидаги қолган эди. Суворийлар отларига камчи босиб, ёмғирнинг тўр пардаси тортилган коронгилик ичидаги кўздан ғойиб бўлдилар...

БАХТИЁРГА ҲОЗИРЛАНГАН ТУЗОҚ

Машина бурилишга чиққанида кескин тормоз берди. Йўл улкан дараҳт танаси билан тўсилган эди.

Ва дарҳол ўқлар визиллади. Ўқлар кузовга қопланган темирга, кабинанинг олд ойнасига дўлдек ёғилди.

Хайрулла машинани оркасига буриб, газни босди. Ортдан ўқ узишда давом этардилар. Ўша бурилиш, аммо ортга қараб хайдашди. Сал юргач, яна бир тўсикқа дуч келишди. Хайрулла бу ерда ҳам машинани ортга буришга муваффақ бўлди.

– Рулни қўлга олинг! – деди у ёнида ўтирган Бахтиёрга.

Жой алмашдилар. Хайрулла ўриндиқ остидан автоматни сугириб олди ва граната ҳозирлади. У буларнинг ҳаммасини бори-йўғи икки-уч сонияда бажарди.

– Олға!

Бахтиёр газни босди. Бурилиш. Тўсик ортида душманлар. Яна ўқка тутишди.

– Тўхтанг!

Хайрулла очик машинада ростланди-да, автоматдан ўқ окимини йўллаб, бир пайтнинг ўзида граната улоктириди. Портлашдан хосил бўлган тутун булути таркалмасдан туриб машина олға интилди.

– Ўнгрокка ҳайданг! – буйрук берди Хайрулла.

Бахтиёр машинани йўл ёқасидаги зовурдан ўтказиб, яна йўлга чиқарар экан, Хайрулла автоматдан ўқ сели ёғдиришни тўхтатмас эди. Бурилишдан хужум қилгандарнинг иккинчи гурухи югуриб чикишди. Аммо машина аллақачон очик йўлдан ғизиллаб борарди.

Анча юрганларидан кейин Бахтиёр машинанинг тормозини босди. Хайрулла машинадан чиқиб, уни гир айланди, бошини чайкади ва рулга ўтириди.

– Покистонликларми? – сўради Бахтиёр.

Хайрулла тасдиқ маъносида бош иргади.

– Мэлс жуда шошмоқда, – хуолоса чиқарди Бахтиёр. – Демак, бизлар ҳам шошмасак бўлмайди... “Оят куни” жуда яқин колди, шекилли...

ПОЛЯКЛАРНИНГ ЙЎЛАГИ

Бахтиёр Домашкевичга берилган маълумотларни жамулжам қилиб, деди:

– Шундай қилиб, пан Владек... Биринчиси. Қурол ортилган карвон Покистон ҳудуди орқали Пешоваргача бориб, ундан Афғонистоннинг жануби-ғарбидаги Помир тизмаларига йўл олади... Иккинчиси. “Оят куни” – Наврӯз ойининг биринчи куни. Миллий боғда Мухаммад Зохиршоҳнинг жонига қасд қилинади... Туркистон лашкарининг бутун бошликлари жам бўлишади.

Улар Ашир чойхоначи емакхонасининг хуфя хужрасида учрашаётган эдилар.

– Пан Бахтиёр, – ўйга толда Владек. – Биз сиз билан немислар ва иттифоқдошларининг қитиқ парларига қаттиқ тегиб қўйдик, шекилли. Аммо менга бир фикр сира тинчлик бермаяпти. Биз поляклар эндилиқда тенг яrimдан икки қисмга бўлиниб қолдик. Бирларимиз – Лондонда, бошқалар Москвадан кўним топишган. Бизларнинг олдимизда ягона умумий иш – фашизмни тор-мор этиш вазифаси турибди. Бирор максадларимиз турли-турлича. Московлик поляклар ғалабадан кейин коммунистик режим ўрнатишни исташади. Биз лондонлик поляклар эса фашизм билан коммунизм орасида у қадар катта фаркни кўрмаяпмиз. Биз ҳозир қай тарзда фашизмга қарши курашаётган бўлсак, урушдан кейин ўз коммунистларимиз билан демократик Польша учун шундай курашамиз.

– Бизда эса ундан мураккаброқ вазият мавжуд, пан Владек. Бирларимиз – Берлинда, бошқаларимиз – шуерда, Эронда, Шинжонда, учинчилар эса – улар роса кўпчиликни ташкил этади, Қизил Армия сафида немисларга қарши жанг қилишяпти. Кўриб турганингиздек, менинг шўрпешана халқимнинг бирлиги ҳақида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

– Аммо сизлар бу ерда ҳам, Берлинда ҳам немислар тарафидасизлар. Сизлар шўроларга қарши хужумга ҳозирлик кўряпсизлар. Тўғрими?

– Вазият сиз ўйлаганчалик эмас, пан Владек. Немислар учун бизнинг тақдиримиз сарик чакалик ҳам қимматга эга эмас. Улар бизлардан шунчаки ўз максадлари йўлида фойдаланишяпти.

– Сизнинг максадингиз-чи? Шахсан сизники, пан Бахтиёр? Бу мен учун ўта муҳим. Мен ўзим учун англаб олишни истайман.

– Менинг мақсадим – менинг халқим. Унинг бахти, бирлиги, келажаги.

– Сизнинг нұқтаи назарингиз биз полякларнинг маслагимизга үшшар экан. Факат битта сизда иккі поляқ, биринчиси – лондонлик, иккінчisi – московлик поляқ мужасасам бўлиб турғандек. – Владек кулимсиради. – Сиз қалтис үйин олиб бормоқдасиз. Ҳатто менга қараганда ҳам таваккалроқ тарзда. Пан Бахтиёр, сиз бўлғуси Туркистон хукуматида юкори лавозимни эгаллашни кўзда туяпсиз-а?

– Йўқ, пан Владек. Ҳеч қачон бундайин фикр каламга келган эмас.

– Бу шундай. Сиз оловнинг ичидан бошқалар учун қаштан тортиб олишдан қайтмайдиганлар тоифасидансиз...

ҲИКМАТБЕКНИНГ СҰНГГИ ДАМЛАРИ

Ҳикматбек хуфтон намозини тугатган чоғ ибодат ҳужрасининг эшигини эшитилар-эшитилмас чертишди ва бир неча сониядан кейин остоңада муриднинг қомати кўринди.

– Ҳа, яна нима гап? – норози оҳангда сўради Ҳикматбек. У танҳо колган, айниқса, Яратган Эгамга илтижо килган дамларида тинчини бузишларини асло хуш кўрмас эди.

– Мухтарам жаноб, хузурингизга меҳмонлар келибди.

– Яна қандай меҳмонлар?!

– Қариндошларингиз экан, – мурид сўзини тугатмасидан унинг оркасида иккى одамнинг сумбати кўринди. Ҳикматбек улардан бири Мухиддин эканини таниди, иккінчisi – анча ёш йигитнинг башараси унга бутунлай нотаниш эди.

– Сен менга хеч қандай қариндош эмаслигингни огоҳлантирган эдимми? Нега келдинг? – Ҳикматбекнинг овози ғазабдан қалтираб кетди.

– Қариндошимизми, йўқми, буниси одамларнинг ўзлари ажратиб оларлар, – истехゾ билан жавоб берди Мухиддин. – Куръони Каримда барча мусулмонлар бир-бирига биродар эканлиги ёзиб қўйилган. Биродарлар эса бир-бирига ёрдам беришлари, айниқса, қийин вазиятга тушиб қолганларида кўллаб-кувватлашлари лозим. Мана, биз ҳам сендан кўмак олишни истаймиз. Ва факат маънавий жиҳатдан эмас, моддий томондан ҳам кўллаб-кувватлашингизга муҳтоҷмиз.

– Сен менинг аллақачон сизларнинг қинғир ишларингизга аралашмай қўйганимни яхши биласан. Менинг маблағларим етим-есирларга, эҳтиёжмандларга, масжидга аталган... Сизларнинг ишларингизнинг зиғирча аҳамияти йўқ мен учун. Тамом. Сизлар бўшсизлар!

Хужрага уч барзанги йигит кириб, эшик ва дераза олдини тўсдилар.

– Шундай бўлса, биз ҳам сенинг юзингта туфлаймиз...

Мухиддин кескин ҳаракат билан Ҳикматбекнинг олдига борди-да, сўл кўли билан чолнинг ёқасидан бўғиб, ўзига тортди, усталик билан ўнг кўлидаги пичоқни сездирмасдан жигарига санчди.

Ҳикматбек ҳаво етишмаганидай оғзини каппа-каппа очди, кўзлари хонасидан чикқудек каттайди, бўғик овозда ғўлдираб, меҳробга қулади.

– Намоз ўқи, хоин, гуноҳларинг ювилади, – ғазаб билан хитоб килди Мухиддин. Ва йигитлардан бирига ўгирилиб:

– Мен қўлга иладиган нарсаларни йиғиб олгунимча хизматкорга ғамхўрлик қил... жойи жаннатда бўлмоги учун!

Мэлс юз берган раҳмизлиқдан ҳаяжонини боса олмай үзини эшик томонга урди.

МЭЛС ВОҚЕАЛАРНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ПАЙИДА

— Маъруфий самолётни ижарага олди. Хусусий самолётни. Учувчиси турк. Эрталаб учиб кетишди, — ахборот берди Хайрулла.

— Қаерга?

— Аниклашнинг иложи бўлмади.

— Демак, Пешоварга жўнабди-да. Бошка учадиган жойи йўқ унинг. — Ўйга толди Бахтиёр. Кейин ёзув столига ўтиб, бир даста муҳрланган конвертларни олди-да, Хайруллага узатди. — Бугундан колдирмай барча кўрбосилиарга етказ. Наврўзнинг биринчи кунида Санѓите-пада Катта қурултой ўтказилади! — у яна ўйга толди. — Биз унинг орқасидан етиб ололмаймиз. Үзиб кетишнинг иложи ҳам йўқ. Демак, бизлар ҳам самолёт топишимиз керак...

ХИЁНАТ УЧУН ТЎЛАНГАН ХУН

Фил О’Брайен ва Ильенко хитой ресторанида сухбатлашишяпти. Ҳали чошгоҳ маҳали бўлишига карамасдан Ильенконинг кайфи ошган, америқоликда эса кайф ёхуд мастликдан ном-нишон йўқ эди.

— Сизлар, америқоликлар ажойиб ўғлонларсизлар, — вайсар эди Ильенко. — Сизлар билан ишлаш енгил, ҳамидан қил суғуриш билан баробар. Худди биз русларга ўҳшайсизлар. Ичишни, жононларни кучишни хуш кўрасизлар. Орамизда биттагина фарқ бор — сизларда ҳамма вакт муллажиинг мўл, бизларнинг чўнтагимиз-

дан эса бир мири ҳам топилмайды! – қаҳ-қаҳ уриб кулди Ильенко. – Хорижда пулсиз бир кадам күйиб бўлмайды.

– О, Макс! Агар хоҳиш бўлса мўмайгина пул топса бўлади!

– Менинг ишларим чаток, Фил, – Ильенко қайфни енгиш учун кўзларини каттароқ очди. – Мени ортга, Иттифоқка қайтаришяпти. Бу ҳақдаги депеша (расмий хабар – изоҳ таржимонники) аллакачон кетган, якунний жавоб келишини қутишяпти, – қўлларини бепарво силтаб қўйди. – Ҳаммаси аён, жавоб келгач фронтга юборишади. Элчихона учун мен энди бегонаман. Аммо у ерда бир муҳим тадбирга тайёргарлик кўришмоқда. Ўта жиддий тадбирга. Ҳар куни мажлис чакирилади-ю, лекин мени яқинига ҳам йўлатишмайди... Балки қочиб кетсаммикан? Ё бу ерда яшириниб, изларимни йўқотайинми?

– Сен маслаҳат сўраяпсанми? Ё бирор жўяли таклифинг борми?

– Балки бордир ҳам, – Ильенко чинни қадаҳга лиммо-лим виски куйди ва мастиликдан сузилган кўзларини жаноб Филга тикка қадади. – Мўмай долларлар мени тешиб чиқмас, ахир.

– Макс, тўғрисини айт: ким ким учун ишляяпти? Сен Маъруфий учунми? Ёинки Маъруфий сен учун ишляяптими?

Ильенко ичаётган шароб томогига тиқилиб қолди:

– Бу гапни кай гўрдан олдинг, Фил?! Ҳеч қандай Маъруфийни билган эмасман!

– Аммо Мэлс Бойзоковни жуда яхши биласан, Макс. Тошкентда у сенинг кўл остингда ишлаган. Бу ерда-чи?

– Сиз америқоликлар жуда ғаройиб халксизлар-а, – муғомбирлик билан кулди Ильенко ва ниҳоят қадаҳда колган вискини охиригача ичиб юборди. – Қанча?

– Нимани назарда тутмокдасан?

– Долларларни-да!..

Амриколик жавоб беришга улгурмади...

Кўчанинг ҳар хил тарафидан икки автомашина жадал юриб келиб, рестораннынг рўпарасида тўхтади. Иккаласидан ҳам автомат ўқлари улар ўтирган томонга дўлдек ёғдирилди...

Дераза шишалари тўкилди. Узилган биринчи ўқларданоқ Ильенконинг хамиртуруш бўлган тумшуғи талинкага урилди. Фил эса ўзини полга отди, чўкка тушиб, дераза ва эшик орасидаги қўшимча деворга елка тиради. Унинг чап қўли билагигача қонга беланганди. Яна икки бора ўқ узилганидан кейин машиналар моторларини гуриллатиб қарама-карши ёқларга бирдан физиллаб кетдилар.

Стол остидан даҳшатдан кийик қўзлари олайганча чикиб келган хитой официант стол устида эгилиб қолган бежон Ильенкога аянч билан тикилди. Амриколик столга қайтиб келиб, Ильенконинг соchlаридан тортиб калласини кўтарди ва ҳаёт нишонаси аллақачон сўниб бўлган қўзларига тикилди.

– Ҳа, Макс. Энди сен хеч качон доллар ишлай олмайсан, – ва официантга бақирди. – Полицияни чақир!

ОЧИҚ СЎЗЛАШИШ ФУРСАТИ ЯҚИН

Туш пайти – “Турк ҳаммоми”да одам сийрак бўладиган палла. Фил ва Бахтиёр очиқ сузиш ҳавзаси ёнига чиқарилган стол атрофида ўтиришибди. Чўмилаётган одам ҳам йўқ. Сал наридаги теннис кортида ёш жуфтлик завқ билан ўйнамоқда. Филнинг кўллари танғиб кўйилган.

– Мен сени ўша кимса билан “таништириб” кўйганим учун виқжоним кийналяпти, Фил, – деди Бахтиёр. – Бу

сенга шунчалар азият келтиришини тасаввур хам килмаган эдим.

– Ильенкога омад кулиб бокмади. Сен ҳали хам ўша хужум Маъруфий томонидан ташкил этилди, деб хисоблайсанми?

– Икки марта менга тиш қайраб кўришди. Толиб эшон ўлдирилди. Энди сен, Ильенко... Буларнинг ҳаммаси ўша мальун ҳакида кўп нарса биладиган, унинг қинғир ишларига кўндаланг турган одамлар. Эҳтиёт бўл, Фил. Қотиллик йўлига кирган аглаҳ ҳеч қачон бу ўйлдан кайтмайди.

Фил ўзига виски, Бахтиёр эса чой қўйиб олишди. Бир-бирига тикилиб, беихтиёр кўзларида қулгу қалкди. Уларда бири-бирига нисбатан ўзаро ҳурмат, ишонч юзага келган эди.

– Ҳозир Маъруфий каерда? – сўради Фил.

– Пешоварда. Фахмлашимча, ўша ерда бўлиши керак.

– Немислар Россияда йирик бир ўзгаришга ҳозирлик кўришаётгани ҳакида миш-мишлар юрибди. Сизлар хам жанг майдонига чиқасизларми?

– Йўқ, – Бахтиёр унинг кўзларига тикка қаради. – Умид киламанки, йўқ.

– Уларнинг ошиғи олчи бўлиб кетса-чи?

– Улардан омад аллақачон юз ўғирганига ишончим комил.

– Ўзи нималар юз беряпти, Бахтиёр? Сенинг бу кадар очиқ гапиришинг камдан-кам ҳодиса-ку.

– Ҳар нарсанинг ўз... Эътибор берма.

ХИБС ҲАҚИДАГИ ХАБАР

Бахтиёр ёзув столи ёнида ўтириб узок ўйга толди, ўйлаганларини ва ракамли қайдларни когозга туширди. Хотира гўдак учун мўлжаллаб тўкиётган кўйлагининг

Сүнгеги ва биринчи сүбҳидам
бичимидан тез-тез кўз узиб, орзиқиб жавоб кутган ха-
вотирли нигохини қадаяпти. Сўз бошлаш Бахтиёр учун
хеч қачон бу қадар қийин бўлмаган эди.

Мана, ниҳоят икковининг ҳам нигоҳлари учрашиб,
хеч бири кўзларини четта ололмай қолди:

– Хотира, – деди Бахтиёр. – Бизларни олдинда оғир
синовлар кутмоқда. Якин кунлар ичида мени ҳибсга
олиб, турмага тикишади.

Хотира бундай интиҳога тайёр юрган экан. У кўзла-
рини вазиятни англаган кўйи юмди ва бошини силкитди.

– Сенда унчалар кўп бўлмаган маблағ қоляпти. Агар
менинг қамок муддатим чўзилиб кетадиган бўлса, уйни,
жихозларни сотишга тўғри келади. Хайрулла арzonрок уй
топиб беради. У сен билан Холидага ёрдам бериб туради.
Бироз вакт сабр қилишга тўғри келади, жоним. Уруш ту-
гайди. Ва ўшанда Аллоҳ изн берса, Ватанимизга кайтамиз.

У эрининг ёнига келиб қаттиқ хўрсинди, жуфти ҳало-
лини кучиб, бошини мард инсоннинг кўкрагига қўйди...

Уйкусиз ўтган ўша видолашув туни тугаб, тонг оқа-
ришига яқин колганида Хотира оҳиста сўради:

– Севгилим, сиз ҳибс ҳақида олдиндан хабар топган
экансиз, нега яширинишни ёки бошқа мамлакатга қо-
чиб кетишни истамаяпсиз?

– Шундай қилиш керак, Хотира. Ҳар кандай ҳолатда
ҳам мени ҳибсга олишлари шарт. Менинг ўзим ҳибсга
олишларига лойик харакатлар қиляпман. Бир умрга тан-
лаган ишимнинг манфаатлари шуни талаб қилмоқда...

ҚУШ ПАРВОЗИ БАЛАНДЛИГИДАН

Кичик ва кўринишидан мўртгина биплан қалин бу-
лутлар аро сўкир парвозини амалга оширяпти. Унинг
кабинасида учувчи билан ёнма-ён ўтирган Бахтиёр

пастга булутларнинг орасидан кичкина бўлса ҳам очик жой топиш умидида синчилаб тикиляпти. Оркада биринчи бора парвоз шавқини туюётган Хайрулла тош маъбудага ўхшаб жим ўтирибди...

Бирдан топ-тоза мовий фазо қўзларни қамаштириб юборди. Қалин булат девори ортда қолган эди. Қуёшнинг мўл нурлари остида аскар тогларнинг қорли тизмалари ярқираб кўринди.

– Мана, Покистонга ҳам етдик! – бақирди учувчи.
– Нима? – тушунмади Бахтиёр.
– Покистон дедим! Тез орада катта шимолий йўл кўринади!

Бахтиёр бош силкиб, тушунганини англатди ва тоғ тизмалари, даралар, водийлар, ирмок ҳамда жигалардан иборат замин каштасига тикилди. Хайрулла эса бу гўзал манзарага қўз қирини ташлаб кўяр, айни чоғда шунчалар юкоридан пастга қарашга қўркар, ўз викорини сақлашга ҳам уринарди.

– Катта йўл кўринди! – қўлини олдинга ва хиёл четга чўзганича кичкирди учувчи.
– Йўл бўйлаб уч! Оркага қараб! – бақириб жавоб қайтарди Бахтиёр.

Учувчи штурвални охиригача буради ва самолёт итоаткорлик билан қия томонга ёнбошлаб уча бошлади.

Биплан Покистон Катта шимолий трактининг илонизи йўналиши бўйлаб учди. Йўл ўзининг баландпарвоз номига мутлако тўғри келмас эди. У автоулов юриши мумкин бўлган, аммо айрим жойларига икки машина ҳам сифмайдиган оддий тоғ йўли эди. Йўлнинг айрим ўринларида йирик-йирик коя бўлаклари – тош тушишининг нишоналари ётарди. Жилгаларнинг бўйларида кичкинагина кишлоклар кўринарди. Якка-ёлғиз отликлар. Юк уюмлари ёинки ўтин ортилган хачирлар...

Аммо Бахтиёр бирдан сергак тортиб олдинга интилди, гавдасининг белидан юқори қисмини кабинадан чиқариб кўзойнак билан ҳимояланган юзини шамолга тутди. Ҳатто Хайрулла ҳам самолёт дарчасига эгилди.

Автоколоннанинг қуйруғи қўринди.

– Пастроқ уч! – талаб килди Бахтиёр. – Янада пастроқ!

Самолёт ер бағирлаб учганича ўн-ўн беш юк машиналаридан иборат автоколонна устидан ўтди. Карвон йўлни тўсган улкан тош олдида тўхтаб қолган эди. Тош уюмини тозалаётган одамлар бошларини кўтариб кичкиришар, кўллари билан пўписа килишарди.

– Яна бир бора қайтиб кел! – ўтинди Бахтиёр.

Биплан тор водий устида орқага айланди ва яна ер бағирлаб учиб гўё ҳужум қилгандек карвон устига юрди. Энди Бахтиёрнинг бутун дикқати карвон бошида турган “Жип” ва унинг ёнида дурбин ушлаб турган одамга қаратилган эди.

Бу Мэлс эди. У дурбиннинг окуляри, яъни қорачигини яқинлашаётган самолётга тўғрилади.

Яна қайрилиб келишар экан, Бахтиёр Хайруллага ўгирилди.

– Таниб олишдими?

Хайрулла хўмрайганича индамасдан бош силкиди.

Самолёт учинчи марта карвоннинг устига йўл олди...

Пастдагилар қалтис вазиятга тушганликларини пайкашди. Автоматлар тариллади, яккам-дуккам ўклар визиллади. Мэлс кўл пулемётини кучи борича ишга солди...

– Эҳ, абллаҳлар! – ғазаб отига минган учувчи Бахтиёрга қаради. – Икки жуфт фугас бомбаси бор эди. Мехмон қиласизми?

Бахтиёр “йўқ” ишораси билан бош чайқади ва қўли билан олдинга, шимолга қараб учишни буюрди.

Биплан баландликка кўтарила бошлади...

КҮПРИКДАГИ ТҮҚНАШУВ

Икки отлиқ йўлнинг айрилиш жойида тўхташди.
Биттасининг орқасида юк ортилган от келарди.

– Бу йўл шимолга олиб боради, – кўрсатди ўнг томондаги, кўп улов ўтган йўлни Хайрулла. – Буниси эса Афғонистонга, Помирга элтади.

Бахтиёр отнинг бошини сўл томондаги йўлга бурди...

Бирдан йўл тугаб шиддат билан кўпириб окаётган ирмок бўйидаги қаттиқ тоғ жинслари қатламидан иборат кенг дарага туташди.

– Тамом, – деди Хайрулла. – Дарё ирмоғи ўзанини ўзгартириди. У ёғига йўл йўқ.

– Бу ердан машиналарнинг ўтишига имкон бор, – тоғ жинсларидан тузилган йўлга ишора қилди Бахтиёр ва от бошини олдинга бурди...

Улар дарага бош тираган қояни айланиб ўтгач, кўпrikка ва ундан давом этиб кетган йўлни кўрдилар.

Отларидан тушишди. Кўприкни кўздан ўтказиши. У дурустгина, янги, оғир юк ортилган машинага ҳам дош берадиган кўринишга эга эди.

– Бу уларнинг иши, – деди Бахтиёр.

Шу чоғ орқадан овоз чиқармасдан келиб уларнинг хар бирига бақувват барзанги босқинчилар ташланиши.

Хайрулла яшин тезлигидаги ҳаракат билан босқинчининг чангалидан чиқиб, ўнгланди ва ракибнинг орқасига ўтиб, елкасига пичок санчди.

Бахтиёрнинг хуружга жавоб бериши қийин кечди. Хужум қилган барзанги унинг қўлларини орқасига қайриб, этигининг қўнжидан пичок олаётган эди.

Хайрулла ундан олдинроқ ҳаракат қилиб, пичокни мўлжаллаган жойига аниқ санчди. У биринчи барзанги ни ағдариб, башарасига тикилди. Кейин қўлларини ар-

таётган Бахтиёрнинг ёнига келиб, иккинчи душманни кўздан ўтказди.

– Муҳиддин кўрбошининг одамлари, – холосага келди Хайрулла.

– Ишончингиз комилми?

– Уларни яхши биламан. Демак, кўрбошининг ўзлари ҳам шу атрофдалар.

– Мэлс ўзига кутилмаган кўмакчилар топибида, – кулимсиради Бахтиёр.

Ўқ визиллади. У Бахтиёрдан бир сантиметр беридаги тошни куқунга айлантириди. Иккови ҳам дайди ўқларни қай тарафдан кутишни билмаганлари учун ўзларини тошлар орасига таппа ташладилар. Янгидан узилган ўқ унинг йўналишини аниқлаб олиш имконини берди.

Энди Бахтиёр ва Хайрулла улкан юмалоқ тошлар орқасига яшириниб улгурган эдилар.

– Уларни ўзингизга жалб қилиб туринг, – деб қичқирган Хайрулла калтакесак мисол дарё канорига ўрмалади.

Бахтиёр нишонни кўрмаса ҳам ўқ узди. Яна бир марта отди. Ва яна бир марта ўқ йўллади.

Унга жавобан милтиқдан етарли даражада нишонга олинган ўқ визиллади. Аммо энди Бахтиёр душманнинг қаерда эканлигини тушуниб етган эди. Яна бир марта ўқ узди...

Хайрулла сездирмасдан бир неча қадам беридаги жангарининг орқасида пайдо бўлди.

– Хой, йигит! – Хайрулла уни ўқ узилган онда чорлади.

У бир силкиниб, ҳадиксираганича ўгирилди.

– Убайдулло?! – уни таниб қолди Хайрулла. – Қандай ярамас одам бўлиб чиқдинг-а!

Жангари талвасага тушиб затворни қайтаришга тушди.

— Айб ўзингда, — ёзғириб деди Хайрулла куролнинг тепкисини босар экан.

Улар уч босқинчининг жасадларини тошлар тагига шошилинч дафн этдилар-да, қиска бир оятни тиловат қилдилар.

Бахтиёрнинг кайфияти хуфтондек қоронғи эди.

— Куйинишнинг кераги йўқ, Бахтиёржон, — деди Хайрулла.

— Мухиддиннинг одамлари на аёллар, на болаларни аямайдиган каллакесарлар эди. Мухиддин қўрбоши кўнгли бўшларни яқинига ҳам йўлатмайди.

Эгарларга миниб отларнинг бошини йўлдан четдаги билинар-билинмас сўқмоқ томон бурдилар...

ИККИНЧИ КАРВОННИНГ ИНТИҲОСИ

Қош корайиб коронғилик тушгани учун карвон машиналарнинг ёкилган фаралари ёруғида юриб борарди. Олдинда “Жип”, кетидан брезент ёпилган юк машиналари физилляяпти. Йўлдан четга чикқанларида тоғ жинсларининг қисирлаши ва мотор овози қўшилиб қулоқни қоматга келтирадиган сурон ҳосил бўляпти.

Карвон қўприк олдига етгач тўхтади. “Жип”дан Мэлс, покистонлик кимса ва ҳайдовчи тушди. Кўприкка ўтиб, чор атрофга назар солдилар.

— Қўриқчиларимиз қани? — сўради покистонлик.

— Мени шайтон йўлдан уриб, ишга яна ўша муттаҳам Мухиддин қўрбошини қўшганимни қаранг-а! — ич-ичидан сўкинди Мэлс. — Кетдик!

Улар “Жип”га чиқиб, ўз ўринларини эгалладилар-да, қўприкдан биринчи бўлиб ўтдилар. Кетларидан юк машиналари бирма-бир қўзғалди...

Йўлнинг қарама-карши томонидаги баланд кояга кўтарилиган Бахтиёр ва Хайрулла ўзларини сездирмасдан карvonнинг ҳаракатини кузатиб туришарди.

Охирги машина кўприкдан ўтганида Хайрулла таклиф киритди:

– Кўприкни портлатиш керак, шунда улар ўша ердан чиқолмай коладилар.

– Бу ҳеч нарса бермайди, – эътиroz билдириди Бахтиёр. – Факат машиналарни кесиб қўйган бўламиз. Қуролни эса зарур жойга ўтказиб олишади.

Яширин омбор учун кичкинагина, аммо ҳамма ёғидан қоялар билан ўралган майдонча танланган эди. Майдончанинг олис бурчагидаги баландликдан шаршара шовиллаб оқарди. У майдончани кесиб ўтиб, торгина дара орқали кенгликка чиқсан ва тўлиб оқаётган дарёга бориб қўшилган эди. Ўша тор дара орқали машиналар навбатма-навбат ўтиб, рулни шаршарага томон, аникроғи, унинг ёнида қорайиб турган ғорга буришди. У ерда юки туширилган машина кейингисига жой бўшатиб берди. Карвонни кузатиб келганлар ва Мухиддин қўрбошининг одамлари икки ё тўрт кишидан бўлиб оғир кутилар ва катта-катта тугунларни ғорга ўтказишиди. Мэлс, қўрбоши ва покистонлик майдончанинг у ёғидан-бу ёғига юриб, фармойиш беришти.

Кояда, қайрағочлар соясида, ғорнинг рўпарасида жойлашиб олган Бахтиёр ва Хайрулла пастда ғимирлаётган одамлардан кўз узмайдилар...

Улар энди бутунлай қарама-карши томонга ўтиб олишганлари учун кузатув жойлари шаршара ёнида, худди ғорга кириладиган қоянинг устида эди. Хайрулла нозик, аммо узун чилвирга тугунлар тугар, вақти-вақти

билан гулханга оз-оздан, умуман тутун ҳосил қилмасдан ёнадиган қурук шох-шабба ташлар эди. Гулхан тепасидаги мис чойнак шақирлаб қайнади.

Бахтиёр дурбиндан деярлик кўз узмаяпти.

Юк машиналари кетди. Факат “Жип” қолди. Майдонча чодирлар тикланган, пашشاхоналар тортилған, отиш шинаклари ҳозирланган ҳарбий лагерга айланди. Отиш шинакларидан бирида йўрикчи қўрбошининг одамларига автоматдан “кўзғалмас нишон”ларга, бошқасида -- иккинчиси карабиндан пайдо бўлган “тирик нишон”ларга отишни ўргата бошлади. Майдонча марказида йўрикчилар миномёт йиғиб, ўрнатмоқдалар.

Бахтиёр дурбиннинг кўзини Мэлсда тўхтатди. У йўрикчилардан қўл жанги қоидаларини ўрганаётган жангарилар гуруҳини кузатиб турарди. Жангарилар эса наинки ҳаёт, балки мамот учун курашяптилар. Мэлс мамнунилк билан кулмоқда.

– Чамаси у қўрбошининг босқинчиларидан ўзининг хусусий гвардиясини тузишга қарор қилган кўринади, – мийигида кулди Бахтиёр.

– Уларнинг кайфиятини салгина бузиб кўйишга ижозат берасизми? – дея эмаклаб келиб, унинг ёнига чўзилди Хайрулла. Унинг қўлида оптик нишонли милитик бор эди. – Эшитишмайди. Ва гап нимада эканини билишолмайди ҳам.

Ҳакиқатан ҳам шаршара котлованга шу қадар қаттиқ шовқин таратар эдики, пастдан на автомат, на милитик ўқларининг овози эшитилмас эди.

Миномёт эшитилар-эшитилмас чийиллади. Отилган минанинг траектория чизигини ҳосил қилиб, рўпарадаги қояга тушгани ва қайрағочзор орасида портлагани яққол кўзга ташланди.

— У ердан ўз вактида кетганимиз яхши бўлибди, — деди Бахтиёр.

Хайрулла оптик нишонни отиш майдончаси бўйлаб юргизди. Бруствер, яъни ясама дўнглик орқасига яширинган ва улар учун нишонларни гоҳ қўтариб, гоҳ тушираётган одамлар аник кўриниб турарди. Оптик нишоннинг хочи улардан бирининг қаншарида тўхтади. Ўқ овози шаршаранинг шовиллашига сингиб кетди. Хайрулла иккинчи каллакесарга қаратади ўқ узди.

Одамлар нишонлар ўрнатилган томонга отилдилар. Талвасага тушдилар. Кўлларини силкита бошлидилар. Ўқ еганларни бруствер томонга судрашди. Мэлс ҳам ўша жойга қараб чопди.

Миномёт яна бир марта чийиллади. Ва иккинчи мина кайрафчзорда портлади.

— Аллоҳ кўрсатмасину агар миномётни биз томонга бурсалар, — тўнғиллади Хайрулла ва мина терилган қутини нишонга олди.

Ўша жойда ҳозир бўлганларни ва чор атрофни кунпаякун қилган бу портлашнинг товушини шаршаранинг шовиллаши ҳам босиб кетолмади. Лагерда саросима бошланди.

— Ҳозирча етади, — қарорга келди Хайрулла натижадан мамнун бўлиб. — “Мехмон”ларга чойни дамлаб бердик, Бахтиёржон...

Лагер тунги уйкуга чўмган. Бир неча гулханнинг шуълаларида юрган яккам-дуккам одамларгина кўзга ташланади.

— Вақт етди, — деди Бахтиёр.

Хайрулла елкасига салмоқлигина чилвир ўрамини ташлаб, ўрнидан турди. Улар қоялардан иборат тизманинг охирига қараб юришди.

— Мана шу ер, — тўхтади Хайрулла.

Чақилган гугурт шуъласи уларнинг коронғидаги тор тиркишга интилган юзларини ёритди. Гугурт чўпи ёниб тугади.

Хайрулла яна бир гугурт чўпини ёндириди ва қўлини тиркишга тутди. Олов ҳаво оқимининг харакатидан рақсга тушди ва ўчди.

– Эпкин бор, – енгил хўрсиниб қўйди Бахтиёр.

Хайрулла бир неча чилвир ўрамини ташлаб, охири ни дараҳт танасига маҳкам боғлади.

– Энди бизни Аллохнинг ўзи қўлласин!

У шаҳд билан тош туйнукка кирди ва у ерда электр фонарнинг мурватини босди. Бир неча қадамдан сўнг оқ доғли одам пастга тушиб кетди.

Бахтиёр қўлини чилвирнинг учига қўйганча гоҳ ҳаяжонга берилар, гоҳ ўзини босиб оларди.

Бироз вакт ўтгач, чилвир уч марта бир маромда қўзғатилди. Кейин яна уч марта қимиirlади. Энди Бахтиёрнинг навбати келган эди. У ўнг қўли билан чилвирни ушлаганича ғор коронғилигига қараб юрди. Чап қўлида фонарча ёнди. Тушиш анча машақкатли бўлиб, осилиб турган муаллақ қоялар учради. Ундей чоғлар чилвирни кафтига ўраб олишга, секинлик билан метр-ма-метр тушишига тўғри келди.

Фақат бир бора чуқурликдаги туйнуқдан Хайрулла фонарининг шуъласи қўринди.

Таассуфким, факат улар эмас, бошкалар хам бу тунни ўз режаларини амалга ошириш учун танлаган эканлар. Бирок икки ҳамроҳ жангари билан келаётган Мэлс билан Мухиддиннинг улардан фарки, яширинмасдан “Кўршапалак” русумидаги фонарларни ёкиб келишарди...

Бахтиёрнинг фонарчаси ғорнинг тўрида безовта бўлаётган Хайрулланинг юзини ёритди.

– Нима гап?

Хайрулла имо-ишора билан жим келишга буйрук берди.

Форга кирадиган бош туйнукнинг охири ёруғ эди. Форда одамлар пайдо бўлди.

Хайрулла ён томондаги тирқишига кириб Бахтиёрга қўшилди.

– Маъруфий, қўрбоши ва улар билан бирга келганлар...

Мэлс ва унинг ҳамроҳлари улардан уч-тўрт кадам нарида тўхташди.

– Шу ерда! – Мэлс сўнгги тугун ва қутиларнинг устига тахланган ўрамни кўрсатди. – Мана буларни олиб машинага элтинг!

Икки жангари кўрсатилган ўрамлар ёнига боришли. Биринчиси ўрамни жадал кўлга олмокчи эди, кучи етмагани учун дархол тушириб юборди.

– Бов! Буларда нима бор? Шунчалар оғирки!

– Ўқ, дори! – кесиб гапирди Мэлс ва қўрбошига буюрди. – Мухиддин, буларга ёрдам беринг.

Қўрбоши итоатгўйлик билан тугунларни жангари-нинг елкасига олишга кўмаклашди. Оғир юкни аранг кўтарганлари боис чайқала-чайқала юриб кетдилар.

– Улар нимани олиб кетишаپти? – сўради қўрбоши.

– Ҳозир билиб оласиз. Пичоқ беринг.

Мэлс ўрамни очди, кўлини тиккач, сўқинди:

– Ахлат!

– Долларлар-ку, – бир ласта пулни ушлаб олди қўрбоши.

– Сохта пуллар у, – Мэлс кўзи билан чамалаб яна бир ўрамни очди. Қўрбоши қўйнига сохта долларларни тикаётганига кўзи тушгач буюрди. – Ташлаб юборинг. Мана бу ерда фунт стерлинглар бор. Ҳакиқийлари.

Ҳамроҳининг елкасига оғир ўрамни ортган қўрбоши уни чиқиш жойига юр, деб елкасига коқди.

– Бораверинглар!

– Сиз-чи, жаноб?

– Етиб оламан.

Қўрбошининг анча жойга боришини чамалагач, Мэлс яна бир ўрамни очди ва унинг ичидан чарм камар билан боғланган икки кичкина қопни олди. У камарларнинг учларини боғлаб, зилдек огир копларни елкасига ортмоқлаб олди.

– Кетди, – енгил нафас олди қўлидаги узун пичокнинг дастасини қаттиқ кисиб олган Хайрулла.

У яширингандан туйнуғидан чиқиб келди. “Кўршапалак” фонарнинг ёғдуси форга кираверишда охирги марта “ялт” этди-да йўқолди.

– Чикишингиз мумкин.

Бахтиёр ҳам яширингандан жойидан чиқиб келди. Иккови ҳам фонарчаларини ёқиб, эпчиллик билан қурол солингандан кутиларни кўздан ўтказа бошладилар.

– Мана бунисини очинг, – илтимос килди Бахтиёр.

– Хайрулла ханжарини ишга солиб, тезда қопкоқни кўтарди.

– Автоматлар экан.

– Мана бунисини очиб кўринг-чи!

– Портловчи модда экан.

– Балли! – Бахтиёр очилган кутининг ичига назар солди. – Тол солингандан портловчи шашкалар...

– Жойингиздан қўзғалманг! – деб қаттиқ овоз янгради. – Қўлингизни кўтаринг!

Уларнинг ёнига сездирмасдан, фонарларини ёқмасдан, буларнинг фонарчалари ёруғидан фойдаланган ҳолда писиб келишибди. Бахтиёр ва Хайрулла фонарларини ўчирган ҳолда иккови ўзларини икки тарафга олишди. Форнинг ичи зимистонга айланди. Ва шу он кўрқинчли ҳайкириқ эшитилди. Синдирилган кутилар ғичирлади. Темирнинг жангир-жунгури эшитилди.

– Ҳаммангиз эшитиб олинг! – Бахтиёрнинг овози янгради. – Менинг қўлимда граната бор. Тайёр килиб турибман. Ёнида портловчи тол моддаси солинган қути!

Чап қўли билан у қайтадан ёқилган фонарчасининг нурини боши узра қўтарилиган ва катта танкка карши гранатани қисиб олган ўнг қўлига қаратди.

– Отманглар! Асфалософилинга учиб кетамиз!

– Жуда тўғри хулоса чикардингиз, Мэлс! – Бахтиёр унга фонар нурини қаратди.

Кейин пастда олишаётганларни ёритди. Ерда Хайрулла билан Мухиддин бир-бирини бўғаётган эдилар.

– Хайрулла уни қўйиб юборинг! Мэлс! Бир зумда бу ерда қорангиз ҳам колмасин! Акс ҳолда...

– Сен аклдан озгансан! – ҳайқирди Мэлс ва бошини чангллади. – Орқага! Ҳамма орқага! Ҳамма ғордан чиқсин!

Қонга беланган қўлини қўкрагига босганча Мухиддин ортга чекинди. Орқага ўгирилган икки жангари ҳам ғордан илдам чиқиб кетди. Энг охирида Мэлс чекинди.

– Ақлингни йиғ, Бахтиёр, – кўндиришга уринди Мэлс. – Ахмоклик қилма! Фор тўла портловчи модда! Чиқиб кетинглар! Қасам ичиб айтаманки, сизларга ҳеч ким тегмайди! Сочингиздан бир тола ҳам тушмайди!

– Бас қил! Гранатани кўряпсанми? Мен уни нима килишимни биласанми?

Мэлснинг шарпаси бир лаҳза ғорнинг оқариб турган кириш туйнугида тўхтади-да, ғойиб бўлди.

– Гранатага нима бўлди? – сўради Хайрулла.

– Чилвирнинг ортиқчасини тез кесиб ташланг... Энди махкам ўранг. Тугунсиз боғланг.

Хайрулла эхтиёткорона иш тутган ҳолда гранатани ҳалқама-ҳалқа чилвир билан ўради ва Бахтиёр босқич-ма-босқич қисилган кафтларидан юбора бошлади.

– Етади, портловчи тол солинган қутини ол! – Бахтиёр гранатани ерга күйди. – Кутини устига күйинг. Мана шундай қилиб.

У енгил нафас олиб ўрнидан турди.

– Бахтиёр! – яна Мэлснинг овози эшитилди. – Яхшиликча келишиб қўя қолайлик! Бу англашилмовчиклик-ку!

– Тошингни тер! Бир нарсани ўйлаб олишга фурсат бер, – деди Хайруллага. – Кетдик.

– Ҳозир, – Хайрулла Мухиддин томонидан ташлаб кетилган “шмайссер”ни олиб бир неча “магазин”, яъни ўқдон билан хуржунига солди. – Жуда яхши нарса, коримизга яраб қолади. Мана бу ҳам ортиклик қилмайди. – У хуржунга бир неча даста сохта долларларни тиқди.

– Тезрок! – шоширди уни Бахтиёр...

Улар полда ёқиғлиқ фонарни колдириб горнинг узун ковагига яширинишди...

Бахтиёр қоянинг тепасига биринчи бўлиб чиқди-да, қўлини узатиб Хайрулланинг чиқишига кўмаклашди. Улар қоянинг четига бориб, пастга қарашди. Майдончанинг марказида “Жип” айланар, ёркин фаралари билан уйқудан сапчиб турган лагер аҳлини ёритарди.

– Кетишяпти, – афсус билан деди Хайрулла.

– Кетдик. Жин чалсин уларни...

Улар ғорнинг туйнуғига қайтиб келишди. Бахтиёр чилвирнинг учини дараҳт бутоғидан ажратиб олгач, унинг таранглашганини сезгунга қадар эҳтиёткорлик билан чиқариб олишга киришди. Шундагина улар чилвирнинг бўшатилган учи имкон берган масофагача ғор туйнуғидан узоклашдилар.

– Тайёрландик, – буйруқ берди Бахтиёр ва Хайрулла ҳам икки кўли билан чилвирга ёпишди. – Бир, икки... уч!

Улар биргаликдаги кескин харакат билан чилвирни каттиқ тортдилар.

Ва гумбирлаган портлаш янгради!

Дахшатли портлаш водийни худди вулқон отилган лахзада тараладиган фавқулодда нур оқими билан ёритиб юборди.

Олов Бахтиёр билан Хайрулла турган жойга яқин бўлган фор ёриғидан ҳам отилиб чиқди.

Ва бир сониядан кейин иккинчи, янада дахшатлироқ портлаш юз берди.

Қоялар кукунга айланди.

Лагердаги одамлар портлаш тўлкинида чўплардек чирпирак бўлиб, тош бўлаклари остида қолиб кетди.

Портлаш тўлкини Мэлс ва унинг ҳамроҳларини “Жип”-дан пардек учириб юбориб, мажақланган ва тўнтарилган машинанинг ўзини дарё ирмоғига улоктириб юборди.

Фор ости эса ҳамон тинмай гумбирлашда давом этарди.

Бахтиёр ва Хайрулла ҳамма нарса жимиб қолганида ҳам нима юз берганини ҳали тушуниб етмаган эдилар.

Кейин сукунат аро шаршаранинг ўкириги кучая бошлади...

ХАЙРУЛЛА БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Икки суворий энди тонг оқара бошлаган паллада Кобул шаҳрининг асл мўъжизага ўхшаган манзараси яккол қўзга ташланиб турган адир тепасига етиб келишди. Яна бироз юргач тўхташди, аммо тулпорларидан тушмасдан бир-бирини қаттиқ бағирларига босдилар. Сўнгра узок, зимдан бир-бирининг қўзларига меҳр билан боқишли, орқаларига ўгирилиб, иккаласи икки томонга равона бўлишди.

Хайрулла Кобулга қайтиб кетди.

Бахтиёр эса Сангитепага йўл олди...

НАВРЎЗНИНГ ИЛК КУНИ

Кобул миллий боғига олиб келадиган барча йўллар тундан бошлаб афғон хавфсизлик хизмати томонидан бекитилган эди.

Чор атрофдаги биноларнинг томларига чорловга шай мергандар яширинишган.

Боғнинг ўзи ўлик сукунат оғушида қолганга ўхшарди.

Ногоҳ яшил ракета шиддат билан осмонга қараб ўрлади. Бу чорловга биноан яқин мавзедаги кўчалардан бронетехника, автомашиналар, мотоцикллар ўқдек учиб келишди. Бир зумда боғ атрофидаги бинолар ўраб олинди. Боғнинг ичи қаричма-қарич кўздан ўтказила бошланди.

Маъмурий бинолардан бирининг олдида отишма юз берди. Ҳар лахзада у қақшаткич тусга кира бошлади. Бино томидан темир арқонлар воситасида қўлга олиш гурухи тушиб, иморатнинг ичига ёпирилишди.

Боғнинг бошқа томонида жанг бошланди.

Зоҳиршоҳ ҳазратлари кўчат ўтқазиши мўлжалланган жойда даҳшатли гумбурлаш рўй берди – давлат тўнтиришини амалга ошироқчи бўлган кучлар олдиндан тайёрланган қудратли фугасни портлатишли.

Атрофдаги уйларга яширинган босқинчи тўдалар ўз кисматини англаб етганлари боис қаттиқ каршилик кўрсатмоқда эдилар. Бирортаси тирик қўлга тушгани йўқ...

Айни шу дақиқаларда Кобулдан механизацияланган қўшин гурухи қўзғалиб, йўлни шимолга, Сангите пага бурди...

Кобул тонг уйқусидан бош кўтара бошлаганида кўп сонли карнай ва сурнайлар садоси мусулмонларнинг буюк байрами Наврўзи олам кирганидан хабар берди...

ХИБСГА ОЛИНГАН ҚУРУЛТОЙ

Бахтиёрнинг таклифига биноан кўрбошилар Катта Қурултойга жам бўлган Сангитепада байрамона хушчақчак кайфият хукмрон эди. Бу ерда ҳам Наврӯзи оламни нишонлашаётган эдилар. Ёниб турган гулханларда бус-бутун сўйилган хўқиз ва қўйлардан иборат каттакон сихлар айлантирилиб, дошқозонларда ошлар дамланяпти.

Кўрбошилар сабрсизлик билан карвонсарой ва унинг ҳовлисида тентирашарди.

Бахтиёр ҳовлидаги пастак стол ёнида коғоз титиб ўтиради. Нуршермат кўрбоши келиб, унинг қошидаги курсига чўкди.

– Нега бошламаяпмиз?

– Жаноб Маъруфийни кутяпмиз.

– Тез орада палов пишиб қолади.

– Қурол ва пуллар ҳакидаги барча маълумотлар жаноб Маъруфийда. Усиз қандай килиб тақсимлаш мумкин? Қолаверса, ҳеч ким бу қурол ва пулларнинг қаерда эканлигини билмайди.

– Кун тартибида бошка масалалар ҳам борми? – деди қўрбоши қизиққонлик ва қайсарлик билан.

– Бор, – маъқуллади Бахтиёр. – Бош қўмондонни сайлаб олишимиз керак. Менда жойи жаннатдан бўлсин муфти Толибжон эшон ҳазратларининг фатвоси бор. У қурултойга сизни, муҳтарам Нуршермат, Бош қўмондон қилиб сайлашни тавсия этган. Аммо жаноб Маъруфийда Вали Қаюмхоннинг фармони бор.

– Берлинга жуфтагини ростласин-да, ўша ёқда хўжайнлик қилсин! – ғазаби қўзиди Нуршерматнинг. – Бу тирранчани кутиб ўтирмаймиз!

– Пуллари нима бўлади? Қурол-яроғ-чи?

Нуршермат ўйга толди...

Бу пайтда бир суворий кишлоқ бўйлаб терга ботган отини қаттиқ чоптириб келарди. Отни қамчи билан савалаб, йўлни ҳам танлаб ўтирмасдан қичқираарди:

– Бизни сотишибди! Қуролланинг, биродарлар! Бизни ўраб олишяпти! Қўлга курол олинглар!

Карвонсарой олдида тўпланиб турган кўрбошилар кутурган отликдан ўзларини четга олишди. Чопар отда тўппа-тўғри карвонсарой ховлисига кириб келди:

– Афғонлар! Улар жуда кўп! Кобулда Зоҳиршоҳни ўлдирмоқчи бўлишибди! Бизни ўраб олишяпти! Улар сон-саноқсиз!

Саросима бошланди. Кўплар кўлларига курол олдилар.

– Ўзингизни тутиб олинглар! – оломоннинг ғовурини босишга уринди Баҳтиёр. – Отманглар! Эшитиб олинглар! Қаршилик кўрсатиш бефойда эканини кўриб турибмиз-ку! Қуролларимизни ташлашдан бошқа йўлийук. Ташланглар!

Кишлоқка аллақачон афғон куролли кучларининг етакчи кисмлари кириб улгурган эди. Ҳамма томондан Сангитепага отлик қўшинлар елиб келишарди.

Факат Нуршермат кўрбоши бошчилигидаги ўн чоғлиқ суворийлар курсовдан айқириб оқаётган дарё томонга чиқдилар. Уларни таъкиб қилганлар изларидан етай деб қолдилар. Кўрбоши юзини осмонга буриб, овоз чиқармасдан оят ўқиди-да, “Омин” дея отига қамчи босиб, жониворни ўзи билан бирга баланд жарликтан саркаш дарёга сакрашга мажбур қилди. Атиги икки нафар навкар унинг кетидан дарёга отилишди. Қолганларнинг бу хатарли ишга юраклари дов бермади, таслим бўлишди. Қочганларнинг ортидан ўқ узишар эканлар, сув юзида одамларнинг ҳам, отларнинг ҳам бошлари гоҳ кўринар, гоҳ кўпикли тўлкинлар остига кўмиларди. Шиддатли оким уларни тутиш учун дарёнинг чукурли-

ги отларнинг қорнигача келадиган жойда кутиб турган йигирма нафардан ортиқ ағонларнинг олдига элтди...

Берилган бир зарбда рахнамосидан айрилган туркестонликлар құшинининг кишанланган бошлиқлари карвонсарой олдидаги майдонда отлик аскарлар куршовида бир-бирига тиқилишиб туришарди.

— Ва мана ҳаммаси тугади, — секингина айтди Бахтиёр ва унинг сұзларини ҳеч ким эшитгани йўқ...

Хибсга олинганлар орасида Бахтиёрға кўзи тушган ёши улуғ зобит отини унинг ёнига ҳайдади:

— Ва мана яна бир марта учрашишимизга тўғри келди, муҳтарам зот.

Бахтиёр бир вақтлари Мэлс билан иккисини ағон-эрон чегараси якинида ҳибсга олган зобитни таниди.

— Бизнинг Зоҳиршоҳ ҳазрати олийларини хуш кўрмайсизлар-а?

— Нимани назарда тутаётганингизни тушунолмадим, жаноб зобит.

— Тушунасан. Сенларнинг дўстинг Юсуфшоҳ ўз газандалар тўдаси билан бирга давлатга хиёнат килгани учун ҳибсга олинган. Кизик, бу сафар сен учун ким елиб-югурап экан?

Бахтиёр асл самимият билан қулимсиради:

— Ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан вожиб бўлгай...

ЎЗ ЖОНИГА ЎЗИ ҚАСД ҚИЛИБ

Эрта тонг эди. Қуёш дарахтларнинг учлари, хали уйқу оғушидаги шаҳар томларига олтин нурларини соча бошлаган, янги куннинг бўёклари аста-секин кўзга ташланаётган эди.

Юсуфшоҳ тонг олдидаги ушбу эрка онларда ширин уйқу кучоғида эди. Ёнида, бошини унинг елкасига кўйганича навниҳолгина сулув аёл ухларди.

Эшик енгилгина ғичирлади ва хонага охиста кадамлар билан фуқароча кийимдаги киши ва зобитлар либосини кийган икки ҳарбий киришди.

Фуқаро кийимидағи киши кат қошига жимгина келиб, күрпани секингина тортиб ухлаётганларнинг устини очди.

– Бу қандай ҳазил бүлди, жин урсин? – дея уйкусираган холда түнғиллади Юсуфшоҳ ва күрпани ўзига шундай қаттиқ тортдики, аёл шир ялонғоч қолиб кетди.

– Туринг, жаноб, сиз ҳибсга олиндингиз, – босиқлик билан ҳорғин оҳангда деди фуқаро кийимидағи киши.

– Қанақа ҳибс?! – кўзларини очиб, газаб билан хитоб килди Юсуфшоҳ.

Кўркувдан шу он яна кўрпани иягигача тортиб олди.

– Мен Хавфсизлик хизматиданман, булар эса, – фуқаро кийимидағи киши қули билан ортида турғанларга ишора қилди. – Сизни қўриклаб борадиган аскарлар. Сиз учун келишди...

– Мен ташқи ишлар вазирлиги департаментининг юқори лавозимли амалдориман! – бакириб юборди Юсуфшоҳ. – Мен Зохиршоҳ ҳазрати олийларининг энг яқин қариндошиман! Ва менинг уйимга бостириб кириш учун сизлар ҳеч қандай ҳак-хуқуққа эга эмассизлар.

– Эгамиз, мухтарам жаноб, ҳамма ҳуқуқларга эгамиз. Мана, сизни ҳибсга олиш учун ҳазрати олийлари девони мудири имзолаган ордер, – ва қофозни узатар экан қўшиб қўйди: – “Сиз давлатга хиёнатда айблана-сиз”... Сиз эса бошқа хонага чиқишингиз мумкин, – муружаат қилди у ҳадик ва уятдан ўзини йўқотган, аммо ўзининг ялонғоч танини гулдор ҳарир матога ўрашга улгурган аёлга.

Ва ҳарбийларга юз буриб кисқагина буйрук берди:

– Тинтувни бошланг!

Ҳаммаси тамом бўлганини тушуниб етган Юсуфшоҳ бирдан юмшаб, кийимларига қўл чўза бошлади.

Кийиниб бўлгач, бўйик овозда:

– Мен уйимдагилар билан хайрлашмоқчи эдим! – деди.

– Уни кузатиб бор, – деди фукаро кийимидағи киши зобитлардан бирига.

Иккови чикиб кетишиди.

Бир неча дақиқадан кейин уйнинг аёллар истиқомат қиласидиган томонидан ўқ овози янгради ва ожизаларнинг қий-чуви эшитилди.

ТУРМА ДАРВОЗАЛАРИ ЁНИДА

Хибсга олинганларни шаҳарнинг гавжум кўчали-ри бўйлаб олиб ўтишди. Бахтиёр боши қуи солинган Нуршермат билан ёнма-ён борарди.

Турма яқинидаги оломон ичидаги Хотира турибди. Унинг орқасида Хайрулланинг азamat гавдаси алоҳида ажралиб кўринарди.

Маҳбуслар уларнинг рўпарасига келганида Хотира бакириб юбормаслик учун оғзини кафтлари билан қаттиқ ёпди.

Бахтиёр унинг нигоҳини қалбан сезиб, дарҳол оломон ичидан топиб олди. Уларнинг нигоҳлари учрашди. Бахтиёр тўхтади, далда бергандек кулимсиради. Аммо шу уни кўриқчилар томонидан илдам юришга мажбур килинган маҳбуслар турткилаб юборишди.

Хотира ҳам йиғлар, ҳам куларди.

Маҳбусларни Демазанг турмасининг ланг очик дарвозаларига ҳайдаб киритишгач, дарвозалар ғичирлаб ёпилди...

ЎЛИМГА МАҲҚУМЛАР КАМЕРАСИДА

Бахтиёрнинг қўллари ҳам, оёклари ҳам кишанланган эди. Занжирнинг иккинчи учи якка маҳбуслар учун мўлжалланган камеранинг шилимшиқ тошли деворига зич килиб маҳкамланган эди. Уни сўроқ қилишга ҳам олиб чиқмайдилар – терговчи ўзининг буклаб йифиладиган курсиси билан камерага келади...

– Ўжарлик килманг; – ялқовлик билан ўта ғайрат килмаган ҳолда сўроқ килади терговчи. – Сен жосуссан. Немис разведкасига хизмат килгансан.

– Йўқ, – бошини чайкади Бахтиёр. – Мен муфти ҳазратлари Толибжон эшоннинг камтаргина котиби эдим, холос.

– Икковингиз ҳам немислар учун ишлагансизлар.

– Йўқ. Мен айрим холлардагина муфти ҳазратларининг маҳсус топшириғига кўра турк ва япон дипломатларига тегишли хат-хабарларни олиб борганман.

– Менга қара, сенга карши шундай далиллар борки, умуман ўжарлик килмаганинг маъкул.

– Менга адвокат беришларини талаб қиласман.

– Истагингни қара! Давлат душманига адвокат бериш мумкин эмас. Сен суд ҳам қилинмайсан, катл ҳам қилинмайсан. Сен шунчаки бу ердан хеч качон тирик чиқмайсан, вассалом...

ТОШКЕНТ “ЧЕКА”СИДА

(Ўтмишдан бир саҳифа)

– Эшит, абллаҳ! Мен сени бу ердан тирик чиқариб юбормайман! – столга гурсиллатиб мушт уради ёш терговчи Ильенко. – Сен менга ҳаммасини айтиб берасан!

Бахтиёр миқ этмайди, Ильенкодан бошка томонга карайди.

– Сен мени эшитяпсанми, мараз?! – Ильенко қўлларини столга тираганича Бахтиёрнинг устига эгилади. – Фитрат аксилшўровий яширин ташкилот тузганини тасдиқла. Исмлар! Учрашадиган жойлар! Хуфя сўзлар! Манзиллар!

– Ҳеч қандай ташкилот йўқ эди. Адабий тўгарак бор эди, холос.

– Сен менинг бошимни қотирма!

Ильенко жоҳил, бетакаллуф терговчи бўлиб доим қўли қичиб турарди:

– Яшашдан умидинг бор бўлса, баённомага имзо чек!

– Ҳалол одамларга тухмат ёғдирмайман.

– Эҳ, сен қайсар эшак! – Ильенко сапчиб туриб табуреткада ўтирган Бахтиёрнинг устига чайкалганча шаҳд билан бориб, солланиб турди.

– Айтганларингни яна бир марта қайтар-чи?! – тишларини ғижирлатиб ғазабини аранг босганича талаб қилди Бахтиёр.

– Қайсар эшак! – кийшайиб кулди Ильенко.

Кескин, худди пружина мисол ростланган Бахтиёр боши билан терговчининг ияги остига қаттиқ зарба берди.

Ильенко учиб бориб столга елкаси томонидан чўзилиб қолди.

– Эҳ, сен ярамас! Кимга карши қўл кўтартганингни биласанми?

– Минг афсуским, қўлларим боғланган.

Ильенко унинг юзига қулочкашлаб мушт урди. Бахтиёр полга юзтубан йикилди. Ильенко беадаб сўкишлар билан уни тепишда давом этди.

Бахтиёр юзини олиб кочишига уринар экан, Ильенко этиги билан айнан унинг башарасини кўзлаб тепди...

– Бу ерда нималар бўляпти?!

Эшик ёнида икки чекист – ёши улуғи ва навқирони турарди.

Ильенко кафти билан қизариб, терга ботиб кетган юзини сидирди. Кафтида қон күринди. Қон оғзининг бир бурчагидан сизарди.

– Мана, ўртоқ бошлиқ, – Крепсга кафтини кўрсатди. – Жиноятчи мени калтаклади.

– Жиноятчи эмас, терговдаги шахс, Ильенко! Нега унинг кўллари боғлаб қўйилган?

– Ёвв... Тажовузкор!

– Сиз тергов ишидан четлаштириласиз! Буйрукка биноан хисоб беринг! Тамом. Боринг.

Ильенко нафрат тўла ғазабнок кўзлари билан қаранича чикиб кетди.

– Николай, унинг кўлларини бўшатинг. Ва сув келтиринг...

ЎЛИМГА МАҲКУМЛАР КАМЕРАСИДА

(давоми)

Юзлари осилиб, бурни сўппайиб, саросимага тушган кўзлари киртайиб қолди. Бахтиёр елкасини деворга тираганича такир полда ўтирибди. Узоқ кунлар якка маҳкумлик азоби ўз ишини қилди, сиҳатига, мия тизимиға каттиқ путур етказди.

– Маъруф Маъруфий деган одамни биласанми?

– Ҳа, – бепарволик билан жавоб берди Бахтиёр. – У каерда?

– Унинг қаердалигини мен сендан сўраяпман?

– Билмайман.

– Сизлар ҳамтовороксизлар. Сизларнинг иккингиз хам немис разведкасига хизмат килгансизлар.

– Йўқ. Мен факат турклар ва японлар билан муносабатда бўлганман.

– Маъруфий-чи?

- У шўро жосуси.
- Тингла, сен менинг бошимни қотирма. Маъруфий – немис разведкасининг ходими.
- У шўро жосуси. У бизларнинг қуролли карвонларимизни йўқотди. Икки карвонимизни.
- Сен алаҳсирамаяпсанми?
- Йўқ...

ТОШКЕНТ “ЧЕКА”СИДА

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Бошқа кабинет. Бошқа одамлар. Уни манфур Ильенконинг исканжасидан ҳалос килганлар. Каттаси – Михаил Владимирович Крепс. Кичиги, тахминан Бахтиёрнинг тенгдоши – Николай. Унинг олдида қоғоз ва қалам турибди. Аммо ёзмаяпти, факат тинглайди ва нимагадир кулимсирайди.

Крепс гапиради:

– Мен сизнинг у қадар катта бўлган гуноҳингизни кўрмаяпман, Бахтиёр. Аммо замон шунаقا. Сиз ҳақингизда меҳнат жамоаларида маълум ва матбуот орқали ҳам отнинг қашқасига айлангансиз. Сиз бизнинг тузуммизга душман бўлган одам сиймосига айлангансиз. Сизни судга беришга мажбурмиз. Бошқаларга ибрат бўлсин деган маънода. Бу эса минг бора афсуским, сизнинг ҳаётингиз бир умрга издан чиқади, айниб кетади, деганидир.

Бахтиёр барчасига кўниккандек ёши улуғ чекистни тинглайди.

Телефон жиринглайди. Крепс гўшакни кўтариб, кулоқ тутади.

– Яхши, ҳозир бораман. – У столдан туради. – Николай, сухбатни давом эттиринг. Бошлиқлар чакирияпти...

Николай ўрнидан туриб бошлиғига эҳтиром кўрсатади, Бахтиёрга таскин бергандек қулимсирайди, дераза олдига келиб, ромларини очиб юборади. Кабинетга Бахтиёр аллақачон унутиб юборган шаҳар шовқини киради.

– Осиёни яхши кўраман, – дейди Николай унинг рўпарасига ўтирас экан. – Мен Тошкентда туғилганман. Отам почта хизматчиси эди... Москвага ўкишга жўнатишди. Уйни шундай соғинган эдимки... Агар ҳарбий интизом бўлмаганида барчасини ташлаб, ортга қочиб келган бўлардим. Ҳаммасидан кўпроқ ўкишни тугатгач, бу ерга йўлланма беришадими, йўқми, деб кўрккан эдим. Беришди. Ўзбек, тожик тилларини билганим иш берди. Умуман мен тил ўрганишга тузукман, – у Крепснинг столидан чойнакни олиб, пиёлага чой қуиди ва Бахтиёрга узатди. – Ич. Чой ичмасанг, каердан куч оласан? Кел, “сенсираш”га ўтамиз. Бизлар бир йилда туғилганмиз-ку... Сен маълумотли, зиёли инсонсан, Бахтиёр. Янгишмасам, сен аллақачон биз Михаил Владимирович иккимизнинг мақсадларимиз, дейлик, Ильенконинг ниятларидан бутунлай бошқа эканлигини англаб етдинг. Шунинг учун сени ўзимизга олдик... Айтгин, муҳожирликда сенинг қариндош-уругларинг ёки таниш-билишларинг борми? Айтайлик, Эронда, Афғонистонда?

– Билмадим, – бош чайқади Бахтиёр. – Менимча, йўқ.

– Йўқлиги қўриниб турибди. У ёқдаги ҳаёт ҳақида нималарни биласан?

– Деярлик ҳеч нарса билмайман.

– Турли одамлар у ёққа бориб ўрнашишди, Бахтиёр. Бир-бирига умуман ўҳшамайдиган одамлар. Минг афсуски, уларнинг қўпчилиги ёлғонга авраб олиб кетилган камбағаллар. Қийинчилик, қаҳатчилик ва қашшоқликда яшашяпти. Асл душманларимиз эса улар-

нинг қалбларида Шуро ҳокимиятига нисбатан ғазаб үтени ёқишаپти. Гүёки уларнинг укубатларига бизнинг ҳукуматимиз айбдор эмиш. Уларни гижгижлаб, қуроллантириб Туркистон республикаларига хужумга ҳозирлашаپти. Фашистлар Германияси у ерларда үзининг чиркин ишларини бошламокда. Бизга у ерда бамаъни, етти үлчаб бир кесадиган одамлар керак. Токи душманнинг қинғир ишларидан үз вактида хабардор килсин. Яъни оддий одамларнинг кулоғига лағмон осиб, уларни лақиллатиб, қирғинбарот нишонига қўйиб, тўп емига айлантирмасин. Мен нимага шама қилаётганимни тушундингми?

– Тушуна бошладим, шекилли.

– Кўриб турганингдек, Бахтиёр... Сенинг таржимаи ҳолинг, ҳозир сен билан юз берган воқеалар, Фитрат билан дўстлигинг, газеталардаги маколаларинг ва нихоят камоққа олинишинг, барча-барчаси ӯша хизматда катта наф келтириши мумкин. Сен у ёқда ҳар қандай шубҳа-гумондан йирок бўлган бўлардинг... Биз сенга тарғибот юритаётганимиз, эркингга дахл қилаётганимиз йўқ. Агар ҳаммасини ӯзинг обдон ӯйлаб, тарозига солиб, зарур хulosани чикарсанг, бир қарорга келсанг, яхши бўларди. Сен ӯз халқингга, бизларнинг халқимизга қанчалар муҳим кўмакни берган бўлардинг! Бу ерда ҳам, у ерда ҳам. Ӯйлаб кўргин, Бахтиёр...

ЎЛИМГА МАҲҚУМЛАР КАМЕРАСИДА

(давоми)

Бахтиёр оғир нафас олар, хансирар, хириллар эди. Боши беихтиёр кўкрагига осилиб колган эди. У терговчининг сўзлаётганини ҳеч ҳам ҳис қилмаётган, савол бераётганини умуман сезмаётганди.

– Сен Маъруфийнинг шўро жосуси эканлигини айтган эдинг... Мени эшитяпсанми? Ўша қўрсатмаларингни тасдиқлайсанми? Сенда далиллар, фактлар борми? Тўғрисини айт. Бу сенинг қисматингни енгиллашириши мумкин... Сен жавоб берасанми, йўқми? Ҳей, сенга нима бўлди, ўзи?

Терговчи ўз курсисидан туришга, Бахтиёрнинг ёнига келишга, елкасидан туртишга мажбур бўлди. Кишанлар жаранглади. Муаллак бўлиб қолган калла у ёкка-бу ёкка эгила бошлади.

– Ухлаб қолдингми?

У Бахтиёрнинг соколидан тортди, бошини кўтариб, юзига тикилди. Ва даҳшатдан оркага ташланди.

Боши деворга тиралиб қолган Бахтиёрнинг бутун юзи терлама тошмаси билан қопланган эди.

– Шифокорни чакиринг! – бакирди турма дахлизига чиқкан терговчи. – Тезрок шифокорни чакиринглар!

Ва даҳшат билан ўзининг бир лаҳзада пуфакли че-чак билан қопланган қўлларига тикилиб қолди.

ХОТИРАНИНГ ЎГИРЛАНИШИ

Хотира турма дарвозаси яқинида туриб, ундан киприкларига ёш тизилган кўзларини узолмас эди. Иккала қўли билан у бир бўғчани кўкрагига босиб олган.

– Ҳар куни келасан-а? – унинг ёнида худди шундай бўғча кўтариб олган кампир тўхтади.

Хотира тасдиқ ишорасида бош иргади.

– Қабул қилишмаяптими?

Хотира йўқ дегандек бош чайқади. Кампир камгап аёлни тинч қўйиб, нари кетди.

– Салом, жияним!

Хотира қўркинч билан орқасига ўгирилди. Унинг олдида хунук тиржайганича Мухиддин тоғаси турарди.

— Эрингга ул-бул опкелдингми? Бехуда келибсан! Улар учун ҳеч вако олишмайди. Алоҳида хавфли жиноятчилар тоифасига киради у. Уларни энди йўқ деб хисобласа ҳам бўлади. Сабаби улар ҳеч қачон Демазанг турмасидан чиқмайди.

— Нега бу оҳангда гапиряпсиз?

— Хўп, майли, майли. Аслида сенинг эрингни хуш кўрмасам ҳам сен ва кизингни аяганим учун ёрдам бераман. Менинг бир танишим шу турмада назоратчи бўлиб ишлайди. Унинг қошига борамиз. У бу нарсаларингни Бахтиёрга киритиб беради. Албатта, мушук бекорга офтобга чиқмайди. Сенда пулдан борми?

— Пичагина пулим бор.

— Майли. Ўзим тўлайман. Унинг уйида қиска ҳат ҳам ёзиб берарсан. Кетдик, машинага.

Мухиддин кўрбоши унинг кўлининг билагидан юкорисидан ушлаб, енгил тортиб, шу яқин атрофда кутуб турган машина томонга бошлади...

— Мени қаерга олиб кетяпсиз?! – ҳадиксираб сўради Хотира машина шахар ташкарисига чиқиб кетганида.

— Менинг ишларим касодга учради, жияним! Қашшокдан ҳам беш баттартман! – хохолаб қулиб юборди кўрбоши. – Ва мана озрок пул ишлаб олишга қарор килдим. Бизнинг сулоламиздан ҳамиша гўзал аёллар чиқкан, Хотира! Яхши молга ҳамиша харидор хозир бўлади. Сени сотиш учун яна бир имконият келганини кара-я!

— Онам топган ўлим сизга озлик килдими, эй аблак одам?

Кўрбошини тўсатдан қалтироқ тутди. У ҳайдовчининг елкасидан ушлади ва ҳайқириб юборди:

— Тўхта! Машинани тўхтат!

Бир лаҳза гўё ток ургандек унинг кўзлари олдида сурат пайдо бўлди: йўлда машинага қараб олов оғушида колган аёл қарғаганича қўлларини кўтариб келарди...

ХУФЯ СҮЗ

(Ўтмишидан бир саҳифа)

Бахтиёр ва Николай отларидан тушиб, юганларни кузатувчининг кўлига бердилар. Барханнинг ўркачи бўйлаб бироз юргач, тўхтадилар

Чор атроф чексиз, чегарасиз биёбон.

– Мана, фурсат ҳам етди, – деди Николай. – Ўша жойда учрашгунча, Бахтиёр.

– Ўша жойда учрашгунча, Николай.

Улар бир-бирини дўстона бағрига босиб, анча вакт жимликда қотиб қолдилар. Кейин бир пайтнинг ўзида ҳар кайсиси ортга қадам ташлар экан, хайрлашишдан афсус чекаётган жигарлар сифатида бир-бирига тикилдилар.

– Хуфя сўзни унутиб қўйма, Николай.

– “Ғамгин тунда ғамгин қолган он, Токча узра ёнар икки ўт...”

– Жавоб-чи?

– “Бири менинг шамим бегумон, Бошқаси-чи, безовта рухим...”

– Бахтиёр бўлгин, Николай!

– Омадингни берсин, Бахтиёр!

Улар яна кисқа вакт бир-бирини бағрига босишли, кейин орқасига қарамасдан турли томонларга караб йўл олдилар...

ҲАСТАЛИК

Бахтиёр касалхона ҳужрасида кўзини очди. Ҳолдан тойган, силласи қуриган, озиб-тўзиб кетган, кўзларининг ости қорайган, юzlари салқиб қолган эди.

Унинг устига даволовчи шифокор эгилди:

— Ўзингизга келдингизми? Сиз мени эшитяпсизми?!

— Ҳа.

— Хурсандман. Факат буни яширишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ҳушингизга келмагандек тутинг. Акс ҳолда сизни яна якка авахтага юборишади.

— Ҳаракат қиласман.

— Узокроқ вакт ўша ҳолатда бўлишга ҳаракат қилинг. Мен сизни умумий камерага жойлаштиришларини сўраб кўраман. У ерда анча енгил бўлади.

— Яхши, раҳмат, дўхтири.

Бахтиёр шундок ҳам яна алаҳисираш ҳолатига тушиб бораётган эди...

ЧЕГАРА

(Ўтмишдан бир саҳифа)

Юзлари офтобда куйиб, корайиб кетган Бахтиёр сахронинг кўчма кумлари бўйлаб зўрға қадам босяпти.

Йиқилди. Эмаклади. Яна ўрнидан туриб, ўжарлик билан олдинга одимлайверди, одимлайверди.

Ва яна йиқилди. Ҳушидан кетди...

Юзига сув томчилади. Ёрилиб кетган лаблари салқин томчиларни тутиб олишга уринди. Бахтиёр кўзларини очди. Унинг тепасида ёши улуғ серсоқол эркак эгилиб турарди.

— Мен қаердаман?

— Эронда...

ХОТИРАНИНГ ХАЛОС ҚИЛИНИШИ

Мухиддин қўрбоши қўйни остига осилган ғилофдаги тўппончани тўғрилаб қўйди-да, яктакни кийди ва белбоғни боғлади. Тўшакнинг четида, бурчакка тиқилганича Зарина юм-юм йиғляяпти.

– Нега мишиқингни оқизиб ўтирибсан? – мамнун ҳолда қулимсиради қўрбоши, бир даста доллар олиб, бармогига туфлади-да, биттасини суғурди ва қарсиллатиб Заринанинг олдига ташлади. – Ол!

– Нега одамга бунчалар оғрикни раво кўрасиз? – йиглади Зарина.

– Мазали бўлиши учун, кишмишим! – Қўрбоши ўйга толди-да, яна шилдирок қофоз узатди. – Етказилган озор учун.

Хайрулла кузатиш тешигидан чекиниб, Ашир чойхоначига деди:

– Кетдик. Қурол борми?

– Йўқ, – Аширнинг қўзлари ташвишдан ўйнаб кетди. – Нима учун?

– Ёрдам берасиз?

– Мен-а? – қўрқиб кетди чойхоначи.

– Ушланг, – унга наган узатди Хайрулла.

Қўллари бир неча бора қалтираган чойхоначи нагани худди қўзойнакли илонни ушлагандек эҳтиёткорлик билан кафтлари орасига олди...

– Ана, унинг машинаси! – Ашир кўчанинг охирида турган автоуловга ишора қилди.

– Нариги томонидан кирасиз, – буйрук берди Хайрулла. – Эшикни мен билан бир вақтда очасиз-да, наганини тирайсиз.

– Отиш шарт эмасми?

– Йўқ...

Хайрулла эшикни шартта ўзига тортиб, пичоғини ҳайдовчининг бўғзига тиради.

– Қўлингни оркангга кил. Ва жим ўтир.

Бўш қўли билан у ҳайдовчини тинтиб, унинг кўйнидаги тўппончасини олди ва Аширга буюрди:

– Орқа томонга ўтилинг-да, уни нишонда тутинг.

Ўзи машинани айланиб ўтиб, ғаладонни текшириди ва ўриндиқни күттарди. У ерда “шмайссер” бор экан. Автоматни олиб, эшикни ёпди-да, Аширнинг ёнига ўтириди.

– Ўзингизни босиб олинг, – деди шофёрга. – Биз сизга хеч қандай ёмонлик қилмаймиз...

Тушган шом қоронғисида Мухиддин құрбоши хеч қандай шубҳали нарсаны сезмади. У ҳайдовчининг ёнига мамнун кайфиятда чўқди, бирор totli манзара кўз олдига келдими, кулиб қўйгач, буйруқ берди:

– Ҳайда. Қароргоҳга.

Юриб кетдилар. Хайрулла чап қўли билан Мухиддиннинг бўйнидан бўғди, ўнг қўли билан томоғига пи-чоқ тиради.

– Ҳа! – бир силтанди-да, шу заҳоти бўшашиб қолди қўрбоши. – Ким бу?

– Хотира қаерда?

– Нима? Қайси Хотира?

Хайрулла пичокнинг тифини хиёл босди.

– Ўша жойда. Биз бораётган ерда. У ўша ёқда.

– Ашир, унинг тўппончасини тортиб олинг. У чап қўлтиғи остида...

Тунни фарасининг нури билан ёриб бораётган машина шаҳар чеккасидаги йўлга чиқди. Чеккадаги лойшувок уйлар оркада қолишини кутган Хайрулла шофёрга буюрди:

– Тўхтатинг!

Ҳайдовчи буюрилган ишни итоат билан бажарди.

– Керак эмас! – қўркув аралаш хириллади қўрбоши.

– Ўлдирманлар! Нима зарур бўлса, тайёрман. Ҳаммасини бажараман!

– Оғзингни юм! – пи-чоқ билан қитиклади уни Хайрулла ва ҳайдовчига буюрди. – Чикинг!

– Сиз ваъда берган эдингиз-ку! – энди шофёр кўркиб кетган эди.

– Тезроқ чикқин, барака топкур! – Хайрулла Аширга бурилиб деди. – Қилт этса итдек отиб ташланг.

Машинадан тушган ҳайдовчи терак баргидек титарди. Хайрулла унга бир сўз демасдан машина рулига ўтирди-да, эшикни қарсиллатиб ёпганича шитоб билан хайдаб кетди...

Хотиранинг чехрасидан унинг бироз озиб кетгани сезилгани билан унинг сўлим хусни сўнмаган, хиёл ёш бўлгани ҳам унга жиддийлик ва чирой қўшган эди. У оромкурсида ўтираси, рўпарасида Мэлс тиз чўккан эди.

– Хотира! Мен сени севаман. Биринчи кўрган кунимдан буён севаман. Ўтган барча йиллар бўйи сени яна учратишга умид болаган эдим. Менга бошқа аёллардан бирортаси баҳт бермади. Факат сен беришинг мумкин, Хотира. Сен Бахтиёрни унутишинг лозим. У ҳеч қачон ўшал даҳшатли турмадан чиқа олмайди. Сен ўзингни ўйлагин. Сен ёшсан, сулувсан. Мен сенга ҳамма нарсани бераман!

У бошини кўтариб Хотирага тикилди ва унинг кўзларида чексиз нафратни кўрди...

Машина ёритгичлари мустамлака услубидаги унча катта бўлмаган иморатга тушди.

– Шу ер, – деди Муҳиддин.

Хайрулла машинани тўхтатди.

– Олдинда юр! – буйруқ берди Маърифат. – Ва ҳазиллаша кўрма, шу заҳоти, шу жойнинг ўзида отиб ташлайман!

У автоматнинг уни билан қўрбошининг елкасига урди ва учаласи ўша уйга қараб юришди...

Жиғибийрон бўлиб, терга ботган Мэлс шаҳд билан ёзув столига отилиб борди-да, ғаладондан чарм халта олиб Хотиранинг оёқлари остига ташлади.

— Карагин! Буларнинг ҳаммаси сенини! — қалтираган қўллари билан у халтани очиб, унга қўлини тиқди-да, бир ҳовуч тилло тангаларни чиқарди.

— Мен сени бу ердан хоҳлаган жойингга олиб кетаман. Европага, Туркияга, Америкага! Асраб олган отанг Ҳикматбекдан сени менга хотинликка беришини сўрайман. Мен сени баҳтли қиласман!

У аёлни тилло тангаларга қўмиб ташлади ва қуҷоклашга уринди. Хипча гавдасида пайдо бўлган кутилмаган куч билан Хотира уни узокка улоктириб юборди.

— Менга рўйхушлик бермаяпсанми? Мана, энди мендан кўрасан!

Мэлс унга ташланди, қўлларини қайириб, оромкурсидан гиламга ағдарди.

— Ёрдам беринглар! — деб бакирди Хотира.

Эшик ланг очилди. Хайрулла Муҳиддинни хонага шу кадар каттиқ итариб киргизди, у бутун хона бўйлаб учиб бориб, каттакон вазани боши билан чил-чил синдириди.

— Хайрулла! — деб хитоб килган Хотиранинг кўзларидан маржон-маржон ёшлар тўкилди.

— Лаънат бўлсин! — тиз чўкиб турган Мэлс пешанасини гиламга тираб, тишларини ғижирлатиб, бошини сарак-сарак килди.

— Ашир, Хотирани машинага олиб боринг. Ва буни ҳам олинг, — этигининг учи билан тилло тўла халтачани туртиб кўрсатди. — Асқотиб қолади.

Чойхоначининг кўзлари очофатларча ялтиради. У полга тиз чўкиб, гиламга тўппончани кўйди-да, тўкилган тангаларни йиғишириба бошлади.

– Халтани олинг ва кетинг! – бакирди Хайрулла! – Тез!

Ашир халтани олиб Хотира билан хонадан чикиб кетди.

Тўппонча полда колиб кетди.

Мухиддиннинг нигоҳи тўппончага тушди. Мэлс унинг нигоҳини кўз кири билан кузатди. Бу чоғ Хайрулла Мэлс ва Мухиддиннинг орасида турарди.

Мэлс олазарак кўзлари билан олма терар экан, нигоҳи ёниб турган керосинли чироқда тўхтади, чакқонлик билан уни қўлига олди-да Хайрулла томонга отди. Шу сониянинг ўзида Мухиддин тўппонча тараф илкис интилди.

Хайрулла чап беришга улгурди, чирок нак Мухиддиннинг кўкрагига бориб урилди.

Шишаси сингач, керосин тўкилди ва Мухиддин гулханга айланди.

Даҳшатли, инсонга хос бўлмаган чинкирик эшитилди. Ёнаётган Мухиддин сакраб туриб, хонада югура бошлади. Деразани кўргач, кулокни тешиб юборадиган даражада додлаганича чопиб бориб деразани роми, шишиаси билан кўчириб ташкарига гурсиллаб отилди.

Деярлик бутун хона ёнаётган эди.

Мэлс парокандаликдан фойдаланиб эшик ортига чикиб кетди.

Изидан Хайрулла югорди, аммо қулф шикирлади, Мэлс калитни бурашга улгурган эди. Хайрулла эшикни елкаси билан кўчирмокчи бўлди, аммо у оғир ва мустаҳкам экан, кўзғалмади.

Шунда Хайрулла роми билан кўчирилган дераза орқали ташкарига сакради...

Мухиддин кўрбоши ерга ётиб фарёд чекар, оловни ўчирмокчи бўларди.

— Қарғиши тегди! — Хотира унга даҳшат аралаш қарап экан, бирдан хушидан кетиб, бўшашиб ерга йикила бошлиди. Ашир уни ушлаб қолишга улгурди ва қўлида кўтариб, машинага элтди.

Олов гувиллаб иморатнинг деразаларидан ташқарига отилиб чиқди. Чор атроф ёришиб кетди.

— Ҳайвон қийналганида қараб тура олмайман. Ҳатто мана бунга ўхшаган жирканчли бўлса ҳам, — дея Хайрулла “шмайссер”дан Мухиддинга қаратади ўқ узди.

Металлга урилган бўғиқ зарбалар — ёнғин хабари таралди.

Хайрулла югуриб келиб, машина рулига ўтирди ва тўлик тезлик мурватини босди.

Рўпараларидан ёнғинга карши насос ва ўт ўчирувчилар улови елиб келаётган эди...

ҒАЛАБА ХУШХАБАРИ

Шифокор Бахтиёрни стетоскоп, яъни юрак уриши ва ўпкани эшитадиган асбоб орқали тинглаб кўрди.

— Хўш, энг даҳшатлиси ортда колди, — деди у ташхисдан кониккан ҳолда стетоскопни халатининг кенг чўнтағига яширас экан. — Бир пайтнинг ўзида ҳам яхши, ҳам ёмон. Энди ўша камерага қайтишингизга тўғри келади. Тўғриси, мен умумий камерага жойлаштиришларини талаб киляпман.

— Раҳмат, дўхтир. Айтинг-чи, сиз нега мен ҳакимда бу қадар ғамхўрлик киляпсиз?

— Сизда, Бахтиёр, жуда яхши дўстлар бор. — Шифокор кулимсираб қўшиб кўйди. — Қўли очик, сахий дўстлар. Энди сиз учун энг асосийси дуруст овқатланиш. Минг афсус. Бу борада дўстларингиз ҳам, мен ҳам ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз. Уруш тугаганидан кейин озиқ-овқат масаласи ўта ёмон бўлиб колди!

– Уруш тугаганидан кейин деяпсизми? – қайта сўра-ди Бахтиёр. – Қайси уруш тугаганидан кейин?

– Жаҳон уруши, албатта! – Ва шу ўринда шифокор бир эслаб қолди. – Э худойим, сиз ахир уруш тугага-нидан тамомила бехабарсиз-ку. Фашистлар Германияси тор-мор этилди. Гитлер ўзини ўзи ўлдирди!

– Дўхтир!... Шу тўғрими? Сиз ҳазиллашмаяпсизми?

– Бу масалада қандай ҳазил бўлиши мумкин? Бундай масалалар билан ҳазил қилиш мумкин эмас, ёш дўстим.

Бир зумда Бахтиёрнинг кўзлари ёшга тўлди. У қарокларини кафти билан ёпиб, орқасига ўгирилди ва юзини ёстикка босди.

– Маъзур тутинг, дўхтир...

ОЛТИН ҲУКМИ

Шовқинли бозор у кадар бой бўлмаса ҳам шаркона кўринишда гавжум ва жўшқин эди.

Бир томонда сотувчилар ва харидорлар растаси, иккинчи томонда жулдур, кир-чир кийимларга ўраниб олган, кишанланган маҳбуслар сафи бир-биридан кескин фарқ килиб турарди. Улар ўтаётган ва қайтаётган одамларнинг кўзларига, қўлларига умид билан қараб ўтирадилар. Кам-кам ҳоллардагина раҳми келган бирор кимса у бечораларга бир бурда обинон ёхуд ириган, чириган сабзавот ва мевалар ташлаб кетарди. Кўрикчилар, аксарияти соқол кўйган, маҳбусларнинг тепасида ўзаро кисқача иборалар орқали гаплашиб юришарди. Хиёл четроқда кўрикчиларга сардорлик килиб келган зобит қадам ташларди.

Айнан унинг ёнига узун бўйли, кенг қоматли дарвиш етиб борди.

– Нима бўлди, жаноб зобит, турмада шу кадар каттиқ очарчилик ҳукм сурмоқдами?

Зобит дарвишга жавоб бермасдан орқага ўғирилмокчи эди, аммо ногоҳ унинг қўлидаги тилло тангага кўзи тушди. Дарвиш уни юқорига енгилгина отар ва эпчиллик билан тутиб оларди. Зобит тилло тангага гўё сеҳрлангандек тикилиб қолди.

– Ҳозир очарчилик камраб олмаган жой борми? – деди у нихоят. – Мана, ўлиб қолмасликлари учун иложисизликдан тиланчиликка чиқаряпмиз. Ким билади дейсиз, улар учун ўша ёзгут яхшиrok бўлармиди.

– Менинг дўстим ҳам турмада, – алам билан деди Хайрулла – дарвиш либосига яширган одам у эди. – Неча марта келсан ҳам бирор марта уни учратганим йўк.

Зобит энди нигоҳини тилладан четга олди ва Хайруллага каради.

– Ким у? Исми-шарифи?

– Бахтиёр Асадов.

Зобит эслаш учун ўйга толди.

– У ўта хавфлилар тоифасиданми? Ундейларни бозорга олиб чиқишимайди.

– У қочиб кетмайди. Аранг юради. Жуда оғир хасталикка чалинган.

– Оғир иш.

– Агар олиб келолсангиз, кўриб турганингизга яна бир танга кўшаман.

– Ўта оғир иш бу.

– Икки тилла танга!

– Уч! – деди зобит.

Улар қўл ташлашдилар ва тилло танга зобитнинг кафтига ёпишиб қолди...

ҚУРОЛДОШ “ҮРТОҚЛАР”

Умумий камера. Бахтиёр Нуршермат кўрбошининг қошида ўтирибди. Қариянинг шарти кетиб парти қолди, хатто қийинчилик билан гапиради.

— Балки бизларнинг хужумга ўтмаганимиз яхшиликка хизмат қилгандир. Бизларни кукунга айлантириб, тор-мор килиб ташлаган бўлишарди. Немислар кандай куч эдилар. Ва нима бўлди? Мен немисларни ёқтирас эдим... Муфти ҳазратлари ҳак эдилар: амриқоликлар, инглизлар билан дўст тутиниш керак. Ҳали бизларда куч бор, етарли куч бор. Уларни асрash керак.

Бахтиёр ёши улуғ кўрбошини дикқат билан, яъни унинг нутки кўпинча валдирашга айланиб кетса ҳам бирор сўзини қолдирмасликка уринган ҳолда тингларди.

— Мен энди бу ердан чиқа олмайман, ўғлим. Билиб турибман, сўнгги соатларим яқин қолди. Ҳаммасини сенга қолдираман.

Тўрт томонга шубҳа билан назар солгач, кўрбоши кўйнидан тасмаланган бир даста қофоз олиб, сездирмасдан Бахтиёрга берди.

— Яшир. Сен хаста бўлиб ётган даврингда мен эсга олиб, секингина ёзиб юрдим. Бу ерда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Хитойдагилар. Менинг одамларимнинг рўйхати. Улар жуда кўпчилик, ҳамма жойда бор. Мен сенга ҳамма алоқа йўллари, хуфя сўзлар, учрашадиган манзиллар, яширилган ҳазиналар рўйхатини қолдиряпман. Мен Аллоҳдан сенинг бу ердан эсон-омон чиқиб, муқаддас ишимизни давом эттиришингни ўтинаман. Агар иложи бўлмаса... Буларни ишончли одамларга етказишга харакат қилгин.

— Мен сизнинг топшириғингизни адо этгаймен...

БИРПАС ТОЗА ҲАВОДА

Бозордаги тиқилинч оломон орасига яширинган Хотира асаби таранг ҳолда кутмоқда эди. Унинг яқинида дарвиш либосига бурканган Хайрулла хушёр турарди. У бирор лаҳза Хотирани кўздан кочирмайди.

Металл кўнғироқнинг жаранг-журунги эшитилди. У тобора кучаяр, яқинлашарди. Бошида зобит келаётган кўрикчиларнинг олдинги сафи кўринди. Уларнинг кетидан кишанланган маҳбусларнинг бетартиб қатори кўринди.

Бу одамнинг аввалги Бахтиёр эканлигига умуман ишониб бўлмаса ҳам Хотира нигоҳи билан дархол уни топди.

Уларнинг кўзлари учрашди...

Маҳбуслар ва кўрикчилар ўз ўринларини эгаллаганларида Хайрулла зобитнинг олдига бориб, кўл узатди.

Уч тилла танга зобитнинг кафтида ғойиб бўлди...

Имкон даражасида бир-бирига яқинлашган Бахтиёр билан Хотира кўзларини кўзларидан узолмас эдилар.

– Хотиржам ўтиринг, – елка томонидан эшитди Бахтиёр. – Ассалому алайкум, Бахтиёржон.

– Хайрулламисиз?!

– Вакт жуда оз. – Хайрулла Бахтиёрганинг орқасига, ярим айланган ҳолда ўтирди. – Энди гоҳ-гоҳ сизни бу ерга чиқариб туришади. – Хайрулла унинг жулдор чопони орасига тугунча тикди. – Бу ерда шоколад ва мўмиё бор. Яхши мўмиё, Помирники. Ёрдам беради.

– Раҳмат, Хайрулла. – Бахтиёр ўз навбатида унинг кафтини пайпаслаб тугун кўйди. – Баҳоси йўқ қофозлар бу. Ишончли жойга яшириб кўйинг. Агар менга бирор кор-ҳол бўлса, уларни шўро элчихонасига беришнинг харакатини кўринг!

Улар гаплашишар экан, Бахтиёр нигохини Хотира-дан бирор сония узмади.

Хайрулла зобитга қаради, у бош ҳаракати билан ке-тиш кераклигига ишора берди.

— Мен кетишим керак, Бахтиёржон. Қачонки сизни бу ерга олиб келишса, биз Хотира билан шу ерда бўла-миз. Бирор чорасини топармиз, Бахтиёр, сабр қилинг.

У ўрнидан турди-да, юриб кетди. Бир неча қадам юргач, ортига ўгирилди.

Бахтиёр унинг орқасидан кулимсираб қарап эди...

НУРШЕРМАТ ҚЎРБОШИНИНГ СҮНГГИ ИЛИНЖИ

Кечки овқат вақти эди. Камерада мисли кўрилмаган ғовур авжига чикқан эди.

Ёши улуғ кўрбоши шилдир сувдан иборат ёвғонга бармоғининг учини ҳам теккизгани йўқ. Унинг ахволи жуда ёмон эди. Сўзларни оҳиста, хириллаган овозда зўрға айтар эди.

— Бахтиёр, болам... Ўша фатво... Толиб эшонники... Мен уни сақлаб қўйган эдим... У ўнг енгимга тикиб қўйилган... Чопонимнинг енгига... Сақлаб қўй... Ташкарига бериб юборгин... Менинг фарзандларим... невараларим... уни олишлари лозим... У менинг оиласманда бўлсин... Бил-синларки... мен ислом қўшинининг Бош қўмондони бўлиб... тайинланган... эдим. Бош қўмондони...

У чукур нафас олди. Боши солланиб қолди. Ёши улуғ кўрбоши мангуга жимиб қолди.

Бахтиёр ўрнидан турди:

— Жим, сизлардан ўтинаман. Аллоҳ ўзининг содик қули, муҳтарам Нуршерматни ўз раҳматига олди!

Сув қуйгандек жимлик юзага келди. Ҳамма ўрнидан турди.

Бахтиёр тиз чўкиб ўтирида ва бошқалар ҳам унга эргашдилар.

Жаноза ўқила бошланди.

ХУФЯ СЎЗЛАР АСҚОТГАН ОН

Бозорда Бахтиёр Хотира билан нигоҳлари орқали сўзлашаётганида орқасидан овоз эшишилди:

– “Ғамгин тунда ғамгин қолган он, Токча узра ёнар икки ўт...”

Бахтиёр ўйлаб ҳам ўтирмасдан жавоб берди:

– “Бири менинг шамим бегумон, Бошқаси-чи, безовта руҳим...”

Ва фақат бироз ўтиб унинг шуурига фурсат келиб, хуфя сўз алоқада асқотгани, ўша пинҳон сўзлар ва уларнинг жавоби янграгани етиб борди.

У кескин орқасига ўгирилди. Унга савдогарлар, амалдорлар, бошқа тоифадаги бадавлатлар эгнида бўладиган асл афғон либосини кийиб олган одам табассум билан боқиб туради.

– Танимаяпсанми, Бахтиёр?

– Николай... Алоқага чиқиш учун шунчалар ҳам узоқ йўл босдингми?..

АСЛ ҲАҚИҚАТНИНГ АЁН БЎЛИШИ

Бахтиёр ва Николай Хотира билан Холида учун ижарага олинган кичкинагина, файзли уйга туташ худди шундай кичкинагина ҳовлининг бурчагига ўрнатилган сўрида сухбатлашишяпти. Ўсиб келаётган қизалоқ ёши катталарнинг гурунгига халақит бермаяпти-ю, норасидасининг ёниб турган кўзлари бирор сония қадрдон отасидан узилмаяпти. Ҳовлининг иккинчи бурчагида

Хотира билан Хайрулла кичикрок ўчоқ олдида палов дамлаш учун куймаланишмоқда.

– Кўриб турганингдек, Бахтиёр, – тушунтирди Николай. – Михаил Владимирович Крепсни радведка бошлиғи лавозимидан четлатишганидан буён бизнинг афғон заминига оид ишларимиз чаппасига кетди. Ушбу органда Ильенкога ўхшаган касб маҳоратига эга эмас, профессионал жихатдан тайёр бўлмаган одамларнинг ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб қолди. Асосийси уларнинг юзаки билим ва уқувга эгалигида ҳам эмас. Бу тўлкинда жуда кўп амалпаст, кўллари ноҳалол ва ҳатто кўпгина соткинлар ҳам юзага чикиб қолди. Дунёдаги яхши, ҳатто энг яхши разведкалардан бири саналган нуфузли муассаса мислсиз, ўйлаб кўрилмаган даражада зиён кўрди. Бизлар яхшиларнинг яхшиларидан, аслларнинг аслларидан айрилиб қолдик!

– Николай, мен сени ҳам отилиб кетгансан, деб юрардим. Шундай маълумотлар бор эди.

– Ҳа, шундай гаплар юрарди. Ана шундан мен ҳакимдаги афсона бошланиб кетган. Табиийки, мен бошқа исм-шариф остида Испанияга юборилдим. Бир уруш. Кейин иккинчиси. Жанубий Америкага ҳам йўлладилар... Михаил Владимировичнинг ўлими ҳақида фактат урушдан кейин хабар топдим. Мана, шундай гаплар, Бахтиёр... Ҳа, шунча йил хатсиз, хабарсиз юрсаг-а. Ва шундай ишларни бажарсак! Балки, бир-бири миз билан хабарлашган тақдиримизда сени фош қилишармиди. Ё Ильенко, ё бошқаси. Хулласи калом, ким билади дейсан, ишларнинг қай йўсинда кетишини. Дарвоке сенга Фил О’Брайен деган зотнинг исми-шарифи бирор нарса англатадими?

– Америкалик у. Шу ерда фаолият олиб борди. Резидент сифатида.

– Сен унинг разведкачи эканини билармидинг?

– Албатта.

– У ҳам сенинг асл мақомингни аниклай олган экан.

– Биламан. Сұнгги пайтлари бир-биirimizдан у қадар яшириниб юрмаганмиз. Очиги, менинг бошқа йүлим ҳам бўлмаган. Яна поляк Владек Домашкевич...

– Аслида мен Филни Испаниядаги давримдан буён билардим. У бизга ёрдамлашган. Урушдан кейин тасодифан вайронага айланган Берлинда учрашиб қолдик. Ва сухбат асносида у сенинг исмингни тилга олиб қолди...

БЕРЛИНДАГИ УЧРАШУВ

(Үтмишдан бир саҳифа)

Николай ва Фил ярми бўш барда пештахтага мослаб ўрнатилган баланд курсиларда ўтириб, биринчиси пиво, иккинчиси виски ичишяпти.

– Тўхта! – кафтини Филнинг кўлига қўйди Николай. – Сен Бахтиёр Асадов дедингми?

– Ҳа-а! О’кей йигит у! Бир камчилиги виски ичмайди-да.

– Сен уни қаердан биласан?

– Бизлар Кобулда учрашганмиз. Кўп марта учрашдик. Бир-биirimizга оз-оздан ёрдам ҳам берганмиз. Ва бир-биirimizни тушунмаганликка солардик. Ўйлашимча, Бахтиёр жуда кучли одам ва жуда кучли агент. У үзи нимани хоҳлаётганини яхши билади.

– Разведкачи десанг-чи, Фил.

– Эҳ! Қандай фарқи бор? Сизлар разведкачи, бизлар агент деймиз. Аслида бизларнинг ҳаммамиз жосуслармиз.

– Сен ҳозир у ҳақида нималарни биласан?

– Ҳеч нарса. Уни афғонлар Демазанг номли даҳшатли турмаларига қамаб қўйишган. Улар Бахтиёрни немис жосуси деган карорга келишибди!

АСЛ ҲАҚИҚАТНИНГ АЁН БЎЛИШИ

(давоми)

– Кейин мени Марказга, Шарқ бўлимига юборишида ва Афғонистонга боғлик масалалар билан шуғулланишини топширдилар. Ишлар тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада чалкашиб, менинг аниклашимча, кўп холларда онгли равишда чигаллаштирилган экан. Узоқ вақт материаллар, шу жумладан, архив маълумотлари устидаги кунт билан ишлашга, Кобул миссиясида фаолият кўрсатган одамлар олдига боришга ва яна хужжатларни титкилашга тўғри келган. Ва бора-бора асл ҳақиқат аён бўла бошлади. Сенга қарши асосий далиллар Ильенко томонидан юборилган. Туркистон муҳожирлигидаги ҳал қилувчи ўрнинг, отнинг қашқаси бўлган кўрбошининг қизига уйланганинг, мақолаларингдаги ашаддий аксилшўровий ғоялар, бошқа қанча икир-чикир гаплар тўғрисидаги шифр билан никобланган маълумотлар ва ҳоказо. Хулласи калом, у сени жисмоний жиҳатдан йўқотишни талаб қилган. Бу хулоса уларнинг наздида ўзига хос мантиққа ҳам эга эди – сен ҳалқ душмани Крепс томонидан тарбияланган агент эдинг. Охири Ильенконинг бутун фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқишига тўғри келди. Калаванинг уни барча томонлари билан туташганида генералга мурожаат қилдим. Ва мен бу ердаман. Сен учун келдим... Ҳолбуки сен турк фуқароси экансан, турклар билан келишишига тўғри келди. Улар сен учун гаров пули тўлашади. Бир неча кун ичida ўзингга ва оилангга паспорт, Кобул – Боку – Истанбул авиарейсига чипта оласан. Бокуда давлат хавфсизлиги вакиллари сени “ҳалқ душмани” сифатида самолётдан тушириб оладилар. Бир неча дақика яна ўша “рол”ни ижро этишингга тўғри келади...

АССАЛОМ, ОНА ВАТАН

Бахтиёр билан Хотира Каспийнинг Боку шаҳрига туташган соҳилида туриб тўлқинлари асов пўртналарга айланайтган денгизга тикилишарди. Ёнларида бўйи чўзилиб қолган Холида онасининг пинжига тикилиб турарди.

– Биласанми, тўсатдан эсимга келди, – деди Бахтиёр Хотирага. – Олис ёшлигимизда айнан шу жойда биз Мэлс билан бирга турганмиз ва мен шеър ўқиганман:

“Куёш қўна бошлар денгизга,
Кувонч билан ғамимни қўшиб.
Жаннат, дўзах нигохингизга
Бир умидни йўллайди жўшиб”.

Жимиб қолди. Кейин Хотира шундай деди:

– Аслини олганда у бир баҳтсиз одамдир. Ҳозир у қаерда экан? Сиз Николайдан сўраб кўрмадингизми?

– Мэлсми?... Янги хўжайнларига хизмат қиляпти. Германияда, “Озодлик” радиостанциясида ишлалепти. Бу “баҳтсиз” одамда кек ва адоват кўпайса кўпайганки, озайган эмас!

– Кечиринг.

Хотира унинг кўзларига тикилди, кўлларини елкасига қўйди ва кўксига бош қўйиб, бағрига кирди.

ХОТИМА

Сочларига қирор кўнглан қария кирадиган эшиги устига “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари дўкони” деб ёзилган бино олдига келди. Ичкарига кирди. Магазин пештахтаси орқасида юзларига қуюқ упа сурган ёш сотувчи аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Ассалому алайкум! Кириб келаётган байрамингиз куттуғ бұлсин!

– Фалаба байрами биланми? Шу ҳам байрам бұлдими?

– Ҳа, бизларнинг байрамимиз! – гуноҳ қилиб қўйган кишидек кулди қария ва пештахтага сутдан бўшаган шишаларни тера бошлади.

– Бекорга овора бўляпсиз! Сут йўқ, қатик ҳам, бўш идишларни қабул қилмаймиз!

– Нима қиласай, ортга олиб кетишим керакми?

– Қути йўқ, бобо. Мана, сизнинг байрамингизга қахва бор, кизил увилдириқ бор. Оласизми?

Шу онда магазинга шовқин солиб десантчилар либосини кийган уч нафар барзанги йигитлар шовқин солиб киришди. Сухбатнинг бир учини эшитишди ҳам.

– Олмайсизми, отахон? – сўради ундан малла сочли, кайфи тарак, яраланганилиги учун берилган қизил хошияга эга йигит. – Агар эътирозингиз бўлмаса, бизлар сиз учун жон деб харид килардик!

– Марҳамат, – ғамгин кулди қария ва сотувчидан ўтинди. – Қайд қилиб қўйинг, илтимос. Бахтиёр Асадов!

– Бизлар эса сиз учун қиттак-қиттак отамиз!

– “Ёнилғи” топиладими? –mallasoch йигит сотувчидан сўради.

– Сизлар учунми? Жонимни беришга ҳам тайёрман!

– Майли, омон бўл, отахон. Имкон топилса биз афғонда бўлган жангчиларни дуо қилиб тур. Токи биз хамиша барча “кайнок нуқта”лардан тирик қайтайлик!

– Ҳаракат қиласаман. Кўришгунча, – қария ташкарига қараб юрди.

У эшикни итариб, яшилликка кўмилган ораста ҳовлига кирди. Уйнинг зиналари олдида уни сулув, ёшига нисбатан тетикроқ катта ёшдаги аёл кутиб олди.

– Бахтиёр ака! Бунчалар узок қаерда колиб кетдингиз? Тезроқ уйга киринг!

У эса тек туриб унга боқар, ҳамон мафтун бўлгани-ча андиша билан кулимсирарди.

— Сизни қаранг-у, — уялиб кетди аёл. — Уйга киринг. Телевизорда ғалати нарсаларни кўрсатишяпти. Тезлашинг!

Тошкентга муҳожирликдаги адиллар делегацияси келгани ҳақидаги кўрсатув намойиш қилилаётган экан. Уни таникли публицист Маъруф Маъруфий бошқараётган эди. Делегация ҳукумат даражасидаги масъул кишилар томонидан кутиб олинаётган эди. Шархловчи оғзини тўлдириб ёрқин шахс хисобланган жаноб Маъруфий ҳақида, унинг Ўзбекистонда туғилгани ҳамда қатағон ва террор йилларида она Ватанини тарқ этишга мажбур бўлгани тўғрисида сўзларди. Бу сўзларга қараганда гўё бу юксак истеъодли, машаққатли тақдирга эга инсонни шафқатсиз ҳаёт шамоли қаерларга тўзғитмади, қаерларга итқитмади, дейсиз.

Маъруфийга сўз беришди.

Хотира эрига ташвиш билан қараб турарди. Эрининг юзи худди мурдаларникideк оқариб кетган эди. У дағ-дағ титрарди.

Маъруфий микрофонни нозиклашиб кетган кўлларига олди:

— Кадрли ватандошлар, юртдошлар, жонажонларим! Мен хозир ўз ҳолатимни ифода эта олмайман. Бунга сўз топишим ўта қийин. Мен факат ҳис қилпман. Она замин, сув, ҳаво, якин юраклар ва дийдор вужудимни хаяжонга тўлдирмоқда. Мен яна менинг улуғ устозим, унутилмас сиймо Фитрат заминидаман. Ижозат берсангиз, фурбатда қийналган чоғларим устозимнинг ижодидан илҳомланиб бесаноқ марта такрорлаган сўзларими ни яна бир бора айтай:

— Аблах, алвости, дўзах дажжоли, — шивирлади Баҳтиёр.

“Она Турон, сендан айро
Тушмок менинг учун ўлим.
Сенинг учун бўлмок фидо
Бош максадим, ҳаёт йўлим.
Сен деб қайта тирилганман,
Яшагум юрт кучоғида.
Ҳатто ёнмоқ менга зўр шаън,
Муқаддас турк ўчоғида.
Кимки сенга кўтарса кўл,
Унинг ўзи топмас омон.
Ким сотқиндир, ким нокобил,
Ранги рўйи бўлгай сомон!”

Шарҳловчи энтиқиб истиқололга эришган мамлакат олдида очилган улуғвор имкониятлар ҳақида, бошланган ташрифнинг дастури: парламент, маданият вазирлигида, ижодий уюшмаларда ўтадиган учрашувлар тўғрисида сўзлади. Эртага жаноб Маъруфий “Дўстлик” жамиятлари кошонасида матбуот анжумани ўтказар экан...

Бахтиёр ҳеч нарсани эшиитмади. Унинг боши ғувулларди. Оёқлари ўзига бўйсунмай қолди. Хотира унга ёрдам бериб, оромкурсига ўтқазди, юрак қисиб колганида ичиладиган томчилар учун ошхонага югурди.

– Муттаҳам, – шивирлади Бахтиёр. – Қанчалик маккор бу...

У туни бўйи ёзди...

Эрталаб эса ўзининг ёқасига орден ва медаллари маҳкам қилиб тақилган ягона кўчалик костюмини кийди.

Хотира безовта бўлган ҳолда эрининг хатти-ҳараратларини қузатиб турарди.

– Борасизми?

– Бораман!

У кабинетига ўтиб секретер русумидаги ёзув столининг тортмасини очди. Зокланган, яъни корайтирилган

Сўнгги ва биринчи субҳидам
ҳамда “Бахтиёр Асадовга. Шахсан кўрсатган жасорати
учун. СССР ДХК” деган жумлалар ўйиб ёзилган тўп-
понча яркиради. У куролни текшириб кўргач, ички кис-
сасига яширди.

У – озғин, котма гавдаси бироз букилган холда
жинкўчадан кетиб борар экан, дарвоза олдида ёши ўтиб
бораётган аёл қўлларини кўкрагининг устида қовушти-
риб унинг ортидан жимгина термилар эди.

Бу уни кузатишга чиккан Хотира эди...

СЎНГСЎЗ

Ҳаёт эса ўз оқимида давом этарди. Тақвим варағи-
га 1992 йил – истиқлоннинг иккинчи йили муҳрланган
эди. Навқирон мамлакат шиддат билан ўз таракқиёти-
нинг янги довонларига интилмоқда. Давлат институт-
лари ташкил этилиб, хўжаликни юритиш механизмлари
мукаммаллаштирилмоқда, ташки алоқалар ривожлан-
тирилмоқда, ижтимоий соҳа, фан ва таълимдаги дас-
турлар қайта кўриб чиқилмоқда, мамлакатнинг халқа-
ро саҳнада эътироф этилишига қаратилган тадбирлар
амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси кейин мамлакатни ҳар жиҳатдан
модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган давлат
дастурига, уни ўз таракқиёт йўлидан ривожлантириш-
нинг ҳал килувчи тамойилларга асос қилиб олинади.
Ўзбекистоннинг энг янги тарихига муқаддима бўлади.
Аммо бунинг бари кейинчалик рўёбга чиқади.

Ўша онда эса у тупрокнинг қаттиқлиги, нам етиш-
маслиги, иқлим инжиқликларига қарамасдан юкори-
га интила-интила ёрқин қуёшга, иссик шабадага ҳали
қотмаган танаси, яшил баргчалари ва нозик гултожини

тутиб Озодлик деб номланган илохий гулобни сүриб очилган гул ғунчасига ўхшарди.

“Эрк гулобин охиргача ич,
Ахир умринг кайтарилмас ҳеч.
Умринг алқа, қалб билан яша,
Ўзингга мос қадаминг ташла.
Ота уй ва ўчогинг асраб,
Эзгуликнинг бош кучи савоб.
Сев, унутма ота-онангни,
Қўриқла юрт – кутлуг хонангни”.

...Кўзлари олдида эса мозийнинг ашёвий далили сифатида вақт сарғайтирган, гижимланган, четида аскар этигининг изи қолган, равон, худди хаттотларникидек чиройли хусниҳат билан ёзиб тўлдирилган бир бет оддий қоғоз турарди.

P.S.

АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН

Ватан ҳимоячиси бўлиш, туғилиб ўсган она заминнинг тинчлиги, осойишталигию хавфсизлиги йўлида хизмат килиш дунёдаги энг муқаддас ва шарафли вазифа. Шонли тарихимизнинг ҳар бир саҳифасида юртимиз озодлиги йўлида мислсиз жасорат ва матонат кўрсатган ўнлаб фидойи аждодларимизнинг номи битилган. Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур сингари бобокалонларимизнинг шону шавкати то ҳануз авлодлар қалбига ғурур ва ифтихор бағишилаб келмоқда. Биз уларнинг мангу жасорати олдида бош эгиб, элу ҳалқининг баҳту иқболини ўйлаб, ўз оромини ўзгалар ҳаловати йўлида сарфлаган бундай шарафли умрдан ибрат олишга, фарзандларимизга уларнинг хаёт йўлини ўrnак қилиб кўрсатишга интиламиз.

Жаҳон аҳлини ўзининг бетимсол матонатию жасорати, илму маърифати билан лолу ҳайрон этган, дунё тамаддуни ўзанини мутлако янги нурли маъволар сари буриб, олам тождорларидан тортиб оддий авомгача ўзи ва ўз Ватани билан ҳисоблашишга мажбур килган аждодларимиз тўғрисида ёзилган тарихий асарларни қайта-қайта ўқир эканмиз, уларнинг мисли топилмас қаҳрамонликларидан ҳайратга тушамиз. Бу каби кишини ванатпарварликка ундейдиган нодир китобларнинг янада кўпайишини ва улар орқали ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу тафаккурига ватанпарварлик, ҳалқпар-

варлик, миллат ташвиши, эл-юрт кайғуси билан ёниб яшаш сингари олийжаноб туйғуларни сингдириб боришига астойдил ҳаракат киламиз.

Бизнинг ўрнак олишга, дунёга биздан мана шундай ўғлонлар етишиб чиккан, дейишга арзийдиган якин ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримиз жуда кўп. Узокка бормайлик, қанчадан-канча одамларнинг ёстигини куритган, ҳеч кимга ҳеч кандай наф келтирмаган, кейинчалик – ҳали-ҳалигача миллионлаб қалбларда ўчмас из, доғлар, кетмас жароҳатлар колдирган Иккинчи жаҳон уруши ёки не-не алп йигитларнинг ўзлари билан бирга орзу-умидларини нурли келажагини ҳам майиб-мажрух этиб, кўпчилигини орамиздан олиб кетган Афғон урушида ўзбек ўғлонларининг кўрсатган қаҳрамонларлари ҳар қанча таҳсинга лойик. Шундай бўлишига қарамасдан, минг афсуски, улар ҳакида жуда кам ёзилган.

Айникса, ўзининг юксак истеъоди, чексиз матонати, касбга садоқати билан Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга заррача доғ туширмасдан, ҳалол ва виждан фаолият олиб борган, ўзидан ўчмас из колдирган машҳур разведкачиларимиз ҳакида маҳфийлик муддати ўтган бўлишига қарамасдан, ҳалигача деярли ҳеч нарса ёзилмаган. Ёзилганлари ҳам хужжатли маълумотлардан иборат бўлиб, уларда ҳакиқий қаҳрамонларимиз образининг асл мазмун-моҳияти, чин маънодаги ифодаси акс этмай қолган. Ваҳоланки, уларнинг бундай жасурлиги, кўрсатган жасорати буғунги ёшларга чин ҳаётий мактаб, ибрат намунаси бўлиши керак.

Ўзбек ўғлонларининг матонати, жумладан, жасоратли разведкачилари ҳакида юксак маҳорат билан бадиий асарлар ёзишининг фурсати етди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустакилликка эришгунга кадар, яъни собиқ шўролар даврида “кўзга кўринмас фронт

жангчилари” ҳакидаги бадиий асарлар ва киносцена-рийлар асосида яратилган фильmlарда бош каҳрамонлар саргузашт характеридаги умумлашма образ тарзида кўrsатилган. Агар бу каҳрамонларнинг ҳакикий прототиплари бўлса, улар ҳакидаги ишончли маълумотлар сир сақланган. Лекин олтин конидан факат олтин чикади деганларидек, бутун дунёга таъсир кўrsатиб, оламга ўз сўзини айтган буюк Амур Темурдай жаҳонгир бобомиз туғилган муқаддас заминдан у кишига муносиб ворислар етишиб чикиши, бир куни асл ҳакиқат бор бўйи билан намоён бўлиши кундай равшан эди.

Миллион-миллион сонли оммани алдаш мумкинdir, лекин тарихни алдаб бўлмайди. Faфур Fuлом номидаги нашриёт-матбаа изходий уйида иш бошлаганимда, ўзбек разведка мактаби тарихи ва машҳур разведкачиларимиз ҳакидаги туркум бадиий асарлар яратишни ният қилган эдим. Миллий хафсизлик хизмати фахрийлари Худойберди Соҳибов, Пўлат Бобомуҳаммедов, Турдиқул Бўтаёров билан бамаслаҳат узок йиллар Афғонистонда разведкачи бўлган машҳур ватандошимиз, ажойиб инсон Турдиали Масутовнинг “Қил устидаги кисмат” китобини нашрдан чикардик. Фахрий разведкачи Турдиали Масутов томонидан ёзилган китобда унинг кўrsатган жасоратлари, ички ва ташки душманлардан ватанимизни химоя қилгани ҳакида сўз боради. Шунингдек, бу китобда юртимиздан чиккан бошқа бир катор маҳоратли ва машҳур разведкачилар ҳақида ҳикоялар ҳам бор.

Мен Турдиали ака билан бир неча марта учрашиб шундай китобларнинг сонини кўпайтириш, янги китоблар яратиш борасида айтганман. У киши ҳам бу борадаги фикрларини билдириб, биргаликда бир нечта китобларни нашр этишини ҳам режалаштириб қўйгандик. Афсуски, оғир хасталик у кишини орамиздан олиб кетди.

Кўлингиздаги китоб ҳам ана шундай эзгу интилишларимиз, орзу-ниятларимизнинг коғоздаги кўринишидир. Ватанга бўлган чексиз меҳри сабабли разведкачилик соҳасини танлаган мард ва жасур ота-боболаримизнинг кўрсатган матонату жасоратлари темир сандиқлар ёки қандайдир ғаладонларда чанг босиб ётмаслиги, шунчаки қолиб кетмаслиги керак. Улар ёшларимизга ватанинни севиш, уни кўз корачигидек асраш ҳакида сўз айтиши керак.

Сиз мутолаасини якунлаган Виктор Суминнинг “Сўнгги ва биринчи субхидам” асарига афсонавий ўзбек разведкачиси Баҳром Иброҳимовнинг ҳаёт йўли, унинг Ватан олдидаги хизмати ва жасорати асос қилиб олинганидан вокиф бўлдингиз. Ёзувчи ўз асарини тарихий ҳужжатларга таяниб, воеаларни ҳаёт ҳақиқатига вобаста тарзда юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган. Асар қаҳрамонининг ўзбек миллатига мансублиги бизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади, албатта. Тўғриси, Баҳром Иброҳимовнинг Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилганлигини, унинг моҳир разведкачи бўлганини нафақат бугунги ёшлар, балки катта ёшдаги кишилар ҳам билмасди, у ҳақдаги маълумотлар факт архивларда – жилд-жилд ҳужжатлар катида тахланиб ётарди, холос.

Биз бундай инсонларни кидириб топишимиз, уларнинг эл-юрт олдидаги хизматларини бугунги ёшларга ибрат қилиб кўрсатган холда, бадиий пишиқ асарлар яратишимиз давр талабидир. Зоро, бугунги ёшларга ҳар томонлама етук, ҳалқ қувончи ва дарди билан яшайдиган, Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат намуналарини кўрсатадиган замон қаҳрамонлари керак.

Лазиз ТАНГРИЕВ,
сиёсий фанлар номзоди

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизматининг архив хужжатларига кисқача шарҳ	3
Муаллифдан.....	6
Сирли карвон	12
“Энди сен ким бўлдинг, Бахтиёр?”	18
Паранжидан йироклаб	19
“Энди сен ким бўлдинг, Бахтиёр?”	22
Дасти узунларга ошна бўлишнинг фойдаси ҳакида.....	23
“Энди сен ким бўлдинг, Бахтиёр?”	27
“Мэлс, менинг оиласни кутқариб қол!”	29
Карвонсарой	32
Фитратнинг каломи.....	33
Шубҳага кўра кўлга олинди	34
Юз кўрмаслик азоби	40
Мухиддин кўрбоши	41
Чорасини топган етар муродга	42
Фитратнинг камоққа олиниши	45
Таъкиб тамғаси ва Бахтиёрнинг хибсга олиниши	46
Хибсдан халос бўлиб	51
Муфти Толиб эшон ҳазратлари	53
“Турк ҳаммоми”га таклиф.....	57
Турк ҳаммомида	58
Хотира	63
Ва яна “Менинг оиласни сақлаб қол, Мэлс!”	65
Хотира	66
Хаёлот оқшоми	66
Хаёлот оқшоми. Мэлс	67
Ва яна “Менинг оиласни сақлаб қол, Мэлс!”	68
Хаёлот оқшоми. Мэлс	69
Ёшлар йигилиши	69

Хаёлот оқшоми. Мэлс	70
“Алвидо, Хотира!”	71
Хаёлот оқшоми.....	73
Гулханга айланган фаришта	74
Хаёлот оқшоми. Хотира.....	81
Хаёлот оқшоми. Мэлс	81
Хаёлот оқшоми. Хотира.....	83
Немисларнинг резидентурасида	83
Мэлс кузатув остида	87
Бухоро амирининг ҳузурида	88
Бир даста атиргул.....	91
Карвоннинг тор-мор этилиши.....	96
Қуролли карвоннинг ҳалокати.....	97
Катта қурултой	98
Полякларнинг мукобил йўли	104
Суикасд	105
Аширнинг чойхонасида.....	107
Ўзбекнинг америколик билан битими	110
Шуро элчисининг эътирозномаси	113
Бахтиёрнинг тахмини	114
Кутимаган учрашув	117
Покистонлик билан хуфя учрашув	121
“Пешанага бир чертиб ёллаш”	122
Муфтини кузатиш онлари	125
Покистонлик маълумот беради.....	126
Зиддият.....	127
Толиб эшоннинг ўлдирилиши.....	131
Бахтиёрга хозирланган тузок	132
Полякларнинг йўлаги	133
Ҳикматбекнинг сўнгги дамлари	135
Мэлс воеаларни тезлашириш пайида	137
Хиёнат учун тўланган хун.....	137
Очик сўзлашиб фурсати яқин	139
Ҳибс ҳакидаги хабар.....	140
Куш парвози баландлигидан.....	141
Кўприкдаги тўқнашув	144

Іккінчи карвоннинг интихоси	146
Хайрулла билан хайрлашув.....	155
Наврӯзнинг илк куни	156
Ҳибсга олинган қурутой.....	157
Үз жонига ўзи қасд килиб	159
Турма дарвозаси ёнида	161
Ўлимга маҳкумлар камерасида.....	162
Тошкент “ЧЕКА”сида	162
Ўлимга маҳкумлар камерасида.....	164
Тошкент “ЧЕКА”сида	165
Ўлимга маҳкумлар камерасида.....	167
Хотиранинг ўғирланиши	168
Хуфя сўз	170
Хасталик	170
Чегара	171
Хотиранинг халос қилиниши.....	171
Ғалаба хушхабари	177
Олтин ҳукми	178
Куролдош “ўртоқлар”	180
Бирпас тоза ҳавода	181
Нуршермат қўрбошининг сўнгги илинжи	182
Хуфя сўз аскотган он	183
Асл ҳақиқатнинг аён бўлиши.....	183
Берлиндаги учрашув	185
Асл ҳақиқатнинг аён бўлиши.....	186
Ассалом, она Ватан	187
Хотима	187
Сўнгсўз.....	191
Афсонавий қаҳрамон (<i>Лазиз Тангриев</i>).....	193

Адабий-бадиий нашр

Виктор Сумин

СҮНГГИ ВА БИРИНЧИ СУБХИДАМ

*(Афсонавий разведкачи
Баҳром Иброҳимов ҳақида роман)*

Мухаррир *Илҳом Зойиров, Луқмон Бўриев*
Техник мухаррир *Хосият Ҳасанова*
Бадиий мухаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Мусаххих *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилота Алиева*

Нашр. лиц. АI № 290. 04.11.2016.
2018 йил 19 апрелда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет босма.
Times New Roman гарнитураси.
10,5 шартли босма табоқ. 9,1 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 223 ракамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.


Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Виктор Николаевич Сумин Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий алоқалар факультетларини битирган.

Турли даврий матбуот нашрларида, давлат муасасаларида, хорижий компанияларнинг ваколатхоналарида ишлаб, илмий фаолият билан шуғулланган.

Мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган қўплаб мақолалар, ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг сценарийлари, шеърлар, ҳикоялар, китобларнинг муаллифи. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. “Сўнгти ва биринчи субҳидам” адабнинг биринчи йирик асари.



ISBN 978-9943-5217-5-9

9 789943 521759